

МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Б. ФОЙИБНАЗАРОВ

МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари
талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

05.7.084
F-54


THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

B. GAYIBNAZAROV

NATIONAL ACCOUNTING SYSTEM

This manual is recommended by the group of "regulating the activities of scientific organizations of higher education" of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy



6

Ғойибназаров Б. Миллий ҳисоблар тизими - ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2004 – 128 бет.

Ушбу ўқув қўлланмада миллий иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши, бозор иқтисодиётининг амал қилиш механизми, иқтисодий ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш йўллари ёритилган. Шунингдек, миллий иқтисодиётни бошқариш тизимида республикамизда миллий ҳисоблар тизимини (МХТ) жорий қилиш ва унинг олдидаги турган асосий вазифалар, МХТнинг асосий тамоилилари, макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш йўллари ва иқтисодиёт секторлари, уларни баҳолаш услубияти, бухгалтерия ҳисоби ва миллий ҳисобчилик, иқтисодий операциялар ва асосий ҳисобламаларни ишлаб чиқиши, миллий иқтисодиёт ва унинг чегаралари, миллий ҳисобларда баҳо масалалари ва шу каби бошқа масалалар ўз ифодасини топган.

Ўқув қўлланма олий ўқув юртлари «статистика» йўналишининг бакалаврлари, магистрлари, профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимлари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар: и.ф.д.,
проф. Ш.Р. Холмўминов;

и.ф.д., проф. Х.Н. Набиев

Тақризчилар: и.ф.н., доц. А.Х. Аюбжонов;
и.ф.н., доц. Н. Ҳайдаров

Gayibnazarov B. National accounting system (Manual). –T.: TSUE, 2004, –128 pages.

This manual is about transition of national economy to market relations, obeying mechanism of market economy, macroeconomic indicators of economic development as well as the methods of their accounting are explained. It also covers the performing National accounting system (NAS) in the management of national economy and its main tasks, main principles of NAS, ways of accounting the macroeconomic indicators, sectors of economy, methodology of their valuation, calculation and national accounts, working up economic operations and main accounts, learning the inter branch balances in the base of NAS methodology, national economy and its borders, problems of domestic household in national account and other problems.

This manual is designed for the bachelor and master's students of Higher Educational Establishments, professor-lecturers and for those interested in "Statistics".

Responsible editor: doctor of economic science,
prof. Sh.R.Holmuminov;
doctor of economic science,
prof. H.N.Nabiev.

References: candidate of economic science A.H.Ayubjonov;
candidate of economic science N.Khaydarov.

КИРИШ

Маълумки, республиканизнинг мустақилликка эришганига ва деярли барча халқаро ташкilotларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлганлигига ҳам кўп вақт ўтгани йўқ. Аммо тарихан қисқа вақт мобайнида республиканизнинг ўзига хос ҳусусиятларини қамраб олган иқтисодий сиёsat шаклланиб, истиқболли йўналишлар белгиланди.

Эндилиқда миллий иқтисодиётимизнинг турли йўналишлари, таркибий қисмларини жаҳон бозори билан қиёсий ўрганиши мухим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, бозор муносабатлари шаронтида мустақил республикамиз ҳисоб-китоб ишларига ҳам туб ўзгартиришлар киритишни заруратга айлантироқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг қўрсатишича, мустақил давлат ўзининг мустақил ҳисоб-китоб ишларини олиб бориши, баҳолашни зарур.

Шу сабабдан республикамизда ҳам миллий иқтисодиётни макроиқтисодий таҳлил қилишнинг янги усуулларини ишлаб чиқиши зарурияти туғилди. Бунга макроиқтисодий таҳлилнинг барча муаммоларини ўзида акс эттирган миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)ни жорий қилиш орқали эришилади. МҲТни жорий қилишнинг афзаллиги шундаки, у биринчидан, республикамиз миллий иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётини объектив ва ҳақиқий статистик маълумотлар асосида ёритиб беришга, иккичидан, мустақил республикамизни жаҳон мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги муносабатлари чуқурлашишига ва тезлашишига қўмаклашади. Шунингдек, республика миллий иқтисодиётини тартибга солиши, истиқболни белгилаш ва Ўзбекистоннинг манфаатларини халқаро кўламда ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Ушбу ўқув қўлланмада бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётга мувофиқлашган қўйидаги вазифаларни ёритиш кўзда тутилган: миллий иқтисодиётни бошқариш тизими, иқтисодиёт ривожланишининг макроиқтисодий қўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили, МҲТ, уни жорий қилиш тамойиллари, институтцион бирликлар ва уларни таснифлаш, иқтисодий операцияларни гурухлаш, миллий ҳисобламаларни тузиш муаммолари ва уларни бартараф қилиш, макроиқтисодий қўрсаткичларни баҳолаш, молия, банк, бухгалтерия ва статистика ҳисоботларини такомиллантириш каби масалалар кенг ёритилган.

I боб

«МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1.1. «Миллий ҳисоблар тизими» фанининг моҳияти ва ривожланиш тарихи

Статистика амалиётига Миллий ҳисоблар тизимини (МХТ) киритиш республика статистикаси учун статистик маълумотларни таҳлил қилишни янги усулларидан фойдаланишни тақозо этади.

МХТ – барча мамлакатлар миқёсида миллий ҳисобламаларниң янги концептуал тизими, миллий иқтисодиётнинг халқ хўжалиги баланси (ХХБ) тизимидан тубдан фарқ қиласидан янги макростатистик моделидир.

МХТ ҳозирги ривожланган мамлакатларда ўтизинчи йилларда шаклана бошлади. 30 - йилларнинг охирида АҚШда савдо вазирлиги қошида миллий даромад бўлимни ташкил этилди. 1934 йилда етакчиларниң иқтисодчиси С. Кузнец мамлакат бўйича 1929 -1934 йиллар учун миллий даромад ҳажмини ҳисоблаган.

Дастлабки МХТда моддий неъматлар ва хизматларни яратиш, тақсимлаш ва истеъмол қилинча қатнашувчилар бажарадиган иқтисодий функциясига кўра, маълум йирик гурухларга ажратилган. Ҳар бир гурух ёки хўжалик бирлиги МХТда хўжалик фаолиятини таҳлил этишга асос қилиниб, «иқтисодий агент», деб номланади.

Дастлабки МХТга 5 хил иқтисодий агент киради: номлиявий корхоналар, уй хўжаликлари, хукумат, молия муассасалари ва чет эллик ташқи агентлар.

МХТда иқтисодий агентларнинг фаолияти замон (одатда йил ва чорак) ва макон (миллий чегаралар доирасида) бўйича тадқиқ қилинади.

Шундай қилиб, дастлабки МХТ фақат миллий даромад ҳисоблари тизимидан иборат бўлиб қолди. Бу тизимнинг бош мақсади мамлакат иқтисодий фаолияти миқёсини ўлчашдан иборат эди. Кейинчалик бу мақсад анчагина кенгайтирилди ё ва иқтисодий ҳисоб-китобларнинг барча тизимларини қамраб олувчи ҳар томонлама ташкил қилинган халқ хўжалиги статистикаси томон такомиллаштирилди.

МХТ ихтирочилари қаторига англиялик олимлар Р. Стоун, Ж. Мида ва франциялик олимлар А. Вансен., Р. Фроманларни киритиш мумкин.

1929 -33 йилларда капиталистик давлатлар ўз бошидан жуда мураккаб бўлган иқтисодий турғунлик (кризис) даврини кечирдилар ва уларнинг иқтисодчилари капиталистик жамият ривожланишининг «айрим назариялари»ни қайта кўриб чиқишига мажбур бўлдилар. Капиталистик давлатларнинг «тунги қоровул» (ночного сторожа) каби таълимоти маълум даражада ўзини оқулий олмади, унинг ўрнига «капиталистик давлатларни фаол иқтисодий роли» деган таълимоти оммабоп тус ола бошлади. Бундан халқ хўжалигига ўзаро/алоқадорликни ривожлантириш зарур эканлиги тан олинди. Капиталистик мамлакатларда баланс тузилмаларининг зарурлиги объектив омиллар ва энг аввало капиталистик давлатлар иқтисодиётини тартибга солишнинг амалий эҳтиёжи билан вужудга келди.

Дастлабки вақтда МХТ миллий даромад кўрсаткичини ҳисоблашга қаратилган эди. XX асрнинг бошларида Англия, Австрия, Франция, Норвегия, Германия ва АҚШда миллий даромад кўрсаткичи ҳисобланган эди.

Америкалик иқтисодчи В. Леонтьевнинг 1931 йилда ишлаб чиқилган «Тармоқлараро баланс модели» ҳозирги замон тармоқлараро таҳдилига асос ҳисобланади.

Миллий даромад ҳисоби ва тармоқлараро баланслар фақат реал (номолиявий) товар ва хизматлар оқимини ифодалади.

40-50 - йилларда капиталистик мамлакатларда МХТ кенг шакллана бошлади. МХТни жорий этишининг зарурлиги буюк иқтисодий турғунликдан сўнг сезиларли бўлиб қолди. Бунга шунингдек, иккинчи жаҳон урушининг бўлиб ўтиши ҳам сабаб бўлди.

Замонавий МХТни яратиш ва такомиллаштиришга Д. Кейнс, В. Леонтьев, С. Кузнец, Р. Стоун ва бошқалар катта ҳисса қўйдилар.

Саймон Кузнецнинг илмий тадқиқотлари АҚШнинг иқтисодий тадқиқотлар бюроси фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Унинг асосий асари - «Америка иқтисодиётидаги капитал. Унинг шаклланиши ва молиялаштирилиши» 1961 йили чоп этилди. С. Кузнец тадқиқотлари мароқтисодиёт соҳаси базаси учун эмпирик асос бўлди, бу эса Ж. Кейнснинг назарий тамойиллари билан ҳамоҳангдир.

Яна бир мухим соҳа - миллий ҳисоблар бўлиб, улар 30-40- йилларда бир қанча олимлар ҳамкорлигига вужудга келди. Бу эса эконометрик моделларга асос солди, давлатнинг ҳозирги даврдаги макроиктисодий сиёсатини белгилаб берди. Миллий маҳсулот ва миллий даромад, истеъмол ва жамғарма (капитал кўйилмалар), бошқа кўрсаткичларни ҳисоблаш ва таҳлил этиш статистик ва иқтисодчиларнинг одатий ишига айланди. Ваҳо-

ланки 60 -70 йил илгари бунинг иложи ва тамойиллари йўқ эди. У «Ялпи миллий маҳсулот» тушунчасини киритди, аммо дарҳол қабул қилинмади. Эндиликда бу йўл билан мамлакатлар иқтисодиётини ўзаро таққослаш мумкин, бусиз эса мамлакатларниң иқтисодий интеграцияси тўғрисида гапириш қийин эди. С. Кузнец тадқиқотлари пухталиги ва амалий аҳамияти билан бу борадаги бошқа тадқиқотлардан ажралиб туради.

Шунинг учун ҳам улар ҳозирги замон миллий ҳисоблари учун асос қилиб олинган ва амалда қўлланилмоқда.

С. Кузнецнинг асосий асари - «Даромади бўйича юқори гурухларнинг даромад ва жамғармалардаги ҳиссаси»да (1953 й.) 1919-1948 йилларда АҚШ миллий даромадининг тақсимланиш динамикаси келтирилади. Олимнинг ҳисобича, энг катта даромад олувчи (1%) аҳоли 1919-1938 йиллар давомида 13 % даромад эгаси бўлган, 1948 йилга келиб бу ҳисса 9 % гача пасайган. 5 % ни ташкил этган юқори гуруҳ аҳоли ҳиссаси эса шу давр мобайнида 25 дан 18 % гача камайган. Шунга асосан у юқоридаги хуласаларга келган. Олим иқтисодий ўсишнинг қиёсий таҳлилига катта ҳисса қўшиди, ҳозирги замон иқтисодиётини белгиловчи мезонларни аниқлади. Улар қўйидагилар:

- даромаднинг аҳоли жон бошига қараб ўсиш суръатлари;
- ишчи кучининг тармоқлар бўйича тақсимоти;
- аҳолининг ҳудудлар бўйича жойлашуви.

Кембриж университети профессори (Буюк Британия) Ричард Стоун (1913 -1991) иқтисодий таҳлилнинг эмпирик асосларини янада яхшилашгага олиб келган «Миллий ҳисоблар тизимини ривожлантиришга кўшган фундаментал ҳиссаси учун» 1984 йили Нобель мукофоти эгаси бўлди. Р.Стоун К. Кларк билан миллий даромадни ўлчаш муоммолари устида иш олиб борди, кейинчалик Британия ҳукумати топшириғига кўра, турли иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш ва улар тизимини барпо қилиш билан шуғулланди.

Р. Стоуннинг асосий хизмати шундаки, у миллий ҳисобларнинг ҳозирги тизимини яратди. Улар биринчи бор 1953 йили БМТнинг статистика бўлими томонидан чоп этилди ва ҳозир бутун дунёда тан олинган. Унинг системасидаги миллий счетлар матрица шаклида берилган, ҳар бир ҳисоб энига (даромад) ва бўйига (харажат) кўрсаткичига эга. Шуни айтиб ўтиш керакки, бундай уринишлар илгари ҳам бўлган (В. Петти, П. Буагильбер - 17 аср, С. Кузнец ва К. Кларк-20 аср). Р.Стоун улардан фарқиравища мақродаражада бухгалтериянинг икки марта ёзиши тамойилини биринчи бўлиб қўллади.

«Йиғма матрица»ларида стандарт кўрсаткичлар: миллий

маҳсулот, истеъмол, савдо баланси ва бошқалар шундай гурух-гурӯҳ қилиб берилганик, улар иқтисодиёт тузилмаси ва унинг ҳаракат қилиш жараёнларини тӯла изоҳлаб беради. У миллӣ ҳисобларга молия баланси тизимини киритиши катта янгилик бўлди (илгари бу ҳисобга олинмаган), ундан ташқари демографик ҳисоб-китоблар тизими ҳам жорий этилди (1975 йил БМТ нашр этди). Бу олим янги кейинчилик йўналиши тарафдори бўлиб, иқтисодий ўсиш назариясига ўз ҳиссасини қўшди, математик моделлар яратиши устида тадқиқотлар олиб борди. У иқтисодий ўсишнинг кўп секторлик моделини яратди, унда ўсиш модели балансли жадваллар билан, хусусан, «харажат – ишлаб чиқариш» (В. Леонтьев) баланси билан ҳамоҳангидир. «Харажат – ишлаб чиқариш» баланси иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасидаги алоқаларни кўрсатишга қаратилган. Бу кўрсаткичлар шахмат баланс жадвали шаклида тузилади. Унда ҳар бир тармоқ икки марта: 1) ишлаб чиқарувчи ва 2) сотиб олувчи сифатида кузатилади. Горизантал чизиқ бўйича ҳар бир тармоқда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар тақсимоти кўрсатилса, вертикал чизиқда мазкур тармоқ харажатлари, яъни бошқа тармоқлар маҳсулоти келтирилади.

Иқтисодий ўсишнинг кўп секторли моделининг вужудга келиши иқтисодиётдаги тузилма ўзгаришларини акс эттириш учун хизмат қиласи ва иқтисодий режалаштириш учун асос бўлиб, тармоқлараро тузилма ўзгаришларига таъсир этади. Бундай моделлар реал ҳаёт билан яқинроқ бўлиш имконини яратади. Дастлаб стационар (турғун) жамият моделидан ўсиш моделига ўтилди.

Амалий эконометрика соҳасида Стоуннинг 1954 йилда чиққан «Буюк Британияда истеъмол афзаллиги ва харажатларни ўлчаш 1920 -1938» китоби классик асар ҳисобланади. Жамғармалар сиёсати ва узоқ, муддатли товарларга бўлган талабни ўрганиш масалалари, баҳо индекслари назарияси, миллӣ ҳисоблар назариясидаги хатоларни ўлчаш услублари ва бошқалар ҳам Стоуннинг қаламига мансубdir.

Василий Леонтьев. 1973 йилдаги Нобель мукофоти асли россиялиқ Василий Леонтьевга иқтисодиётда «Харажат – ишлаб чиқариш» услугини ривожлантирганлиги ва уни муҳим иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга татбиқ этганлиги учун берилди.

У 1931 йилда АҚШга эммиграция қилиниб, Гарвард университетида дарс бера бошлади (1944 йил), 1948 йилдан бошлаб Иқтисодий тадқиқотлар хизмати директори лавозимида ишлади. Шу даврда «Харажат – ишлаб чиқариш» иқтисодий таҳлил услугини ишлаб чиқди (бу услугга 1924- 1928 йиллари

собиқ шүролар иктиисодчилари томонидан асос солинган эди). Бу усул бозор иктиисодиети тармоқларида ижтимоий маҳсулот айрим қисмларини ўзаро алмаштиришни конкрет жараёнларини тадқиқ қилишга йўналитирилгандир. В. Леонтьев томонидан таклиф қилинган тамойиллар иктиисодиётни башоратлашириш ва дастурлашириш амалиётида кенг қўлланилмоқда.

МХТнинг ҳар томонлама шаклланиши ва тараққий этишига БМТ, Европа Иктиисодий Ҳамжамияти, Иктиисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти муносиб ҳисса қўшидилар.

Иктиисодиётнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш учун пул ва молия сармояси оқимларини ўрганиш лозим бўлади. Бунинг учун молиявий оқимлар баланслари хизмат қиласди. Молиявий оқим балансини биринчи марта американлик олим М. Копеланд «Пул оқимлари» жадвали кўринишида тузган. Унинг асосида «1939-1953 йиллар учун АҚШнинг молиявий оқимлар баланси» ишлаб чиқилди. У накд пуллар оқими билан бирга молиявий битимларни ҳам ўз ичига олади.

МХТнинг асосий тамойиллари бухгалтериядаги иккиёқлама ёзиш тамойилига асосланган. Ҳар бир хўжалик акти иктиисодий жараёнда ўзининг табиати бўйича ҳар доим 2 нуқта назардан: биринчидан, қандайdir хўжалик бирликлари, муассасалар (агент), тармок ва бошқалар натижасида нимадир: пул, пул қийматликлари, товарлар ёки унинг хужжатлари тақдим қилинади; иккинчидан, айнан шу акт бошқа хўжалик бирликларига узатилиб, пул ёки товар эквивалентида харажат қилинади. Шунинг учун бундай акт хўжалик бирликларининг операцияларини ёзувда иккиёқлама: биринчи марта кирим ҳисобида ва иккинчи марта чиқим сифатида (дебет - кредит, актив - пассив) акс эттиради.

Бутун иктиисодиёт бўйича бухгалтериядаги иккиёқлама ёзиш тамойилининг қўлланилиши МХТ асосида амалга оширилади. Бу оддий гоянинг амалга оширилиши МХТни тузишда муҳим роль ўйнади ҳамда макроиктиисодий таҳдид учун манбаа бўлди. 1949 йилда Кэмбрижда (Англия) Ричард Стоун раҳбарлигида соддалаштирилган ҳисобот тизимларини қайта ишлаш учун маҳсус бўлим очилди. У дастлаб соддалашган тизимда, кейинчалик 1952 йилда эса Европа иктиисодий ҳамкорлик ташкилоти мамлакатларига стандарт тизим ишлаб чиқилди. У халқаро таққослаш учун мўлжалланган. Биринчи навбатда бу бўлимда ишлаб чиқилган андоза тизим Европа иктиисодий ҳамкорлик давлатлари Австрия, Швейцария, Канадада қўлланилди.

1951 йилда Парижда Европа Иктиисодий Ҳамжамиятининг миллий ҳисоблар бўйича конференцияси бўлиб, унда Европа Иктиисодий Ҳамжамиятияга аъзо бўлган мамлакатлар учун мил-

лий ҳисоблар тизими андозасининг лойиҳаси қабул қилинди. Бу лойиҳа Р. Стоун раҳбарлигида бир гурӯҳ иқтисодчилар томонидан ишлаб чиқилди.

1952 йилда бир гурӯҳ эксперт - статистиклар БМТни Статистика Бюроси топшириғига биноан «Миллий ҳисоблар ва узатувчи жадваллар» деб номланган услубиятини тайёрладилар. Бунга Англия ва АҚШнинг миллий ҳисоблар бўйича асосий ишлари негиз қилиб олинди. Шу билан бирга ҳисоблар тизимининг ўзига таъриф берилиши, ундаги энг муҳим макро-иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашнинг асосий қоидалари тўғрисида маъруза қилинди. Бу маъруза 1953 - 1955 йилларда БМТ нинг Статистика комиссиясида муҳокама этилди. Бу ҳолат бошқа давлатларда янги усул қўлланилишини рабbatлантириш ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда кейинги тадқиқотчилар дастлабки тадқиқотчилар томонидан белгиланган чегарани кенгайтириб юборганилар. Баланс тузувчи қатор олимлар ва иқтисодчи математиклар Францияда Ф. Перру, Норвегияда Р. Фриш, Англияда Р. Стоун ва бошқалар иқтисодий таҳлилнинг янги математик усуллари билан миллий ҳисоблар тизимини боғлаб, миллий ҳисобламаларни тузиш ва келгусида қайта ишлаб, такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Иқтисодиётнинг ҳақиқий ҳолатини текшириш учун пул ва молия капитали оқимларини ўрганиш лозим бўлади. Бунинг учун молиявий оқимлар баланслари хизмат қиласди. Молиявий оқим балансини 1-марта америкалик иқтисодчи М. Копеланд «Пул оқимлари жадвали» кўринишида тузган. Унинг асосида «1939-1953 йиллар учун АҚШнинг молиявий оқимлар баланси» ишлаб чиқилди. У нақд пуллар оқими билан бирга бошқа битимларни ҳам ўз ичига олади.

Ҳар қандай миллий иқтисодиёт ҳалқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг элементи ҳисобланади. Шунинг учун ташқи операцияларни ҳар томонлама реал ва молиявий томонларини қамраб олиб ифодалаш зарурияти туғилади.

Тўлов баланси МХТ миёсида турли минтақалар орасидаги алоқаларни товарлар, хизматлар ва молиявий мажбуриятлар орқали ифодалайди.

МХТнинг айрим қисмларини бир бутун ҳолга келтириш бобида биринчи ишлар миллий даромад статистикасини тармоқлараро ва молиявий баланслар билан биректиришдан бошланди. Бу соҳада норвегиялик иқтисодчи О. Аукрустнинг хизматлари катта. У қўшилган қиймат, соф маблағ сарфлаш, соф молиявий маблағ сарфлаш, жамғариш, эга бўлинган даромад ва МХТда кенг қўлланиладиган тушунчаларга асос солди.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг Европа мамлакатлари давлатни бошқариш тизимида миллий ҳисоблар тизимини қўллаш зарурлигини янада чуқурроқ тушуниб етдилар. Миллий ҳисоблар тизими авваламбор давлатни бошқариш органларига хизмат кўрсатиш билан боғланган. МХТнинг асосий моҳияти иқтисодий фаолиятда даромадлар яратилини талқин қилишдири.

МХТнинг ривожланишига инглиз иқтисодчиси Ж. Кейнс катта ҳисса қўши. Унинг ишлари асосан бозор муносабатларининг макроиктисодий даражада ривожланиш қонуниятларини чуқурлашган ҳолда текширишга ҳамда миллий маҳсулотни ўсиш омиллари ва шароитларини ўрганишга хизмат қиласди. Америкалик машхур иқтисодчи олим Э Хансен таъкидлаганидек «Миллий ҳисоблар тизими — кейнсчилар иқтисодий таълимотларининг натижаси ҳисобланади ва у иқтисодий сиёsatни олиб бориши, умумлашган иқтисодий кўрсаткичларни таҳтил қилишнинг муҳим куроли бўлиб хизмат қиласди».

1968 йили БМТнинг Статистика комиссияси томонидан МХТни яна бир янги андозаси ишлаб чиқилди. 1968 йилда тадбиқ этилган МХТ 25 йил ёки 1993 йилнинг февралига қадар хизмат қилди.

1993-йил февраль ойида БМТнинг Нью-Йоркдаги Статистика комиссияси навбатдаги сессиясида МХТнинг янги андозасини қабул қилди. Бу андозада ҳам 1968 йилдаги андозанинг асосий ютуқларидан фойдаланиш кўрсатиб ўтилган. Ундаги энг асосий янгиликлардан бири макроиктисодий статистиканинг кўрсаткичларидан кенг кўламда фойдаланиш ҳақидаги йўл-йўриқлар кўрсатилган. Улар биринчи навбатда актив ва пассив кўрсаткичлар, тўлов баланслари, давлат бюджетидаги статистика кўрсаткичларини ўз ичига олади.

БМТнинг янги миллий ҳисоблар тизими бўйича халқаро андоза 1968 йилдаги халқаро андоза ўrniga майдонга келган бўлиб, бунга 25 йил ичида, яъни 1968 йилдан 1993 йилгача МХТ да кўлга киритилган ютуқ ва тўплангандай тажрибалар асос қилиб олинган. Шунинг учун у аввалги андозаларга нисбатан анча муқаммал ва такомиллашган эди. Шу ўринда, 1968 йилда қабул қилинган андоза ҳам макроиктисодий статистика халқаро ва миллий даражада ривожланиши учун муҳим роль ўйнагандигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Янги миллий ҳисоблар тизими халқаро иқтисодий ҳамкорликда муҳим макроиктисодий кўрсаткичларни халқаро таққослаш жараёнини юксалтириш мақсадида ташкил этилди. Ривожланган мамлакатлар иқтисодчиларининг таъкидлашича,

БМТнинг янги миллий ҳисоблар тизими 10 йил фойдаланиш учун мўлжалланган 700га яқин саҳифадан ҳамда 21 бобдан иборат бўлиб, миллий ҳисоблар тизимининг у ёки бу жиҳатларини аниқ ифода этади.

1968 йилдаги миллий ҳисоблар тизими каби янги миллий ҳисоблар тизимида ҳам марказий кўрсаткич - ялпи ички маҳсулот бўлиб, у муайян даврда (йил, чорак) мамлакат иқтисодий худудида яшовчи резидентлар ишлаб чиқарган якуний товар ва хизматларни бозор баҳосида характерлайди. Ялпи ички маҳсулотни бундай ҳисоблаш асосида иқтисодий ишлаб чиқариш соҳасини аниқлаш ётади. Янги миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий ишлаб чиқариш ўз ичига шахсий истеъмол учун товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш амалиётидаги барча фаолиятни олади.

Янги миллий ҳисоблар тизими иқтисодий ишлаб чиқариш соҳасида шахсий фойдаланиш учун кўрсатилган уй хизматлари (овқат пишириш, уй тозалаш, болаларга энагалик қилиш) бўйича уй хўжалиги фаолиятини ҳам ифодалайди.

Янги МХТда ишлаб чиқариш соҳаси ўз ичига нафақат «яширин иқтисодиёт»ни, шу билан бирга хуқукий тақиқланган фаолиятни (гийёхвандлик моддаларини ишлаб чиқариш ва сотиш) ҳам олади. Янги МХТда ялпи ички маҳсулот таркибини ҳисоблашда унча катта бўлмаган ўзгаришлар юз берган бўлиб, бу ўзгаришларнинг асосийси - ялпи жамғариш кўрсаткичини аниқлашадир. Янги МХТда ялпи жамғариш З элементдан ташкил топади: асосий фонdlарнинг ялпи жамланиши, моддий айланма воситалар захирадарининг ўсиши, қимматбаҳо буюмларни сотиб олиш.

1968 йилда қабул қилинган МХТда давлат бошқарув органларининг ҳарбий мақсадлар учун товар ва хизматлар сотиб олиш учун килган барча ҳаражатлари оралиқ истеъмол сифатида ҳисобга олинар эди. Янги МХТда ҳарбий аэропортлар қуриш, верфлар (кема ясайдиган ва таъмирланадиган жой), йўллар, бинолар ва бошқалар учун қилинган ҳаражатлар асосий фонdlарнинг ялпи жамланиши сифатида инобатга олинади. Янги МХТда асосий эътибор алоҳида иқтисодий секторлар бўйича миллий бойлик кўрсаткичини, актив ва пассивларни таҳлил этишга қаратилган бўлиб, иқтисодий секторлари қўйидаги турларга гурухланади: товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари, молия муассасалари, давлат муассасалари, уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат (ижтимоий) ташкилотлар, уй хўжалиги. Бу иқтисодий секторлар учун бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳисобламалар тизими ишлаб чи-

қылган бўлиб, улар ҳар бир сектор ичидаги иқтисодий жараёнларнинг асосий босқичларини (маҳсулот ишлаб чиқариш, даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, якуний истеъмол ва жамғариш, актив ва пассив) ҳамда бу секторлар орасидаги боғланишларни ифодалайди.

Янги МҲТ қўйидаги ҳисобламалар тизимидан ташкил топади:

- барча иқтисодий секторлар учун андоза ҳисобламалар;
- иқтисодий тармоқлар учун ҳисобламалар (ишлаб чиқариш, даромадларнинг ҳосил бўлиши ҳисобламаси);
- алоҳида кўринишдаги иқтисодий операциялар учун ҳисобламалар, масалан, бошқа давлатлар билан жорий операциялар ҳисобламаси, товар ва хизматлар ҳисобламаси);
- бутун иқтисодиётни тўлалигича таърифловчи ҳисобламалар.

Янги МҲТда энг муҳим кўрсаткичлар орасидаги боғланиш қўйидагича ифодаланади:

- а) ялпи ички маҳсулот;
- б) мамлакат резидентларининг хорижий мамлакатлардан олган даромадлари (мулқдан олинган даромад, меҳнат ҳақи, ишлаб чиқаришга солиқлар);
- в) хорижий давлатларга бериладиган бирламчи даромадлар;
- г) ялпи миллий даромад ($A+B-B$);
- д) мамлакат резидентларининг хорижий мамлакатлардан олган ва тақдим қылган жорий трансферлари қолдиғи (ижтимоий ёрдам, қариндошлардан олинган совфа-саломлар);
- е) ялпи миллий мавжуд даромад. $E = G+D$.

1.2. «Миллий ҳисоблар тизими» фанининг предмети ва ўрганиш усуслари

«Миллий ҳисоблар тизими» фанининг предмети — ички ва ташки иқтисодиёт бўйича миллий ҳисобламалар тизимини тузиш услубиятини, жумладан, ҳисобламаларни тузиш усуслари ва қоидалари, унинг мазмуни, миллий ҳисобламаларнинг кўрсаткичлар тизими, уларни ҳисоблаш усуслари ва ўзаро боғланишлари; сектор ҳисобламаларини тузиш ҳусусиятлари ва мақсади; ҳар бир ҳисобламанинг иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишдаги ўрни, ташки иқтисодий фаолиятни тавсифлаш, миллий ҳисоблар концепциялари асосида тармоқлараро балансни ўрганиш ҳисобланади.

МҲТ услубиятини баланс усусли ёрдамида ўрганиш иқтисодий жараёнлар ва уларнинг натижаларини текшириши, миллий ҳисобчиликнинг асосий тушунча ва категориялари мазмунини ўзлантириш билан боғлиқ.

МХТни жорий қилишдан асосий мақсад моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, даромадларнинг ҳосил бўлиши, тақсимланиши, қайта тақсимланиши, улардан фойдаланиши ва ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ макроиқтисодий жараёнлар ва уларнинг натижаларини миқдорий характерлаш ҳисобланади. Бундай характерлаш ўзаро боғланган кўрсаткичлар тизимини ресурс ва ундан фойдаланиши қисмлари бўйича баланслаш ёрдамида умумлашган баланс жадвалларида (ҳисобламаларида) акс эттиришни ифодалайди. «Миллий ҳисоблар тизими» курсининг обьекти мамлакат иқтисодиёти, унинг тармоқлари ва секторлари ҳисобланади.

«Миллий ҳисоблар тизими» фанининг усувлари

Миллий ҳисоблар тизими – асосан баланс усулига асосланган бўлиб, ҳар бир ҳисобламада (баланс) унинг ресурслари ва фойдаланиши қисми орасидаги тенглик баланслаштирувчи моддани ҳисоблаш йўли билан ифодаланади. Ҳар бир ҳисобламада баланслаштирувчи модда ўрганилаётган иқтисодий жараёнларнинг натижаларини характерлашда мустақил аҳамиятга эга. Шунингдек, бу баланслаштирувчи модда олдинги ҳисобламани кейинги ҳисоблама билан боғловчи бўғин саналади.

Шундай қылиб, ўзаро боғланган кўрсаткичлар тизимлари асосида биринтирилган ҳисоблама тақрор ишлаб чиқаришини босқичларига мувофиқ, иқтисодий жараёнлар ва унинг натижаларини миқдорий характерлайди. Шунингдек, МХТда таснифлаш ва гуруҳлаш усули ҳам кенг кўлланилади. Бу усул ёрдамида ўрганилаётган иқтисодий жараёнлар, иқтисодий кўрсаткичлар тузилмаси ва умуниқтисодиётни ҳар томонлама тавсифлаш мумкин.

Барча иқтисодий жараёнлар динамика асосида: динамика қаторларини тузиш ва индекс усулини кўллаш асосида тузилади. Қийматли макроиқтисодий кўрсаткичларни динамика асосида ўрганишда барча қиймат кўрсаткичларини амалдаги баҳодан солиштирма баҳога қайта баҳолашда маҳсулотнинг физик ҳажм индексидан фойдаланилади.

МХТни таҳдил қилиш жараёнида таҳдилнинг мақсади ва мавжуд маълумотлардан келиб чиқиб, замонавий математик-статистик усувлардан фойдаланилади.

МХТ ҳисобламаларини босқичма-босқич тузиш усули – энг кенг тарқалган усул бўлиб, бу усулда ҳисобламалар кетма-кет тузилади, кейин унинг кўрсаткичлари бутун иқтисодиёт бўйича тузиладиган маҳсулот ва хизматлар ҳисобламасида умумлаштирилади. Ҳисобламаларни босқичма- босқич тузиш тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг босқичма-босқичлигидан келиб чиқади.

Товар оқимлари усули - жуда содда тузилган усул бўлиб, одатда, ундан ҳисобланган маълумотлар базаси шубҳали ва кетма-кет тузилган ҳисобламалар натижаси катта статистик фарқлар билан чиқса фойдаланилади. Бундай ҳолатда хато изланади, бироқ айнан хатони қаердан излаш ҳар доим ҳам аниқ бўлмайди. Етишмаётган маълумотлар ҳолатида бажарилаётган тезкор ҳисоблашлар учун ҳисоблама «ишлаб чиқариш-харажат» жадвалидаги каби математик модел асосида тузилади.

Товар оқимлари усули шу билан характерланади, ҳар бир ҳисобламадаги кўрсаткичлар бутун иқтисодиёт, сектор ва тармоқлар бўйича босқичма-босқич умумлаштирилмайди, бунга қарши ҳолда, ҳар бир ҳисоблама алоҳида маҳсулот турлари бўйича ресурс кўрсаткичлари (ишлаб чиқариш ва импорт) фойдаланиш кўрсаткичлари (оралиқ истеъмол, якуний истеъмол, жамғариш ва экспорт) билан боғланади.

Жуда кўп миллий статистика хизматларида товар оқимлари усули ёрдамчи усул сифатида қўлланилади. Баъзи мамлакатларда эса, масалан, Данияда бу асосий усул ҳисобланади.

Бу усулдан фойдаланиш учун ҳар бир маҳсулот бўйича маҳсус жадваллар тузилади. Бундай жадвалларнинг ресурс қисмида бозор баҳосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати, шунингдек, бозор баҳоларида импорт маҳсулотлари қиймати кўрсатиласди. Фойдаланиш қисмида эса оралиқ истеъмол (ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган маҳсулот ва хизматлар қисми), якуний фойдаланиш (уй хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар якуний истеъмоли), миллий жамғариш ва экспорт кўрсатиласди. Агар жадвалларнинг иккала қисми ўзаро баланс бермаса, ҳисоб - китоб қилинган кўрсаткичларни қайси кам ишончли ва умуман ишончсизлиги аниқланади, хатолар тўғриланади.

1.3. Миллий ҳисоблар тизимининг асосий вазифалари

Бугунги кунда республикамида МХТни ишлаб чиқишинатор вазифаларни ечишга имкон беради:

- даставвал, давлат бошқарув органлари томонидан иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиши учун зарур бўлган кенгроқ ва бозор иқтисодиётига йўналтирилган макроиқтисодий маълумотлар тизими ишлаб чиқиласди;

- иккинчидан, халқаро иқтисодий ташкилотларга маълумотларни бериш муаммосини ҳал этишга имкон беради;

- учинчидан, статистика ва иқтисод ишларининг умумий даражасини юксалтиради, БМТ доирасида ўтказилаётган халқаро ялпи ички маҳсулотни таққослашда Ўзбекистон Республикасини иштирок этишини осонлаштиради.

Миллий хисоблар тизимининг асосий вазифалари қуйида-гиларда намоён бўлади:

1) иқтисодий функциялар – бунда иқтисодиёт йирикесида ишлаб чиқарип, тақсимлаш, айирбонлаш, истеъмол қилиш ва жамғариш амалга оширилади;

2) миллий ишлаб чиқариш жараёни ҳар доим иккиёқлама операцияларнинг бирлиги сифатида талқин этилади;

3) қиймат шаклида иккиёқлама операцияларни амалга ошираётганлар даромад ва ҳаражатлар сифатида акс эттирадилар;

4) маълумотларнинг аниқлиги, тўғрилиги таъминланади;

5) пулнинг айланиси, истеъмол қиймати МХТда бевосита ифодаланиб, уларнинг асосий кўрсаткичлари ялпи ички маҳсулотда ўз аксини топади;

6) МХТ мамлакатдаги иқтисодий жараёnlарни босқичма - босқич ифодалаб беради. У ишлаб чиқаришдан бошланиб, даромадларнинг шаклланиши, уларнинг тақсимланишига ва мавжуд нул қиймати, турли қимматли қофозлар иқтисодиётни молижавий нұқтаи - назардан ифодалаш билан якунланади.

Миллий хисоблар тизими миллий маҳсулотнинг даромадлар шаклидаги ҳаракатини баланс кўрининишда тасвиirlаш ва молиявий бойликлар айланисининг хисобларда ифодаланган тармоқлараро алоқалар тавсифини қамраб олади. МХТ авваламбор макроиктисодий кўrсаткичлар тизимининг ҳар томонлама ривожланиши натижасида юзага келди. МХТнинг асосий вазифаси бир - бири билан чамбарчас боғланган иқтисодий операцияларни ўрганишдир.

МХТ тамойилларидан келиб чиқиб, бутун республикамиз статистикасида ошкораликни кенгайтириш зарур; барча хўжаликлар ва ижтимоий ташқилотлар, олий ўқув юртлари, измий - тадқиқот институтлари учун статистик маълумотлар очиқ бўлиши шарт. Шунингдек, статистика мамлакат иқтисодиётидаги ўзгарувчанликни тўғри акс эттириши керак. Жумладан, бозор шароитида иқтисодий ўсип динамикасини аниқлашда, сифат ўзгаришлари ва тузилмавий силжишлар, минтақалараро иқтисодий алоқалар ва бозор муносабатларининг шаклланиши, инфляция жараёnlари тахлили ва бошқаларда муҳим ўзгаришлар вужудга келиши зарур.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида статистика соҳасида баҳо индексларини қайта ишлап, мамлакатдаги тариф ва баҳо динамикасини кузатиш, аҳоли ва унинг турли гурухлари истеъмол бюджетлари ва халқ турмуш даражасидаги тузилмавий ўзгаришларни аниқлашга катта аҳамият берилishi керак. Бугунги кунда статистиканинг кўrсаткичлар тизимини тўлиқ қайта ишлап мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини тўлалигича ифодалаб беради.

Қисқача хулосалар

Миллий ҳисоблар тизими – миллий иқтисодий фаолиятни ҳар томонлама таҳлил қилиш ва ифодалашга хизмат қиласынан баланс тизимлари. Бундай тизим миллий иқтисодиёттің қолаты түғрисида тасаввур беріб, барча хұжалик бүгінліктең үзаро алоқаларини ифодаловчы шаклни түзишга күмаклашади.

МХТ – бухгалтерия ҳисобидаги иккіеңлама ёзиш қоидасынан асосланған бўлиб, мамлакат иқтисодиётини баланс кўришини ҳисобламаларда ифодалаб беради. МХТнинг асосий вазифаси биринчидан, иқтисодиётни тартибга солиш ва бошқарыш воситаси саналади; иккинчидан, миллий иқтисодиётни макроиктисодий таҳлил қилиш асоси ҳисобланади; учинчидан, ахоли түрмуш даражасини статистик үрганиш имконини беради; тўртинчидан, иқтисодий башоратлашни характерлайди.

«Миллий ҳисоблар тизими» фанини асосий усуллари босқичма-босқич түзиш, товар оқимлари усуллари ҳисобланади. Улар фаннинг предметини асослаб беради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. МХТ деганда нимани тушунасиз?
2. МХТнинг қисқача ривожланиш тарихини тушунтириңг.
3. «Миллий ҳисоблар тизими» фанининг асосий вазифаси нима?
4. «Миллий ҳисоблар тизими» фани қандай усулларда ўрганилади?
5. «Миллий ҳисоблар тизими» фанининг бошқа фанлар билан алоқасини тушунтириңг.
6. Иккиёклама ёзиш тамойилини изоҳланг.

Асосий адабиётлар

1. Кулагина Г.Д. Национальное счетоводство. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 1997.
2. Национальное счетоводство. Учебник. Под.ред. Б.И. Башкатов – М.: Финансы и статистика, 2002.
3. Макроиктисодий статистика. Үқув қўлланма. С. С. Румолов таҳрири остида. – Т.: Дитаф, 2001.
4. Рябушкин Б.Т. Национальные счета и экономические балансы. Практикум. – М.: Финансы и статистика, 2002.
5. Рябушкин Б.Т., Хоменко Т.А. Система национальных счетов. – М.: Финансы и статистика, 1993 .
6. Салин В.А ва бошқалар. Макроэкономическая статистика. – М.: Дело, 2001.
7. Фойибназаров Б. Миллий ҳисоблар тизими – макроиктисодий таҳлил асоси. Илмий рисола. – Т.: Фан, 2001.

II боб

ХАЛҚ ХҮЖАЛИГИ БАЛАНСИ ТИЗИМИДАН МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИГА ЎТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Халқ хўжалиги баланси ва унинг асосий камчиликлари

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, асосий мақсад мамлакат иқтисодиётини маъмурӣ бошқаришдан бозор муносабатлари асосидаги бошқаришга ўтказишга қаратилди. Бунда давлат статистика идоралари ўзига хос ўрин тутди. Ўзбекистонда ҳозир амал қилаётган статистика ва ҳисобот тизими иқтисодиётни маъмурӣ буйруқ билан бошқариш шароитида вужудга келган бўлиб, марказлаштирилган режалаштириш услубиятига ва ялпи статистик кузатишга асосланган.

Кўрсаткичлар тизими таркиби вазирликлар ва маъмуриятларни бошқариш заруриятидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, бозор муносабатлари талабларига жавоб бермайди. Бу республикамиз иқтисодиётининг ривожланишини, ижтимоий ҳаётда юз бераётган ўзгаришларни ифодалаб берувчи объектив статистик маълумотларни тўплashi, таҳдил қилиш ва уларнинг динамикасини ўрганишда намоён бўлмоқда. Республикаизизда узоқ вақт амалда бўлган статистика ва ҳисобот тизими Халқ хўжалиги балансига асосан олиб борилди. Унда мавжуд бўлмаган бир қатор кўрсаткичлар: кўп укладли иқтисодиёт тузилмаси, статистик кузатиш усулларининг номутаносиблиги иқтисодиётни бошқариш ва самарали сиёsat олиб боришни қийинлаштиради, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига кучли салбий таъсир кўреатди.

Бутунги кунда статистика соҳасидаги янги муаммоларни бозор муносабатлари қонуниятларидан келиб чиқиб ҳал этиш бу борадаги назарий асосларни қайта кўриб чиқишини, статистика амалиётида кескин ўзгартиришлар қилишини талаб этади.

Макроиктисодий статистиканинг асосий йўналишларида туб ўзгаришлар қилиш учун халқ хўжалиги баланси (ХХБ) тизимини вақтинчалик сақлаб қолган ҳолда маҳаллий шароитларга уйғунлаштирилган халқаро андозавий миллий ҳисоблар тизимини (МХТ) ишлаб чиқиши зарур бўлди.

Халқ хўжалиги баланси тизими – кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни муайян тарихий шароитда, конкрет макон ва замонда яхлит ҳолда характерловчи, бир - бирига боғлиқ бўлган иқтисодий-статистик кўрсаткичлар тизими бўлиб, у халқ

хўжалигини ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига ажратган ҳолда ўрганишга имкон беради. XXБ тизими иқтисодиётни таърифлаш ва текшириш, марказий режалаштириш ва моддий ресурсларни тақсимлаш учун ташкил этилган.

XXБнинг статистик тизими маҳсулотни қайта ишлаб чиқариш механизмини, халқ хўжалигининг моддий-техника базасини шакллантиришнинг қатор соҳалари ҳақида анчагина қимматли маълумотлар олиш имкониятини беради. XXБ ҳисобот ва статистика тизими ялпи статистик кузатишга асосланган бўлиб, мамлакат иқтисодиётини маъмурий бўйруқ билан бошқариш шароитига мослаб қурилган. Бу тизимда фақат моддий ишлаб чиқариш ва шу билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари ҳисобга олинган. Аҳолига хизмат кўрсатиш, банк ва молиявий хизмат кўрсатиш, тиббиёт хизмати, маориф, фан, маданият ва шу кабиларга иккиласми соҳа деб қаралиб, ишлаб чиқариш жараёнидан алоҳида ҳолда моддий ишлаб чиқаришда яратилган миллӣ даромад тақсимотида истеъмолчи соҳалар сифатида ялпи миллӣ даромад яратишда қатнашмайди, деб ҳисобланди. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасида яратилган даромад, бу соҳаларнинг ривожланиши якуний макроиқтисодий кўрсаткичларда ўз аксини топмайди. Бу эса мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида юз берәётган туб ўзгаришларни реал тасвирлаб беролмайди. Узбекистон иқтисодий кўрсаткичларини хорижий давлатлар кўрсаткичлари билан таққослашни қийинлаштиради.

XXБ ҳисобот ва статистика тизимида давлатнинг молиявий ахволи, пул муомаласи ва кредит, ишбилиармонлик ва воситачилик сингари бозор тарқибини белгиловчи иқтисодий кўрсаткичлар йўқлиги, статистик усулларни юз берәётган ўзгаришларни етарли даражада кузата олмаслиги иқтисодий ва сиёсий ислоҳот жараёнининг боришини ва натижаларини тизимий таҳлил қилишни қийинлаштиради, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий бошқарувнинг самарадорлигини пасайтиради. Бундан ташқари, XXБ тизими ялпи статистик кузатишга асосланганлиги учун янгидан вужудга келаётган минглаб майда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш хўжалик бирликларини ялпи кузатиш услуги борқали амалий жиҳатдан ҳисобга олиб бўлмайди. Чунки у катта ма布拉ғ сарфини талаб этади.

XXБ тизими асосан давлат бошқарув органларини, тармоқ вазирликлари ва идораларининг бошқарув вазифасини бажаришга қаратилган фаолиятларини ахборот билан таъминлашга йўналтирилган бўлса, бозор иқтисодиёти шароитида ҳисобот ва статистика тизими юқорида айтилган вазифаларга қўшимча равишда бошқа истеъмолчиларни: ишбилиармонларни,

ижтимоий-иктисодий муаммолар билан шугулланувчи олимларни, турли ассоциация ва фондларни, аҳолини ва чет эллик истеъмолчилар (халқаро ташкилотлар, чет эл инвесторлари) ни статистика ахбороти билан таъмин этиши лозим. Чунки бозор муносабатларининг таркиб топиши ва шу асосда иктиносидиётнинг равнақи кўп жиҳатдан статистика ахборотларининг тўлалигига, ўз вақтида истеъмолчиларга етказилишига, аниқлигига боғлиқ. Бу ўринда ҳисобот ва статистика тизими иктиносидиётнинг холатини, унинг ривожланиши йўлларини белгиловчи барометр бўлиб, бу даврда статистика ахборотига бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ортади. Статистика ахбороти иктиносидиётнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласди.

Шу билан бирга жамият ижтимоий тараққиётининг кўпгина соҳаларини, капитал ва молиявий ўзаро алоқадорликни, бутун халқ хўжалигини юритиш ва хўжалик механизми амалга оширилишини ўрганиш учун иктиносидиётни макроиктисодий моделлаштиришга моддий ишлаб чиқариш соҳасининг устунлиги нуқтаи назардан ёндашиш бир тарафлама бўлади.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги барча хўжалик бирликлари ўртасидаги мавжуд алоқалар, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасига баҳо бериш, меҳнатга ҳақ тўлаш, давлат бюджети, кредит, тўлов баланси каби тушунча ва тавсифлар ХХБ да етарлича ўз ифодасини топмайди.

ХХБ тизими даромадларни таҳдил қилишда энг содда усулдир. У фақат товарлар экспорти ва импорти билан чегараланиб, тўлов балансининг энг муҳим элементларини, шунингдек, жаҳон тажрибалари асосидаги кўрсаткичлар, яъни соф даромад, жамғармаларни ҳам ўз ичига олмайди.

Бундан фарқли ўлароқ, миллий ҳисоблар тизими (МХТ) – айни бозор иктиносидиётига мос келадиган миллий ҳисоб тизими бўлиб, миллий иктиносидиёт бўйича бир-бирига чамбарчас боғланган статистик кўрсаткичларни макроиктисодий тизимини баҳолашга, ҳисбламалар тўпламини ва баланс жадвалларини тузишга, иктисодий фаолият натижаларини характерлашга, иктисолд тузилмаси ва бошқа муҳим зарурий боғланишларни ифодалашга хизмат қиласди.

2.2. Халқ хўжалиги баланси билан миллий ҳисоблар тизими орасидаги асосий фарқлар ва ўхшашликлар

Миллий ҳисоблар тизими – бозор иктиносидиёти шароитида юзага келадиган инфляция, ишсизлик, хорижий давлатлар билан пул-кредит муносабатлари, молиявий оқимлар, хўжалик

ва мулкчиликнинг турли туманлиги каби жараёнларни иқтисодий таҳдил қилиш имконини беради.

Миллий ҳисоблар тизимида келтирилган маълумотларнинг кўп қисми кузатиш маълумотларига асосланади. Улар маҳсус статистик усуллар ёрдамида умумлаштирилади ва тегишли хуносалар чиқарилади. Миллий ҳисоблар тизими ёрдамида пул ҳаракати, тақсимлаш, унинг аҳоли қўлида тўпланиб қолиши тўғрисидаги маълумотларни таҳдил қилиш мумкин. Бу эса ҳисобларда келтирилаётган маълумотларнинг аниқлигини, статистик ҳисоботларда келтирилаётган ноаниқликларни назорат қилишга имкон беради. МХТга ўтиш зарурлиги ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан мантиқан келиб чиқиб, республика иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти билан мослашувини тезлаштиради.

I-жадвал

ХХБ тизими билан МХТ орасидаги фарқни қуйидаги жадваллар орқали кўришимиз мумкин:

Кўрсаткичлар	Ялии ишлаб чиқарин	Халқ ҳўяжалигига маҳсулот ва хизматлардан фойдаланиш							
		оралик иштъомол	маодий ишлаб чиқарин	хизмат кўрсатиш	шахсиј иштъомол	жамон иштъомол	ижтимоий иштъомол	капитал қўйилмалар ва захираларнинг ўзчи	экспорт- импорт коднаги
A	B	1	2	3	4	5	6	7	8
Моддин ишлаб чиқарин шоҳига	A	A11	A12	A13	A14	-	A16	A17	A18
Хизмат кўрсатиш соҳасига	B	B21	B22	B23	B24	B25	-	B27	B28
Амортизация вакратманини		31	32	-	-	-	-		
Халқ ҳўяжалиши	C	C11	C12	C13	C14	C15	C16	C17	C18

2- жадвал

Кўрсаткичлар	Миллий ҳисоблар тизими	Халқ ҳўяжалиги баланси
Ялии ишлаб чиқарин (ЯИЧ)	$ЯИЧ=C=A+B$ $ЯИЧ=C=C41+C42+C43+C44+C45+C46+C47$	$ЯИЧ=A$ $ЯИЧ=A=A11+A12+A13+A14+A16+A17$
Оралик иштъомол (ОИ)	$OИ=(A11+A12)+(B21+B22)$	$OИ=A11$
Пираворд маҳсулот (ПМ)	$ПМ=C-(A+B)-(A11+A12)-(B21+B22)$ $ПМ=C-((C41-31)+(C42-32))$	$ПМ=A-A11$ $ПМ=A12+A13+A14+A16+A17$
Миллий даромад (МД)	$МД=C-(C41+C42)$ $МД=(A+B)-$ $((A11+B21+31)+(A12++B22+32))$	$МД=A-(A12+31)$ $МД=(A13+A14+A12++A32)+(A16-32)+A17$

Юқорида келтирилган жадваллардан шу нарсаны күриш мүмкінки, ХХБ тизимида ялпи ишлаб чиқариш соҳаси фақат моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилған миллий маҳсулотни, пуллик ва бепул күрсатылған моддий хизматлар ҳажмини ҳам ўз ичига олади. Оралиқ истеъмол асосан ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланилған воситалар қыйматларини ўз ичига олади.

ХХБда оралиқ истеъмол фақат моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги оралиқ истеъмолни ўз ичига оладиган бўлса, бу кўрсаткич МХТда ҳам моддий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларидағи оралиқ истеъмолни қамраб олади.

Пировард маҳсулот – хизмат кўрсатиш соҳасининг истеъмолига ва жамғаришга сарфланишини ифодалайдиган кўрсаткичdir. Бу кўрсаткич ХХБ тизимида моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ялпи ишлаб чиқаришдан шу соҳадаги оралиқ истеъмолни айриб ташлашдан қолган натижага тенг бўлади.

МХТда эса бу кўрсаткич моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидағи ялпи ишлаб чиқаришдан моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги оралиқ истеъмолни чегириб ташлашдан сўнг қолдиққа ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги оралиқ истеъмол қўшилгач, ҳосил бўлган кўрсаткичга тенг бўлади.

Миллий даромад – бирламчи даромадлар йиғиндинисини ифодаловчи кўрсаткичdir. Бирламчи даромадлар меҳнат ҳақи, фойда, ишлаб чиқаришга солиқлар, мулқдан олинган даромадлар (фоиз, рента, дивидент) хисобига шаклланади.

МХТ ва ХХБ тизими макроиктисодий кўрсаткичларини интеграциялаш.

1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ.

1. Ялпи ижтимоий маҳсулот (ХХБ услугияти бўйича).
 2. Номоддий хизматлар.
 3. Моддий неъмат ва хизматларнинг ялпи ишлаб чиқаришдаги салмоғи.
 4. Оралиқ истеъмол (моддий ишлаб чиқариш харажатлари).
 5. МХТ услугияти бўйича ЯИМ.
 6. Амортизация (асосий фондларнинг эскириши).
 7. Миллий даромад (МХТ услугияти бўйича).
 8. Миллий даромад (ХХБ услугияти бўйича).
 9. Корхоналарнинг соф маҳсулоти.
- ### 2. ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР.
1. Меҳнат ҳақи.
 2. Ижтимоий сугуртага ажратмалар.
 3. Фойда.
 4. Айланма солиги.

5. Эгри солиқлар.
 6. Субсидия.
 7. Тадбиркорлик даромади.
 8. Амортизация ажратмаси.
 9. Аҳолининг мулкдан олган даромадлари.
 10. Кирим ва тўловларнинг қайта тақсимланиши.
 11. Жорий трансфертлар.
 12. Мавжуд даромад.
 13. Шахсий мавжуд даромад.
 14. Шахсий мавжуд даромад ва аҳолининг умумий даромадлари.
 15. Шахсий ёрдамчи хўжаликлардан олинган соф маҳсулотлар.
- 3. ЯКУНИЙ ИСТЕММОЛГА ХАРАЖАТЛАР.**
1. Уй хўжалигига товарлар ва номоддий хизматларнинг истеъмол харажатлари.
 2. Аҳолига бепул кўрсатилган хизматлар ҳажми.
 3. Давлат бошқарув органларининг жорий харажатлари.
 4. Ижтимоий ва нотижорат ташкилотларни шакллантириш учун қилинган харажатлар.
 5. Якуний истеъмол харажатлари — жами.
 6. Аҳолининг моддий неъмат ва хизматларга якуний истеъмоли.
 7. Давлат муассасаларининг якуний истеъмоли.
- 4. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАР.**
1. Товар ва хизматлар экспорти.
 2. Товар ва хизматлар импорти.
 3. Та什қи савдо қолдиғи.
 4. Хорижий мамлакатлардан олинган иш ҳақи.
 5. Хорижий мамлакатлардан жорий трансфертлар.
 6. Бошқа мамлакатлардан олинган даромадлар.
 7. Қарзларнинг ўсиши (пассив).
 8. Хорижий мамлакатлардан соф трансфертлар.
 9. Хорижга ишчи кучи экспорти.
 10. Хорижий мамлакатлардан капитал трансфертлар.
- 5. ҚЎШИМЧА КЎРСАТКИЧЛАР.**
1. Асосий фондлардан йўқотишлар.
 2. Айланма воситалар ва захиралардан йўқотишлар.
 3. Асосий фондларнинг амортизациясига ажратилмай қолган қисми.
 4. Ижарадаги уй-жойлар амортизацияси.
 5. Ҳарбий техникалар ва қуроллар учун харажатлар.
 6. Иқтисодий тармоқлардаги моддий харажатлар.
 7. Асосий фондларнинг ялипи жамланиши.

8. Моддий айланма воситаларнинг ўсиши.
9. Аҳоли томонидан номоддий хизматларни сотиб олиш.
10. Моддий неъматларни ялпи ишлаб чиқарини.
11. Номоддий хизматлар реализацияси.
12. Хизмат кўрсатиш соҳасида фойда.
13. Амортизация.
14. Асосий фондлардан йўқотишлиар (ХХБ бўйича).
15. Бошқа кўрсаткичлар.

ХХБ тизими билан МХТни биринчириши мақсадида ва унинг самарадорлигини таъминлаш учун «ўтиш қалити» усули ишлаб чиқилган. Ушбу усул ХХБ ҳамда МХТ асосий кўрсаткичларининг ўзаро боғланишини ифодалайди ва МХТда эиг мухим макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш бўйича кенг қўлланилиши мумкин. Берилган усулни мамлакатларда ижтимоий-иктисодий ривожланишини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири – миллий даромад кўрсаткичи мисолида кўриб чиқамиз.

I-чизма МХТ ва ХХБ тизими кўрсаткичларининг мухим боғланишилари

ХХБ кўрсаткичлари	МХТ кўрсаткичларига ўтиш	МХТ кўрсаткичлари
1. Ялни ижтимоний маҳсулот	=Пуллик ва беңулт кўрсатилиш номоддий хизматлар харажми =Ўй-жой ва унинг эгалари томонидан тўланган шаржли квартира хақи	1. Ялни ишлаб чиқарини
2. Моддий харажатлар	=Хизмат кўрсатини соҳасида моддий харажатлар =Асосий воситалар истеъмоли =Номоддий хизматларга тўловлар. =Маҳсулотларининг табиий оғатлар билан боғлиқ бўймаган йўқотувчири =Ўй-жойларни сақлашиб туриш учун узарнинг эгалари томонидан жорий харажатлар. =Харбий техникалар сотиб олиш =Харбий хизматчилар, молиявий воситачиларга озик-овкат ва кийим-кечак харажатлари	2 Ораслик истеъмоли
3. Миллий даромад (1-2)		3. ЯКК (1-2) 4. Маҳсулотларга соғф соликлар 5. Импортига соғф соликлар 6. ЯИМ (3+4+5)

Қисқача ҳulosалар

Қисқа қилиб айтганда, миллий ҳисоблар тизими иқтисодиёттің бүйича бир бирига чамбарчас боғланған. Ү статистик күрсаткыштарни макроиктисодий тизимда баҳолашға, ҳисобламалар түпнамини ва баланс жадвалларини тузишта, иқтисодий фаолият натижаларини характерлаш, иқтисод түзилмасини ва бошқа муҳим зарурый боғланишларни ифодалашға хизмат қилади.

Йжтимоий-иктисодий ривожланишдан келиб чиқиб, МХТ га ўтиш республика иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти билан мослашувини тезлаштиради. Республика ЯИМ күрсаткичини халқаро таққослашыға ва жаҳон ҳамжамияттың бирикисишида муҳим ўрин тутади. БМТ бундай тизимгә ўтишни ҳар томоннама рағбатлантирумокда. МХТнинг жорий қилиниши БМТ институтлари билан ҳамкорлық жараёнини кенгайтиради, бозор иқтисодиёттегі ўтиш ишларини осонлаштиради, қўшиб ёзиш каби салбий ҳолатларга барҳам беради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Халқ хўёжалиги баланси тизими ва унинг асосий камчиликларини тушунтиринг.
2. МҲТ билан ХХБ тизими орасидаги асосий фарқлар ва ўхшашликларни айтиб беринг.
3. ХХБ ва МҲТнинг ўхшашиб кўрсаткичларини аниқланг ва улар орасидаги фарқларни айтинг.
4. МҲТни республикамиизда шакллантириш жараёнидаги муаммоларни аниқланг.

Асосий адабиётлар

1. Кулагина Г.Д. Национальное счетоводство. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 1997.
2. Национальное счетоводство. Учебник. Под.ред. Б.И. Башкатов – М.: Финансы и статистика, 2002.
3. Набиҳўжаев А. Миллий ҳисоблар тизмаси нима? – Т.: «Ҳаёт ва иқтисод» журнали, 1993 № 6, 14- 15 бетлар.
4. Макроиқтисодий статистика. Ўқув қўлланма. С. С. F уломов таҳрири остида. – Т.: Дитаф, 2001.
5. Рябушкин Б.Т. Национальные счета и экономические балансы. Практикум. – М.: Финансы и статистика, 2002.
6. Рябушкин Б.Т.,Хоменко Т.А. Система национальных счетов. – М.: Фынансы и статистика, 1993 .
7. Салин В.А ва бошқалар. Макроэкономическая статистика. – М.: Дело, 2001.
8. Гойибназаров Б. Миллий ҳисоблар тизими – макроиқтисодий таҳдил асоси. Илмий рисола. – Т.: Фан, 2001.
9. Гойибназаров Б. Миллий ҳисоблар тизими. – Т.: «Иқтисод ва ҳисобот» журнали, 1996 № 3, 46- 51 бетлар.

III боб

МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИДА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА ИҚТИСОДИЙ ОПЕРАЦИЯЛарНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ

3.1. Иқтисодий фаолият ва унинг таснифланиши

МХТда иқтисодиёт ички ва миллий турга ажратилади. Миллий иқтисодиёт – шу минтақадаги резидентларнинг (улар қаерда яшаш ва ишлашидан қатъиназар) фаолиятини ифодалайди.

Ички иқтисодиёт деганда шу минтақадаги резидент ва резидент бўлмаганларнинг иқтисодий фаолияти тушунилади. Бу вақтда ички иқтисодиёт учун ялпи ички маҳсулот миллий иқтисодиёт учун ялпи миллий даромад ҳисобланади. Бу икки иқтисодиётни яққол ажратиш, тўғри белгилаш учун МХТда қуйидаги тушунчалар ишлатилади: иқтисодий худуд, резидент, иқтисодий манфаат маркази. Иқтисодий худуд – шу давлатни сиёсий мақсадлар учун қўллайдиган ҳудудга тўғри келмайди. Иқтисодий худуд – шу давлат маъмурий бошқарадиган, ичida шахс (мол, товар) ва пулнинг бемалол ҳаракат қилиш хукуқи ва имконияти мавжуд бўлган макон. Иқтисодий ҳудудга қуйидагилар киради:

1. Мусаффо осмон, шу давлат ҳудуди ҳисобланган ердаги сув, сув ости ва сув юзаси;

2. Хорижий мамлакатлардаги ажратилган ёки ижарага берилган ерлар - корхона, муассасалар, дипломатик ташкилотлар, ҳарбий, илмий-тадқиқот ва бошқа мақсадлар учун қурилган жойлар;

3. Институтцион бирликлар (уй хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар) агар уларнинг иқтисодий қизиқиши маркази шу иқтисодий минтақа билан боғлиқ бўлса, унда улар резидент ҳисобланади. Демак, уй хўжаликлари, корхона, ташкилот ва муассасалар бир йил ва ундан кўпроқ вақт мобайнида шу давлат ҳудудидаги иқтисодий фаолиятда иштирок этсалар улар шу давлатнинг резиденти ҳисобланади.

Резидент тушунчаси фуқаролик ёки миллат тушунчасига тўғри келмайди. Лекин, ҳар бир киши шу ҳудудда бир йилдан ортиқ истиқомат қиласа шу давлатнинг резиденти ҳисобланади. Санъаткорлар, талабалар, спортчилар ва бошқа шахслар шу мамлакатнинг резиденти ҳисобланмайдилар. Халқаро ташкилотларнинг ходимлари шу давлатда бир йилдан ортиқ истиқомат қилиб, ишласалар, улар ишлаб турган жойдаги давлатнинг

резиденти ҳисобланади. Самолёт ва кема ходимлари шу давлатнинг уй хўжалиги аъзолари бўлиб, бошқа давлатларда бўлсалар ҳам шу давлатнинг резиденти ҳисобланади. Резидент корхоналар, қурилиш бригадалари, қўшма корхоналар, қаерда ишламасин, иқтисодий қизиқиши шу давлат билан бир бўлса, улар шу давлатнинг резиденти саналади.

Иқтисодий манфаат маркази шундан иборатки, иқтисодий худудда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган кооперациялар бир йил ва ундан ортиқроқ вақт мобайнида давом этиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнининг ресурслари ва фойдаланиладиган маҳсулот ва хизматлар орасидаги боғланишин ўрганиш мақсадида миллӣ ҳисоблар тизимида институтцион бирликлар тармоқлар бўйича тақсимланади.

3.2. МХТда иқтисодий операцияларни гурухлаш

Операциялар миллӣ ҳисоблар ва иқтисодий фаолиятни ҳисбога олувчи бирлиқдир. Улар пул (харид - сотиш) ва натура (бартер, натурадаги иш ҳақи) шаклларида қайта тақсимлаш жараёнини акс эттиради. Иқтисодий операцияларни аниқлаш ва гурухлаш МХТда ҳисоб бирлигини аниқлаш жараёнидан иборат.

Иқтисодий операциялар ифодаланишига қараб бир томонли ва икки томонли бўлади. Агар маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар яратган маҳсулотларини ўзлари истеъмол қиласалар, бу бир томонли операция ҳисобланади. Икки томонли операцияларга мисол қилиб, барча турдаги маҳсулотларни етиштириши ва хизмат кўрсатиш операцияларини келтириши мумкин.

Иқтисодий операциялар ўз тузилиши бўйича 2 гурухга бўлинади:

а) операциялар компенсация асосида тузилади, бунда товар, хизмат, пул оқимиiga жавобан товар, хизмат, пул оқими қайтариб берилади (бартер усули).

б) трансфертлар - операция бўлиб, маҳсулот, хизмат ёки пулни қайта тақсимлаш оқимидан иборат. Трансфертлар 2 хил бўлади: жорий ва капитал трансфертлар.

Жорий трансфертларга мисол қилиб, тўғри солиқларни, жарималар, ҳар хил йиғимларни, бадалларни ҳамда совға ва бошқаларни олиш мумкин.

Капитал трансфертлар иқтисодий ёрдам тариқасида бошқа давлатларга капитал қурилиш учун моддий ёрдам ажратиш, ҳарбий мақсадлардан ёки табиий оғатлардан кўрилган зарар ўрнини давлат ҳисобидан тўлдирилишини ифодалайди.

МХТда операциялар З та синфга ажратилади: товар ва хизматлар, тақсимлаш ва молиявий операциялар.

- товар ва хизматлар операциялари - тармоқ ва секторларда ишлаб чиқариш, айирбошлиш, истеъмол қилиш жараёнларини ифодалайди. Булар қўйидаги операция категорияларидан иборат бўлади: товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмол, якуний истеъмол, жамғариш, товар ва хизматлар экспорти, товар ва хизматлар импорти;

- тақсимлаш операциялари – институтцион секторлар ўртасида даромадларни айирбошлиш амалга оширилади. Уларга асосан қўйидагилар киради: ишловчиларнинг меҳнат ҳақи, ишлаб чиқариш ва импортга солиқлар, ишлаб чиқариш ва импортга субсидиялар, мулк ва тадбиркорликдан олинадиган даромад, баҳтсиз ҳодисалардан сугурта қилиш операциялари, ҳар хил жорий трансферлар ва бошқалар;

- молиявий операциялар иқтисодиётнинг турли секторларида молиявий активлар ва пассивлар ўзгаришини ифодалайди. Улар асосида жамғариш манбаалари ётади. МХТда молиявий мажбуриятлар асосан иқтисодиётни молиялаштиришни, молия, кредит операциялари ўзгаришининг маҳсус шаклларини кўрсатади.

Қисқача хулосалар

МХТда иқтисодий фаолият ички ва миллий иқтисодиётга ажратилади. Улар орасидаги фарқни ўрганиш мақсадида иқтисодий худуд, резидент, иқтисодий манфаат маркази каби тушунчалардан фойдаланилади.

Иқтисодий операцияларни гурухлаш МХТда ҳисоб бирлигини аниқлаш жараёнидан иборат. Иқтисод операциялар товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва молия операциялари орқали ифодаланиб, улар пул (харид-сотиш) ва натура (бартер, натурадаги иш ҳақи) шаклларида қайта тақсимлаш жараёнини акс эттиради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Милий иқтисодиёт деганда нимани тушунасиз?
2. Ички иқтисодиёт деганда нимани тушунасиз?
3. Резидент нима?
4. Иқтисодий манфаат маркази нимани характерлайди?
5. Иқтисодий худуд нима?
6. Иқтисодий операция нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
7. Трансферт нима?

Асосий адабиётлар

1. Иванов Ю.Н. Макроэкономическая статистика.- М.: Инфра, 2000.
2. Национальное счетоводство. Учебник. Под.ред. Б.И. Башкатов – М.: Финансы и статистика, 2002.
3. Рябушкин Б.Т.,Хоменко Т.А. Система национальных счетов. – М.: Финансы и статистика, 1993 .
4. Рогозникова Т.А. СНС – модель рыночной экономики. – Т.: Рынок, деньги и кредит журнали, 1995 № 5, 49- 53 бетлар.
5. Фойибазаров Б. Миллий ҳисоблар тизими – макроиқтисодий таҳлил асоси. Илмий рисола. – Т.: Фан, 2001.
6. Фойибазаров Б. Миллий ҳисоблар тизими. – Т.: «Иқтисод ва ҳисобот» журнали, 1996 № 3, 46-51 б.
7. Фойибазаров Б. Макроиқтисодиёт ва миллий ҳисоблар тизими. – Т.: «Мулкдор» газетаси. 2001, 20-26 июль.
8. Фойибазаров Б. Ҷунёвий андозалар даражасидаги статистикани ташкил этиши. Т.: «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали,2001 № 3, 26-28 б.

IV боб

МИЛЛИЙ ХИСОБЛАР ТИЗИМИДА ҚҰЛЛANIЛАДИГАН ГУРУХЛАШ ВА ТАСНИФЛАШЛАР

4.1. Иқтисодий фаолият турларини мулк шакллари, маъмурий ва иқтисодий ҳудуд ҳамда идоравий тасарруфи бўйича таснифлаш

Ўзбекистон Республикаси истиқдолга эришиб, жаҳон ҳамжамиятияга ва БМТга аъзо бўлиши муносабати билан унинг макроиқтисодий фаолият кўрсаткичларини ишлаб чиқиши ва уларни ривожланган мамлакатлар кўрсаткичлари билан таққослаши вазифаси туғилди.

Макроиқтисодий статистикасининг ўрганиш обьекти – мамлакат иқтисодиёти бўлгани сабабли, у кўп сонли ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектлар – фирма, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ўзаро бир-бiri билан боғлиқ фаолиятини ўрганади. Маълумки, бу субъектларнинг айримлари моддий неъматлар яратиб, уларни истеъмолчиларга етказиб беради, айримлари турли-туман хизматларни амалга оширади, давлатни бошқаришда иштирок этади, баъзилари эса илмий, маърифий фаолият, маданий ва майший хизмат кўрсатади. Шунинг учун мавжуд корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятини ўрганишда уларнинг мулкчилик шакллари, маъмурий ва иқтисодий ҳудудлар ҳамда идоравий тасарруфи бўйича гурухларга ажратиш – таснифлаш лозим.

Халқаро ҳамжамият мамлакатларининг андозалари асосидаги таснифлаш юқорида қайд этилган белгилар асосида амалга оширилади.

Мулкчилик шакллари бўйича гурухлаш учун республикамизнинг кўп укладли иқтисодиёти ўзига мос равишда қуйидаги гурухларга бўлинади:

- давлат мулки;
- жамоа-кооператив мулки;
- жамоа мулки;
- турли жамиятлар (акционерлик) мулки;
- хусусий мулк;
- шахсий мулк.

Мулкчилик шакллари бўйича бундай гурухлаш ҳар бир мулкчилик шаклининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини яратишдаги ўрни, салмогини ва аҳоли бандлигини аниқлаши имконини беради.

Маъмурий, идоравий тасарруфи бўйича гурухлашнинг асосий зарурати шундан иборатки, унинг ёрдамида халқ хўжалиги тармоқларини бошқаришнинг ташкилий шакллари аниқланади. Иқтисодиёт тармоқларини бошқариш эса тармоқ қоидалари асосида амалга оширилади. Масалан, умумтаълим мактаблари ни халқ таълими вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги тармоғини эса қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқаради ва ҳоказо.

Корхона ёки ташкилотлар вазирлик ёки идоравий тасарруфи доирасида яна республика, вилоят, туман тасарруфидаги корхоналарга гурухланади.

Маъмурий ва идоравий тасарруфи бўйича гурухлашдан асосий мақсад ҳар бир вазирлик бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, динамикасини, меҳнат унумдорлиги динамикасини, ишлаб чиқарган ва соттан маҳсулотлари бўйича режалари ва битимларининг бажарилиш даражасини назорат қилишдан иборат.

Худудлар бўйича гурухлаш мамлакат турли худудлари ривожланишини, ишлаб чиқариш кучларининг жойланишини ва худудлар ўргасидаги иқтисодий алоқаларини таҳлил қилиш имконини беради.

Мамлакатимиз иқтисодиёти алоҳида—алоҳида иқтисодий худудларга бўлинмаган, балки маъмурий худудларга ажратилган. Шу сабабли, корхоналарни автоном республика, вилоят, шаҳар ва туманлар тасарруфи бўйича ҳам гурухларга ажратиш мумкин.

Айрим тармоқларда худудлар бўйича маҳсус гурухлар қўлланилади. Масалан, кўмир саноатида, кўмир хавзалари бўйича, қишлоқ хўжалигига ер зоналари ва табиий-иклим шароити бўйича ҳам гурухларга ажратилади.

4.2. Институцион бирлик тушунчаси ва иқтисодий фаолият турларининг секторлама таснифи

Миллий ҳисоблар тизимининг асосий моҳияти иқтисодий фаолият натижасида даромад олишни ва ундан фойдаланишини талқин қилишdir. Миллий ҳисоблар тизимида (МҲТ) моддий неъматлар яратиш, хизматлар кўрсатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишда қатнашувчilar бажарадиган иқтисодий вазифаси асосида гурӯҳларга ажратилган. Ҳар бир гуруҳ ёки хўжалик бирлиги МҲТда, иқтисодий агент деб юритилади.

Иқтисодий фаолият олиб бориш хуқуқига эга ва бошқа агентлар билан бўладиган ишларда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган иқтисодий агент институцион бирлик, деб аталади.

Институцион бирлик — мустақил равишда фаолият кўрсатиб, даромад олувчи, барча молиявий мажбуриятларни бажа-

рұвчи, қарамоғида барча турдаги мол-мұлқа ва пул маблағлари бўлган, уларни ўз ихтиёри билан ишлата оладиган муассасалар-дир. Бундай муассасалар алоҳида корхона, фирма, молиявий ташкилот ва бошқалар бўлиши мумкин. Улар ўз ҳисоб-китоб ишларини ўзлари тўлиқ юритадилар, банкларда ҳисоб рақамига эга бўладилар. Аудиторлар эса уларнинг хўжалик фаолияти натижаларини таҳлил қиласидилар. Институтцион бирликлар амалга ошираётган бир жинсли фаолият асосида қуидаги секторлар ва секторчаларга бўлинадилар:

1. Номолиявий корхоналар сектори;
2. Молия муассасалар сектори;
3. Давлат муассасалари сектори;
4. Ўй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат (ижти-моий) ташкилотлар сектори;
5. Ўй хўжалиги сектори;
6. Ташқи дунё сектори.

Номолиявий корхоналар сектори молиявий ташкилотлардан ташқари институтцион бирликларни ўз ичига олади. Уларнинг асосий вазифаси маҳсулот ишлаб чиқариш ва номолиявий хизматлар кўрсатиш бўлиб, ўз харажатларини қоплаш учун фаолиятлари натижаларини кўзланган баҳоларда сотишдир. Аммо кўпгина холларда ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми миллий иқтисодиёт манфаатларини ҳисобга олган ҳолда давлат бюджетидан субсидиялар ҳисобидан қопланади.

Молия муассасалари сектори мулкчилик шаклидан қаъти-назар тижорат асосида молиявий ва суғурта операциялари билан шуғулланувчи институтцион бирликларни, яъни тижорат банклари, қарз берувчи жамиятлар ва ассоциацияларни ўз ичига олади. Уларнинг асосий вазифалари – молиявий маблағларни чиқариш, сотиб олиш, сақлаш ва тақсимлаш, қимматлаш қофозлар чиқариш, пул маблағларини сақлаш, корхоналар, уй хўжа-ликлари ва бошқаларга қарз беришдан иборат.

Банкларни ҳам, молиявий ташкилотларни ҳам давлат муассасалари сирасига киритиш мумкин. Марказий банк пул сиёсатини олиб боради ва унинг вазифасига қуидагилар киради:

1. Пул чиқариш.
2. Хорижий валюталар захирасини бошқариш ва сақлаш.
3. Ссуда орқали бошқа (тижорат) банкларни пул билан таъминлаш.
4. Ҳукумат банки.
5. Қимматбаҳо қофозларни сотиш ва сотиб олиш.

Суғурта ташкилотлари - ҳаётни қўнгилсиз ҳодисалардан суғурта қилиш ҳамда корхона ва уй хўжалиги мулклари суғуртаси билан шуғулланувчи институтцион бирликларни уз ичига олади.

Давлат муассасалари сектори бозордан ташқари хизматлар кўрсатувчи ҳамда миллий даромад ва миллий бойликни қайта тақсимлаш вазифасини бажарувчи институтион бирликлардан иборат. Уларга асосан давлат бюджети томонидан молиялаштирилувчи бошқарув, молия фаолияти, атроф-муҳит мухофазаси, давлат ҳимояси, жамоа тартибини сақлаш ҳамда аҳолига илм олишида, соғлиқни сақлашда, саънат ва маданият, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий сугурта соҳаларида пулсиз ёки имтиёзли хизматларни амалга оширувчи давлат муассасаса ва ташкилотлари киради.

Давлат молия муассасаларига марказий, мийтақавий ва маҳаллий банклар кириб, уларнинг асосий вазифалари – давлат ташкилотларига молиявий хизматлар кўрсатиш (қимматбаҳо коғозлар ва пул чиқариш, темир шуллар босиши, тилла захиралари ва хорижий валюта захираларини сақлаш) ва уй хўжалигига ва хусусий тадбиркорларга молиявий хизмат кўрсатишdir.

Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат (ижтимоий) ташкилотлар уй хўжалигига бозордан ташқари хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи институтион бирликларни қамраб олади. Бунда давлат муассасалари томонидан молиялаштирилмайдиган, назорат қилинмайдиган ташкилотлар кўзда тутилиб, уларга асосан аҳолининг ҳамда турли сиёсий партиялар, касаба уюшма, турли ижтимоий ташкилот аъзоларининг илм олиши, соғлиқни сақлаши, дам олишини таъминловчи, уларга ижтимоий хизмат кўрсатувчи ва бошқа соҳалардаги индивидуал ва жамоа истеъмолини қондирувчи ижтимоий ташкилотлар киради.

Уй хўжалиги секторига ўгурунган ишчи кучини етказиб берувчиларни ўз ичига олади. Уй хўжалигига ҳам иқтисодий, ҳам юридик нуқтаи назардан ажратиб бўлмайдиган айрим шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятлари ҳам киради.

Ташқи дунё секторига шу мамлакат резидентлари билан ҳар қандай операцияларни амалга оширувчи чет эл иқтисодий бирликлари киритилади.

Умуман, иқтисодий фаолият турларини мулк шакллари, худудлар, иқтисодий секторлар бўйича таснифлаш, гурухлаш макроиқтисодий жиҳатдан миллий иқтисодиётни ўрганишнинг бошланиши ва бирламчи асоси хисобланади. Улар ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)лар ҳажми, уларнинг турлари ва таркиби, пул айланиши бўйича объектив маълумотларни олиш, бу маълумотларни таҳлил қилиш ва ички имкониятлардан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

3- жадвал

Иқтисодий секторлар асосий ресурсларининг келиб чиқиши ва асосий вазифалари

	Секторлар	Иқтисодий фаолият турлари	
		Асосий вазифа	Асосий ресурслар
1	Товар ва хизматларни ишлаб чиқариш	Товар ва номониявий бозор хизматларини ишлаб чиқариш	Махсулотни сотишдан келадиган тушум
2	Молния муассасалари	Молния, яъни молиявий ресурсларни йиғини, ўтказини ва тақсимлаш, сунурта ажратувадири	Фойда, молиявий маъжбуриятлар, фоиз, сунурта бадаллари
3	Давлат корхоналари	Жамоа истеъмоли учун побозор хизматларни ишлаб чиқариш ва миллий даромад ҳамда миллий бойликни қайта тақсимлаш операциялари	Мажбурий солинклар тўлови
4	Үй хўжалигига хизмат кўрсатувчи потижкорат (ижтиёмонӣ) ташкилотлар	Алоҳида үй хўжалиги гурухлари учун побозор хизматларни ишлаб чиқариш	Истеъмолчи сифатида үй хўжаликларининг ихтиёрий бадаллари, мулкдан олинган даромад
5	Үй хўжалиги а) истеъмолчи сифатида б) тадбиркор сифатида	Истеъмол товар ва номониявий бозор хизматларини ишлаб чиқариш	Мехнат ҳақи, мулкдан олинган даромад, трансферлар махсулотни сотишдан келадиган тушум
6	Ташки дунё	Ушбу сектор бирор асосий ресурс ва вазифаларни ифодаламайди. Бу асосан чет давлатлар ва мамлакат институциян бирлуклари (резидентлари) ўргасидаги операцияларни ҳисобга олади	

4.3. Ишлаб чиқариш бирлиги ҳақида тушунча ва иқтисодий фаолият турлари тармоқларининг таснифи

Маълумки, иқтисодиётда асосан уч хил фаолиятни кўриш мумкин: 1.Ишлаб чиқариш. 2. Истеъмол. 3. Жамғариш.

Ишлаб чиқариш шундай жараёнки, унинг натижасида истеъмол ёки жамғариш учун товар ва хизматлар яратилади. Ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун эса ишчи кучи, иш қуроли ва технология, меҳнат предмети бўлиши шарт. Демак, ишлаб чиқариш жараёнига ресурсларни жалб қилиш ва маҳсулот (хизмат) яратиш фаолият турини аниқлайди.

Алоҳида олинган иш фаолияти бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келади, яъни бир турдаги иш фаолияти

асосан биттә оддий ишлаб чиқариш жараёнидан иборат. Аммо хар қандай ишлаб чиқариш жараёні ёки иш фаолияти бир неча босқычлардан иборат. Ишлаб чиқариш жараёнининг босқычлари қанчалик күп бўлса, фаолият турлари ҳам шунчалик ортиб боради.

Масалан, автомобиль ишлаб чиқариш бир турдаги фаолият ҳисобланади. Аммо бу жараён қуйиш, темирчилик ишларини, пайвандлаш, йигув, бўяш ва бошқа бир қанча фаолият турларини ўз ичига олади. Агар бу жараёнда автомобилнинг мотори, узатиш қутиси, асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилса, уларнинг ҳаммасига бир фаолият тури сифатида каралади. Дейлик, корхона охирги маҳсулотни ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқаришда турли фаолият турлари кўлланилади. Аммо ишлаб чиқариш жараёнлари бу корхонада юқори даражада узвий боғлиқдир. Бундай ҳолатда бу корхонадаги фаолият турларининг бирига асосий, қолганларига ёрдамчи фаолият, деб қаралади. Бундай фаолият турлари бўйича сотилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматларнинг қўшимча салмоғи орқали аниқлаш мумкин. Лекин бу жуда мушқул иш. Шу боис асосий ҳамда ёрдамчи фаолият қўпинча фаолият натижасидаги товар ва хизматларга тўғри келган ялпи маҳсулот салмоғи билан, бу ҳам тўғри келмаса, фаолият турларида банд бўлган ишчилар салмоғи орқали аниқланади.

Яна бошқа томондан қаралса, бир турдаги фаолият натижасида икки ва ундан ортиқ турдаги маҳсулотлар яратилиши мумкин. Аммо ишлаб чиқаришни ташкил қилиш нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш жараёнлари бир-бiri билан боғлиқ эмас: технологияси ҳам, ишлаб чиқариш омиллари ҳам турлича. Бошқача айтганда, бу корхонада бир-бiri билан боғлиқ бўлмаган икки хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бундай ҳолларда ишлаб чиқариш жараёнларини турли фаолият турларига ажратиш мумкин. Лекин, бу ишлаб чиқариш бўлинмаларини тўғридан-тўғри ажратиш, дегани эмас.

Кўриниб турибдики, фаолиятни асосий ва ёрдамчи турларга ажратиш мумкин. Асосий ва ёрдамчи фаолият натижасида олинган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар бозорда сотиш учун аввалдан белгиланмаган холларда ишлатиш, сақлаш ёки қайта ишлаш учун ишлаб чиқарилади. Ёрдамчи фаолият эса асосий ва қўмакчи фаолиятга хизмат қилиш учун амалга оширилади. Бу фаолият маҳсулоти тасодифий равишда бозорда сотилиши мумкин. Бундай холларда қўмакчи фаолият маҳсулоти ҳисобланади. Масалан, корхона ўзининг компьютер хизматларидан ўзи фойдаланди ёки турли дастурларни четга сотди.

Иккиламчи фаолият турига ҳар бир алоҳида фаолият тури кириб, унинг маҳсулоти охириги ҳисобда З томон учун ишлаб чиқарилади ва у, албатта, иккиламчи фаолият маҳсулоти ҳисобланади. Аксарият иқтисодий объектларда бир қанча иккиламчи маҳсулотлар яратилади. Ёрдамчи фаолиятлар асосий ва иккиламчи фаолиятни амалга ошириши мумкин эмас. Ёрдамчи фаолиятга бухгалтерия ҳисоби, маҳсулотларни тасиши, сақлаши, сотиш ва сотиб олиш, тузатиш, хизмат қўрсатиш, қўриқлаш ва ҳоказолар киради. Статистик бирликларни таснифлашда ёрдамчи фаолият турлари ҳисобга олинмайди. Асосий фаолият турининг бирлиги асосан бошқа бирликларга ёки истеъмолчиликрга согтган ёки жўнатган маҳсулоти ёки хизмати асосида аниқланади. Демак, бир турдаги ишлаб чиқариш фаолиятларининг йифиндиси тармоқни ташкил этади. Ижтимоий меҳнат тақсимотига, бажарадиган вазифалари моҳияти ва хусусиятига қараб меҳнат фаолиятининг барча турлари тармоқларга ажратилиади. Халқ хўжалиги тармоқлари ижтимоий меҳнат тақсимоти ҳамда ижтимоий маҳсулот яратишдаги хусусиятига қараб, моддий неъмат ишлаб чиқарадиган, моддий неъмат ишлаб чиқармайдиган соҳа тармоқларига бўлинган ва улар ўз навбатида яна бир неча тармоқларга ажратилган эди.

Халқаро андозадаги иқтисодий фаолият турларининг тармоқ таснифи 1948 йилда БМТнинг Статистика комиссияси томонидан ишлаб чиқарилган ва қабул қилинган. У 1958, 1968 ва 1993 йиллардан қайта қўриб чиқилган. Бунда иқтисодий фаолият натижаси миллий даромад яратишнинг асоси сифатида қаралиб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига ажратilmagan. Бундай тасниф асосида уч белги қабул қилинган:

1. Асос қилиб олинган материалларнинг натурал қўриниши.
2. Маҳсулотни бевосита белгиланганд максадда ишлатиш.
3. Меҳнат предметларига ишлов бериш даражаси билан боғлиқ бўлган технологик жараённинг хусусияти.

Халқаро андозавий тармоқлар таснифи (ХАГТ) ишлаб чиқариш жараёнларининг кетма-кетлик қоидалари бўйича тузилиб, натурал табиий моддий ресурслардан фойдаланувчи тармоқлардан (қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, балиқчилик, овчилик) бошлиниб, қазиб олиш, қайта ишланисаноати, курилиши, алоқа, транспорт, молия, кредит ва ҳоказо тармоқларга ўтилади.

Барча иқтисодий фаолият турлари бўйича халқаро андозавий тармоқлар таснифи (ХАГТ) иқтисодий фаолият турларини таснифлашни БМТ томонидан қабул қилинган таснифлари бўлиб, 1993 йилда статистика комиссиясини З-ўқиши билан тўлдирилган.

4- жадвал

**Халқаро андозавий тармоқлар таснифи тузилиши
(3-редакция, 1993 йилдаги нашри)**

Шұйбалар	Жами	Гурұхлар сони			
		ШУ ЖҮМЛАДАН, ДАРАЖАЛАРИ БҮЙИЧА			
		I Таснифлаш 1-дәрежелі	II (бұлым)	III (гурұх)	IV (сипеф)
1	2	3	4	5	6
ЖАМИ	526	17	60	159	290
A. Қыншлоқ хұжалиғи, овчилік ва ўрманчылық	18	1	2	6	9
B. Балықчылық	4	1	1	1	1
C. Қазіб олувчи саноат	28	1	5	10	12
D. Қайта ишловчи саноат	210	1	23	61	125
E. Электроенергетика, газ ва сув таъминоти	11	1	2	4	4
F. Қурилыш	12	1	1	5	5
G. Ұлттықи машина товар оборот; автомобиль, мотоциклдар таъмири	50	1	3	17	29
H. Мехмонхона ва ресторандар	6	1	1	2	2
I. Транспорт, омборхона хұжалиғи ва алоқа	33	1	5	10	17
J. Молиявий воситачылық	21	1	3	5	12
K. Күчмас мұлқар операциялари, іжара ва тиқорат тағлияты	54	1	5	17	31
L. Даылат башқаруви ва мудофаа, ижтимоий сұғарттага ажратмалар	13	1	1	3	8
M. Таълим	11	1	1	4	5
N. Соғынни сақлаш, ва ижтимоий сұғартта	11	1	1	3	6
O. Бөшқа коммунал, ижтимоий ва алоқида хизматтар	36	1	4	9	22
P. Елланама ходимларга асосстанған хүсусий үй хұжаликшарлар	4	1	1	1	1
Q. Экстерриториал ташкылдар ва идоралар	4	1	1	1	1

Юқоридаги жадвалда күрсатылған ХАТТ 17 шұйбадан иборат бўлиб, лотин ҳарфлари билан белгиланган. Бир шұйба бир бўлимдан ташкил топган. Бўлимлар ва гурұхлар қуйидаги лардан иборат:

- а) ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган товар ва хизматлар (жисмоний ҳолати, ишлаб чиқариш босқичлари);
б) товар ва хизматлар номи;
в) хомашё, ишланувчи материаллар ва ишлаб чиқариш технологияси.

Шунингдек, жадвалда маҳсулотларни марказий таснифлаш бўйича шу таснифга эга бўлган 10 та ўзъба кўрсатилган, аммо баъзи бўлимлар бўйича берилмаган. Буларга 1,2,3 ва 7-шўъбалар киради. Транспортабель товарлар ўз навбатида 0-4-бўлимларда, нотранспортабель товарлар ва хизматлар 5-9 бўлимларда кўрсатилган.

4.4. Макроиқтисодий статистикада қўлланиладиган бошқа гурухлаш ва таснифлашлар

Юқорида баён этилган ХАТТдан ташқари статистикада у билан боғлиқ бир қанча таснифлашларни кўриб чиқиш мумкин. Їумладан, тармоқларни ҳудудий бошқаришининг ташкилий тузилиши (шакли) бўйича, мулкчилик шакли бўйича таснифлаш ва ҳоказо. Бундан ташқари макроиқтисодий статистикада маҳсулотларнинг ҳалқаро таснифи ва ҳалқаро савдо таснифларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маҳсулотлар таснифи жабхасидаги ҳозирги замон андозалари ҳалқаро меҳнатни ташкил этиш доирасида узок муддат олиб борилган иш натижаси бўлиб, ҳозирги кун амалиётида 1968 йилдаги таснифга нисбатан 1993 йилда аниқлик киритилиб, тўлдирилган таснифдан фойдаланиб келинмоқда. Маҳсулотларнинг ҳалқаро андозалардаги таснифи (МХАТ) бўйича гурухлашга “фаолият тури” асос қилиб олинган. Лекин бунда қўпинча тармоқ белгиларига асосланган. Ҳозирги кунда амал қилиб келинаётган МХАТига асосан ходимлар қўйидаги 11 та гурухга бўлинган:

1. Эркин мутахассисликка эга шахслар, техниклар ва бирбирига ўхшаш мутахассисликлар.
2. Маъмурий ва бошқарув ходимлари.
3. Девонхона хизматчилари.
4. Савдо ходимлари.
5. Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари.
6. Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ходимлари, баликчилар ва овчилар.
7. Моддий ишлаб чиқариш соҳаси ходимлари.
8. Транспорт соҳаси ходимлари.
9. Алоқа соҳаси ходимлари.
10. Машғулот тури бўйича таснифга қирмайдиган ходимлар.
11. Маҳсус гурух, ҳарбий хизматчилар.

Халқаро андозалар юқорида келтирилган МХТ нинг йирик гурухлари асосида 84 та гурухчаларга (иккинчи даражали бўлиниш), 784 та уч рақамли (3 даражали булиниш) ва 150 та тўрт рақамли, жами 5,5 мингта турли машғулотларни бирлаштирувчи бўлимчаларга бўлинган.

Халқаро савдо таснифи бошқа таснифларга нисбатан тўлароқ ва мукаммалроқ ишлаб чиқилган. Бу таснифга давлат ташкилотларининг, халқаро ташкилотларнинг алоҳида эътибор беришларига асосий сабаб божхона сиёсатининг талабчанлигиdir. Ташкиси савдо соҳасида жуда кенг турдаги истеъмол моллари ва ишлаб чиқариш воситаларининг барча ассортиментлари бўйича турлари қамраб олинган. Савдо таснифида маҳсулотлар таснифи билан тармоқлар таснифини чамбарчас бирлаштириш имкониятлари тўғрисидаги масалани ҳал қилиш зарур. Агар товарлар таснифида тармоқ белгисига мос келмайдиган белги асос қилиб олинса, у ҳолда маълумотларни солиштиришда қийинчиликлар пайдо бўлади. Шунингдек, турли тармоқ маҳсулотларини товарлар гурухида аралаштириб юбориши натижасида ҳам қийинчиликлар туғилиши мумкин. Аксарият маҳсулотларнинг истеъмол қийматларидан келиб чиқсан ҳолда маҳсулотлар илмий таснифланади. Бошқалари соғф натурал белгилари, масалан, маҳсулотларнинг кимёвий таркиби орқали таснифланади.

Хуоса қилиб айтганда, халқаро тармоқлар таснифи иқтиодиётда тармоқлар, корхоналар ва уларнинг бўлинмаларини тақсимлаш учун зарур. Иқтисодий фаолият турларини таснифлаш ишлаб чиқариш ва унга таъсир қилувчи омиллар тўғрисидаги статистика маъдумотларини таҳлил қилиш учун база бўлиб хизмат қиласи. Уз навбатида Ўзбекистонда халқаро андозавий таснифлаш (БМТ услубияти бўйича) тизимини киритиш зарур. Бир сўз билан айтганда, барча иқтисодий фаолият турлари бўйича халқаро таснифлашлар иқтисодиётни ўрганиш ва уни таҳлил қилишда иерархик тузилма бўлиб хизмат қиласи.

Қисқача холосалар

МХТ да қўлланиладиган гуруҳлаш ва таснифлашларда иқтисодий фаолият турлари мулкчилик шакллари, маъмурӣ ва иқтисодий ҳудуд ҳамда идоравий тасарруфи бўйича таснифланади.

Мулкчилик шакллари бўйича гуруҳлашда ҳар бир мулк шаклиниг мамлакатимиз ЯИМни яратишдаги ўрни, салмоғи ва аҳоли бандлиги аниқланади.

Маъмурӣ, идоравий тасарруфи бўйича гуруҳлашнинг асосий зарурати шундан иборатки, унинг ёрдамида иқтисодиёт тармоқларини бошқаришнинг ташкилий шакллари аниқланади.

Ҳудудлар бўйича гуруҳлаш мамлакат турли ҳудудлари ривожланишини, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни ва ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни таҳлил қилиш имкониятини беради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. МХТ да қўлланиладиган гуруҳлаш ва таснифлашларни изоҳланг.
2. Халқаро андозавий тармоқлар таснифини тушунтиринг.
3. ЎМТ таснифларини изоҳланг.
4. МХТда қўлланиладиган бошқа таснифлаш ва гуруҳлашларни изоҳланг.
5. Иқтисодиётни мулк шакллари бўйича гуруҳлашдан кўзланган асосий мақсад нима? Уларнинг турларини кўрсатинг.
6. Институтцион бирлик деганда нимани тушунасиз?
7. Институтцион бирликларни секторларга таснифланг.
8. Халқаро андозавий тармоқлар таснифи (ХААТ) ва унинг мөхиятини тушунтиринг.

Асосий адабиётлар

1. Акрамов Э.А., Ишмухамедов Ш. Узбекистан на пути к рынку: теоретические основы, условия и практика перехода. – Т.: Узбекистан, 1993.
2. Кулагина Г.Д. Национальное счетоводство. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 1997.
3. Национальное счетоводство. Учебник. Под.ред. Б.И. Башкатов – М.: Финансы и статистика, 2002.
4. Салин В.А ва бошқалар. Макроэкономическая статистика. – М.: Дело, 2001.
5. Фойибназаров Б. Миллий ҳисоблар тизими – макроиктисодий таҳлил асоси. Илмий рисола. – Т.: Фан, 2001.
6. Фойибназаров Б. Миллий ҳисоблар тизими. – Т.: «Иқтисод ва ҳисобот» журнали, 1996 № 3, 46-51 б.
7. Фойибназаров Б. Миллий ҳисоблавр тизимида қўлланиладиган гуруҳлаш ва таснифлашлар. – Т.: «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2002 № 4, 79- 82 б.
8. Фойибназаров Б. Молиявий моддий механизмнинг тақомиллашувидаги ўзгаришлар таҳлили. – Т.: «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали, 2000 №10, 38-41 б.

V боб

МАКРОИҚТІСОДИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ КҮРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

5.1. Макроиқтисодий күрсаткічларни ҳисоблашнинг умумна- зарий асослари

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат күрсатиш учун қуйидаги омиллар бўлиши зарур: ишчи кучи, капитал, ер ва тадбиркорлик. Ишчи кучи ишлаб чиқариш жараёнининг энг асосий омили бўлиб, унинг меҳнат сарфи натижасида товарлар яратилиди ва хизматлар күрсатилади. Меҳнат сарфи учун ишчи кучи иш ҳақи олади ва бу унинг даромади ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш капитал билан таъминланса, товар ва хизматлар ҳажми ортади, миллий иқтисодиёт ривожланади. Ишлаб чиқаришни энг илғор технология билан қуроллантириш, маҳсулотнинг рақобат қобилиятини опириш, яхши реклама қилиш, хомашиб олиш ва бошқа кўп масалалар капиталга боғлиқ. Капитал эгалари сарфлаган капиталларидан белгиланган фойзида даромад оладилар.

Ишлаб чиқариш корхоналари ҳам, уй хўжаликларига хизмат күрсатиш соҳалари ҳам маълум жойда, яъни ерда жойлашган. Ер эгалари ишлаб чиқаришни ташкил этишдан рента тўловлари олиб, даромад топадилар.

Тадбиркорлар ишчи кучи, капитал ва ердан фойдаланиб, бозорда талабга мос ҳажмдаги, сифатдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарадилар. Агар тадбиркорлар бозор конъюнктурасига мос товарларни ишлаб чиқарса, уларни сотиб даромад ёки фойда оладилар.

Фойда олган тадбиркорлар фаолиятини давом эттираса, фойда олмаганлари эса инқирозга учрайди ва табиий танловда йўқолиб боради.

Юқоридаги 4 гуруҳда баён этилган ишлаб чиқариш омиллари биргаликда товар ва хизматлар яратар экан, уларнинг эгалари даромад қиласадилар. Уларнинг биргаликдаги ҳаракатини мувофиқлаштириш зарур, чунки уларнинг ялпи фаолиятидан ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва миллий даромад (МД) яратилади.


Товар ва пуллик хизматларни ишлаб чиқариш жараёни эркин тадбиркорлар ва эркин истеъмолчиларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини ўз ичига олади. Уларнинг эркин иқтисодий муносабатларини ўрганишимиз учун товар ва пулли хиз-

матларнинг доиравий айланиш моделини кўриб чиқамиз (2-чизмага каранг).

Товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун жами фирмалар ишлаб чиқариш омиллари бозорига мурожаат қиласидар. Ишлаб чиқариш омиллари бозоридан хомашё ва материаллар, ёқилғи, ишчи кучи, капитал ва шу каби ишлаб чиқариш омилларини сотиб оладилар. Фирмаларда сотиш учун товар (хизмат)лар ишлаб чиқарилади ва улар товар ва хизматлар бозорига олиб бориб сотилади. Бунда омилларнинг фирмаларга қараб ҳаракатини, фирмалардан ишлаб чиқариш омиллари учун пулнинг оқимини кўрамиз.

2-чизма

Товар ва пуллик хизматларнинг доиравий айланиши



Фирмалардан эса товар ва хизматлар бозорига товарлар оқими ҳаракат қиласа, ўз навбатида товар ва хизматлар бозоридан фирмаларга уларнинг сотилишидан пул келади. Уй хўжаликлари эса тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг истеъмолчилариидир. Улар товарларни истеъмол қилиш учун сотиб оладилар ва уларнинг ўрнига пул тўлайдилар. Уй хўжаликларига пул ишлаб чиқариш омиллари бозоридан келиб тушади. Яъни, уй хўжаликлари ишчи кучини ишлаб чиқариш омиллари сифатида сотиб, унинг эвазига пул оладилар.

Шундай қилиб, товар ва хизматлар макро ва микро кўламда ҳаракат қиласидар. Макро кўламдаги товар ва хизматлар-

нинг доиравий айланиши ва унинг самарадорлигини ошириш билан макроиктисодиёт шуғулланади. Микроиктисодиёт эса худди шу омилларни яхлит фирмалар, уй хўжалиги, дехқон-фермер хўжалиги, яхлит миллий ишлаб чиқариши омиллари ва товар, хизматлар бозори сифатида ўрганади.

2-чизмада келтирилган товар ва пулларнинг макрокўламдаги доиравий айланиши товар ва пуллар оқимининг энг оддий моделидир. Унинг ёрдамида товар ва пулларнинг оқимиши, унинг доиравий ҳаракатини, ушбу ҳаракатда ҳар бир ишлаб чиқариш омилиниңг ўз ўрни, функциялари борлигини, иқтисодий манфаатларнинг тўқнашувини, ҳар бир омилнинг самарали алмашув учун ҳаракатини, макрокўламдаги муракқаб манфаатларни, истакларни тасаввур этиш мумкин.

Товар ва хизматлар натурал, шартли-натурал ва қиймат (пул) ҳолатида ҳисобга олинади.

Маҳсулотнинг натурал ҳолда ҳисобга олиниши шу маҳсулотнинг истеъмол қиймати томонини ифодалаб, унинг физик хусусиятига боғлиқ бўлган ўлчов бирлиги билан ўлчанади. Маҳсулотларни натурал ҳолда ҳисобга олганда қўйидагилар ўлчов бирликлари бўлиб хизмат қилиши мумкин: маҳсулотларнинг сони (дона), вазни (кг), узунлиги (м,км) , майдони (м, кв, га), ҳажми (м.куб) ва ҳоказо.

Айрим ҳолларда бир турдаги маҳсулотлар бир-биридан сифат жиҳатидан фарқ қиласди. Аммо маҳсулотлар натурал ҳолда ҳисобга олинганда уларнинг сифат томонлари ўз ифодасини топмайди. Маҳсулотлар шартли натурал ўлчов бирлигига ҳисобга олинганда уларнинг истеъмол қийматлари эътиборга олинади. Шартли-натурал ўлчов бирлиги бир турдаги маҳсулотларга қўлланилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажмига тавсиф бериш учун бир корхона доирасида ҳам, тармоқ ва халқ хўжалиги бўйича ҳам ҳар хил турдаги маҳсулотларни ўзаро қўшиб ҳисоблаш лозим.

Маҳсулотларни қиймат (пул) усулида ҳисоблаш усули уларни корхона ҳамда бутун иқтисодиёт бўйича қўшиб ҳисоблаш ва йигиндисини аниқлаш имконини беради. Бунда маҳсулот сифати ҳам эътиборга олинади, чунки юқори навли маҳсулотлар паст навли маҳсулотларга нисбатан юқори баҳоларда баҳоланади. Бу усулда қўрсатилган хизматлар ҳам айнан шу усулда ҳисобга олинади.

5.2. Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаши усуллари

Макроиктисодиётда турли мақсадларга йўналтирилган кўп-лаб кўрсаткичлар (ялпи ички маҳсулот, миллий даромад ва бошқалар)дан фойдаланилади. Улар орасида энг асосийси бўлиб, ялпи ички маҳсулот (**ЯИМ**) кўрсаткичи ҳисобланади.

ЯИМ – миллий иқтисодиёт бўйича иқтисодий фаолиятнинг якуний кўрсаткичларини ифодаловчи умумий кўрсаткичdir. У асосан бир-бири билан мустаҳкам боғланган иқтисодий жараён оқимларини: моддий неъматлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, даромадларни тақсимлаш, моддий неъмат ва хизматлардан пировард фойдаланишини ўрганишида кенг кўлланилади.

ЯИМ – барча хўжалик бирликлари бўйича: моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни, хизмат кўрсатиш соҳасини, шунингдек, аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини, якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг иқтисодий натижаларини ўз ичига олади. Иқтисодий фаолият натижалари яратилган моддий неъматлар ва кўрсатилган хизматларни ўз ичига олади.

ЯИМни ҳисоблашда З хил усулдан фойдаланамиз (ишлаб чиқариш, тақсимот ва якуний истеъмол).

ЯИМ эса ушбу мамлакат худудидаги хўжалик бирликлари томонидан моддий бирликлар ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатишни акс эттиради.

ЯИМ – йил давомида мамлакатда яратилган пировард маҳсулотларнинг қийматини ифодалайди (5-жадвалга қаранг). МХТнинг умумий ҳисобларида **ЯИМ** ни такрор ишлаб чиқаришнинг ҳар хил томонлари: уни ишлаб чиқариш, ташкил топиши, тақсимлаш ва жамғариш ҳамда бошига қатор мақсадлар акс эттирилади.

ЯИМда ўзаро боғланган ва бир-бирини тақозо этадиган товарлар ва хизматлар, даромадлар оқими такрор ишлаб чиқариш жараёнида босқичма – босқич ифодалаб берилади.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти таркиби, %

	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
Саноат	17,0	17,1	17,8	15,6	14,9	14,3	13,8	14,1	14,1
Қишлоқ хўжалиги	34,5	28,1	22,4	28,3	26,8	29,0	30,4	30,0	30,6
Курилиш	7,2	7,1	8,2	7,3	7,5	6,7	6,1	5,8	4,9
Бошқа соҳалар	33,1	34,6	37,1	36,5	36,4	36,5	37,0	38,2	38,7
Товарларга ва экспорт, импорт муюмалаларига соғ солниктар	8,2	13,1	14,4	12,4	14,4	13,4	12,7	11,9	11,7
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Маинба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари.

Жадвал матьлумотларидан кўришимиз мумкинки, республика ялпи ички маҳсулоти тарқибида қишлоқ хўжалиги тармоғининг салмоғи анча катта. Ўзбекистонда ЯИМ тарқибида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 1995 йилда 28,1% ни ташкил этган бўлса, 2002 йилда 30,6% ни ташкил этди. Асосан 1996 йилдан ҳозирги даврғача реал ЯИМ ўсиши давом этиб келмоқда. Бу ўсишни саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиши тармоқлари таъминламоқда.

Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш усулида ҳисоблашда иқтисодиёт тармоқларидаги ишлаб чиқарилган ялпи қўшилган қийматнинг умумий ўйиндиси олинади.

6-жадвал

Ишлаб чиқариш усули бўйича ЯИМнинг баҳоланиши (млн.сўм, жорий нарҳларда)

Йиллар	Номинал ЯИМ, млн.сўм	Жами қўшилган қиймат	Шу жумладан				
			қишлоқ хўжалиги	Саноат	курилиш	бошқа фаолият турлари	товарлар ва импорт соф солиги
1995	302787,3	262989,8	85112,9	51374,5	21368,8	104773,6	39797,5
1996	559071,6	478410,0	125383,1	99713,1	46110,7	207203,1	80661,6
1997	976830,0	855898,4	276037,8	152150,0	70984,0	356426,6	120931,6
1998	1416157,3	1212693,8	379506,4	211505,7	106319,3	513362,4	203463,5
1999	2128659,7	1842834,1	617745,5	304743,9	143297,9	777046,8	285825,6
2000	3194504,2	2788136,8	972501,0	440474,2	194448,3	1180713,3	406367,4
ЯИМ дан % ҳисобида							
1995	100,0	86,9	28,1	17,1	7,1	34,6	13,1
1996	100,0	85,6	22,4	17,8	8,2	37,1	11,4
1997	100,0	87,6	28,3	15,6	7,3	36,5	12,4
1998	100,0	85,6	26,8	14,9	7,5	36,4	14,4
1999	100,0	86,6	29,0	14,3	6,7	36,5	13,4
2000	100,0	87,3	30,4	13,8	6,1	37,0	12,7

1991-2000 йиллар мобайнида хизматларнинг ЯИМдаги улуши 25,7% дан 36,8% га кўтарилиди. Ушбу ўсиш молиявий операцияларнинг кенгайиши, савдонинг фаоллашуви, транспорт ва алоқа хизматининг кенгайиши ва бошқа турли хил хизматларнинг кўпайиши билан тавсифланади.

Бундан ташқари ўтиш даврида солиқ тизимидағи ўзгаришлар сабабли соф солиқларнинг ЯИМдаги улуши 1991 йилги (субсидиялар солиқлардан ортиқ бўлган давр) -0,3%дан 2000 йилга келиб ЯИМ нинг 12,7% га етди. Маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ЯИМдаги салмоғи 20% дан ортиқда пасайди, яъни у 1991 йилда 74,3 % ни ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб, 50,5% гача пасайди. Бундай пасайишга хизматлар соҳасининг кескин кенгайиши ва соф солиқларнинг оширилиши сабаб бўлди.


7-жадвал

ЯИМнинг ишлаб чиқариш бўйича таркиби (%)

Кўрсаткичлар	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
ЯИМ	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Товарлар	58,6	57,0	57,6	56,0	56,2	50,5	50,1	49,8
Хизматлар	28,3	28,6	30,0	29,6	30,3	36,8	38,0	38,5
Импорт ва товарлардан соғ соликлар	13,1	14,4	12,4	14,4	13,4	12,7	11,9	11,7

Манба: Давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари.

I-график



САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЖМУАСИ. Ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши, ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, фан - техника тараққиёти миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларга бўлинниб тараққий этишини тақозо қиласиди. Тармоқлар ичida асосий бўғин саноат ишлаб чиқариши ҳисобланади. Саноат тармоғининг мухим хусусияти шундаки, унинг барча тармоқларида меҳнат воситалари ва искеъмол товарлари яратилади, фан-техника тараққиёти аниқланади, жами ялпи маҳсулотнинг салмоқли қисми ишлаб чиқарилади ва яратилади. Айни вақтда Ўзбекистондаги меҳнаттага яроқли аҳолининг асосий қисми ҳам ана шу саноат ишлаб чиқаршида банд.

Саноат ишлаб чиқарииши жамиятнинг объектив иқтисодий қонунлари ҳамда республикамизда сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ва қарорлар асосида ривожланади. Ўзбекистон саноати айни вақтда ўз тармоқлари ва бошқа тармоқлар учун моддий техника воситалари ҳамда халқ эҳтиёжига керак бўладиган маҳсулотларни ҳам узлуксиз равишда тайёрлаб беради.

Шу боисдан саноат ишлаб чиқариши даражаси ва самарадор-лигининг ўсишини тўхтовсиз таъминлаб туриш зарур. Чунки саноат ишлаб чиқариши даражаси қанчалик юқори бўлса, республикамизнинг иқтисодий пойдевори шунча мустаҳкам, аҳолининг турмуш шароити яхши бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, саноатнинг хар қандай тармоғининг ишлаб чиқариш тузилмасидаги ўзгаришлар амалда бошқа тармоқлар - қишлоқ хўжалиги, агросаноат мажмуи, қазиб олувчи ва қайта ишловчи тармоқлар билан узвий боғлиқ. Чунки республиканинг алоҳида минтақа ва худудларида саноат маҳсулотларига талаб бир хил эмас. Бу талабни тўлароқ қондириш, биринчидан, илгор технология ва малакали кадрларга боғлиқ бўлса, иккинчидан, хомашё ва тайёр маҳсулотларнинг яхши сақланиши учун муайян жойлар, қайта ишловчи қувватлар ҳамда ишлаб чиқариш фондлари, маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришда транспорт воситалари керак бўлади.

Эндилиқда саноатнинг аҳамияти тобора ошиб бўрмоқда. Айниқса истеъмол бозоридаги танқислик туфайли саноат тармоқлари илгаригига нисбатан кенг кўламда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда ҳамда хусусийлаштирилмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, республикадаги техника ва технологияларнинг эскирганлиги туфайли саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1991-1993 йилларда ўртacha 0,7 %, ялпи ички маҳсулот 4,8 %га, соғ миллий маҳсулот эса 7,7%га камайди.

Истеъмол молларини кўплаб ишлаб чиқариш, айниқса четга хомашё эмас, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши ҳамда қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш нафақат саноат ишлаб чиқаришининг аҳамиятини оширади, балки жаҳон бозорида Ўзбекистон иқтисодиётига бўлган ишончни ҳам мустаҳкамлайди.

Республика мустақиллигининг барқарорлашуви, четга сотиладиган маҳсулот ҳажми, маориф, соғлиқни сақлаш тармоқлари, уй-жой ва коммунал хўжалиги моддий-техника базасининг ўсиши, истеъмол бозорининг ривожи кўп жиҳатдан саноат ишлаб чиқаришига таянади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, саноат маҳсулотларининг ҳажми қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг тайёрланишига, транспорт воситаларининг тўхтовсиз қатновига, асосий фонdlар ва ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилишига асосланади.

Саноат ишлаб чиқариши ялпи фойда, рентабеллик, танарх, молия каби иқтисодий кўрсаткичларга ва давлат бюджетига ҳам таъсир қиласади.

Ўзбекистон Республикаси саноат тармоғида 2002 йилда ЯИМни 14,1% яратилди. Бозор иқтисодиёти шароитида саноат тармоғини ривожлантириш учун саноат марказларини ва худудий жойлаштиришни янада такомиллаштириш мухим ахамият касб этади. Бунинг учун қуйидаги йўналишларга эътиборни кучайтириш зарур:

- келгусида саноат тармоқларининг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш имкониятларини белгилашга;
- республика вилоятларининг табиий ва ижтимоий-иктисодий ихтиослашиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш мажмунини ривожлантиришга;
- саноатнинг худудий ривожлантириш даражасини кўтаришда янги қурилаётган обьектларни мақсадга мувофиқ жойлаштиришга;
- саноат узеллари ва марказларининг туманларда, туман марказларида, кичик шаҳарларда ишлаб чиқариш худудий мажмунини ташкил этиш ва унинг ривожланишини таъминлаш ва шу кабилар.

Россиянинг нуфузли “Вопросу экономики” журналининг таъкидлашича, МДҲ давлатларининг аксариятида саноатдаги салбий жараёнларни тўхтатишга эришилмади, аксинча, улар яна чуқулашиб, тармоқ ўртасидаги номутаносиблик ошди. Фақат Ўзбекистонда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш энг кам микдорда камайтан ҳолда, жиддий таркибий ўзгаришлар содир бўлганлиги эътироф этилди.

Дарҳақиқат, саноат тармоқлари таркибини статистик рақамлар орқали таҳдил қиласиган бўлсак, истиқлол йилларидаги ўзгаришлар қанчалик улуғворлиги яққол намоён бўлади. Айниқса, уни собиқ иттифоқ давридаги саноат тузилмаси билан солиширганда, қисқа вақт ичida тузилмавий сиёсатнинг амалий натижалари, бунёдкорлик ишларининг салобати кўз олдимизда ёрқинроқ гавдаланади.

8-жадвал

Саноат ялни маҳсулоти умумий ҳажмида айрим тармоқлар маҳсулотларининг салмоғи (фоиз ҳисобида)

	Жами	Электроэнергетика	Нефть, газ, күнчир	Коры металлар	Рангни металлар	Китмешаноати	Машини асослик	Кўрилни материаллари	Енгизсаноат	Онлийншаноати	Бошқалар
1994	100	6,6	10,1	7,2	0,9	3,8	8,4	17,9	24,9	15,6	3,7
1995	100	14,6	13,6	12,0	1,1	5,2	8,6	6,2	19,9	9,1	9,8
1996	100	13,4	15,3	1,5	9,2	5,6	9,8	5,3	19	7,7	13,2
1997	100	10,5	14,1	1,0	9,2	4,2	13,4	5,8	19,6	11,5	10,4
1998	100	9,9	14,8	1,0	9,8	4,9	12,9	5,6	17,8	12,5	10,8
1999	100	11,0	14,6	1,2	9,8	5,5	11,3	4,2	14,8	12,6	12,0
2000	100	10,1	13,6	1,1	8,9	5,2	11,7	5,4	18,0	10,6	15,4

Маъба: 1994-2000 йиллар учун статистик йилномалар.

Жадвалдан кўриниб турибдики, 1994 йилдагига нисбатан 2000 йилда маҳсулот ишлаб чиқаришда оғир саноат тармоқларининг салмоғи кўпайган. Ўз павбатида халқ истеъмоли моллариди ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортган.

Расмий статистик маълумотларга кўра, 2000 йилда жами саноат ишлаб чиқариши ҳажми 440,5 млрд. сўмни ташкил этиб, 1999 йилдагига нисбатан таққослама нархларда 8,1% га ошган. Жўмладан, саноатдаги ўсишга асосан машинасозлик (11,7%), озиқ-овқат (10,6%) ва енгил саноат (18,0%)даги ўсишлар туфайли эришилди. Нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш мос равишда 5,3 % га ошган бўлса, кўмир ва газ ишлаб чиқариш 2,1 ва 1,4% га ошиди. Енгил автомобиллар ишлаб чиқаришда ўсиш 8,1%ни ташкил этди. Бироқ трактор ва паҳта териши машиналари ишлаб чиқариш мос равишда 33,6 ва 20,8% га камайган. Истеъмол моллари орасида энг сезиларли камайиш пойабзал ишлаб чиқаришда бўлиб, 25,7%ни ташкил этди.

Қайта ишловчи саноат тармоқларида ишлаб чиқариши тузилмасининг ўзгариши маҳсулот тайёрлаш жараёнининг нисбатан хомашё, материал сарфлан орқали тезлашуви, халқнинг шу тармоқ маҳсулотларига талаби ошишидан келиб чиқади.

Республикамизнинг индустриял мажмууда енгил саноат ишлаб чиқариши муҳим ўрин эгаллайди. Енгил саноатда эса паҳта маҳсулотини қайта ишловчи (паҳта хомашё мажмуу, паҳта тозалаш заводлари) корхоналар етакчи роль ўйнайди. Уларнинг асбоб-ускуналари, машиналари юқори техник даражага эга, шунинг учун уларда малакали кадрлар кўп ишлайди

Ислоҳотларнинг дастлабки босқициданоқ ёқилғи - энергетика мажмуасининг юқори сувратлар билан таъминлаш, нефть ва табиий газ ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг қайта ишлаши ҳажмларини ошириб бориш ҳисобига мамлакатимизнинг энергетика мустақиллигига эришин вазифаси қўйилди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида саноат ишлаб чиқаришининг роли ижтимоий-иктисодий самарадорлик ўсиши ва ишчи кучларидан оқилона фойдаланиш билан белгиланади. Айни вақтда республикада саноат тармоқлари ва ишлаб чиқариш шаклларининг ривожланиши вилоятлараро, тармоқлараро иктиносидӣ алоқалар даражасига ҳамда меҳнат қўп талаб қилинадиган тармоқларининг – машинасозлик, қурилиш саноати, электроэнергетика мажмуу, хомашёни қайта ишлаши тармоқларининг тез ва самарали ривожланишига боғлиқ. Чунки бу тармоқлар фан-техника тараққиётидаги олдинги қаторларда туради. Буларнинг ривожланиши иккита ижтимоий муммони очишга ёрдам беради:

1. Илғор тармоқларнинг ўсиши малакали ишчи кучларини талаб қиласди, бу малакали таркибларни замонавийлаштиришга ёрдам беради;

2. Корхоналарнинг меҳнат кўп талаб қиласдиган, айниқса, меҳнат ресурслари қўп туманларда жойлаштирилиши эркин меҳнат ресурсларини ҳаракатга қелтиради. Бошқа тармоқларда банд меҳнат ресурсларини қайта тақсимлаш саноат ишлаб чиқаришида ижтимоий - икътисодий самара беради.

АГРОСАНОАТ МАЖМУИ. Агросаноат мажмуи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан банд бўлган халқ хўжалиги тармоқларининг жамини ифодалайди. Агросаноат мажмугига кирувчи тармоқларнинг барчаси якуний натижада муҳим вазифани - мамлакатни озиқ - овқат ва қишлоқ хўжалик хомашёси билан таъминлаш вазифасини бажаради.

Ўзбекистон икътисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни салмоқлидир. 1990-2002 йилларда Республика ялпи ички маҳсулотининг учдан бир қисмига яқини, яъни 28 -33 % и шу тармоқда яратилди. Аҳоли истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг эса 95-97% и етказиб берилди. Маҳсулотларни етиштиришда жами меҳнат ресурсларининг 38%, асосий воситаларнинг эса 25% қатнашмоқда.

Қишлоқ хўжалиги бошқа ишлаб чиқариш тармоқларидан фарқ қилиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришнинг ўзига хос шундай воситалари қўлланиладики, уларга ер, ҳайвон ва ўсимликлар киради. Уларнинг сифати қишлоқ хўжалигига ҳосилдорликнинг юқорилигига ва маҳсулотнинг мўл-кўллигига таъсир қиласди. Қишлоқ хўжалигига икътисодий жараёнлар табиий шароит билан мустаҳкам боғлиқ. Бу ерда иш вақти ишлаб чиқариш вақтига тенг эмас. Масалан, картошка етиштириш таҳминан 100 кунни ташкил этади, бу ишлаб чиқариш вақти ичига уруғни экиш ва етиштирилган ҳосилни йиғишга кетган вақтлар киради. Иш вақти эса фақат бир неча кунни ташкил қиласди, яъни у кўчат илдизига ишлов бериш, экиш ва ҳосилни йиғишга кетган вақтдан иборат. Бу эса меҳнат жараёнининг узлуксизлигини кўрсатади. Бундан ташкиари, ишлаб чиқариш жараёни ҳар хил иқдим шароитида содир бўлади ва инсон фаолиятига боғлиқ эмас. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги дастури саноат дастуридан фарқ қилиб, фасллар бўйича ишлаб чиқилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарини биологик жараёнга, яъни маҳсулот етиштириш, ўсимлик ва чорва молларининг яшашини, ўсиб ривожланишини жараёнига асосланган. Агар бирон-

бир жараён амалга оширилишида биологик қонуулар талаби бузилса, яйни узарга хиллоф равища иш бажарилган бўлса, шу жараённи ўтказиш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларнинг аҳамияти йўқолибгина қолмасдан, балки қилинган ҳамма харажатлар, хатто якуний натижа ҳам кам унумли ёки умуман унумсиз бўдиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг қишлоқ хўжалиги соҳасини ривоҷлантириш ва хусусийлаштиришини таъминлаш мақсадида кучли иқтисодий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу ислоҳотлар, биринчидан, жамоа, ширкат ва ҳар хиз яхарачи корхоналарни янтича асосда тақомиллаштириш билан олиб борилса, иккинчидан, хусусий мулкка асосланган фермер ва дехқон хўжаликларини ташкил этиш ва самарали ишланишга шарт-шароитлар яратиб берини орқали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 29 ноябрда қабул қилинган «Республикада дехқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб - қувватлани тўғрисида»ти фармони республикамизда дехқон (фермер) хўжаликлари ёнг қулоч ёйинига имконият яратиб берди. Шундан бўён республика ҳукумати қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва фермерчиликни кенгайтириши мақсадида иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириши учун тинимимиз ғамхўрлик қилмоқда.

Республикамизда 2002 йил ҳолатига 72400 та фермер хўжалиги ташкил қилинган бўлиб, уларга ажратиб берилган ер майдони 1591,7 минг гектарни, ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келган ер майдони эса 22,0 гектарни ташкил қилди.

9-жадвал

Республика фермер хўжаликларининг асосий кўрсаткичлари

	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003
Фермер хўжаликни сени, минг бир инч	1,9	5,9	7,5	14,2	18,1	21,4	23	31,1	41,4	55,4	72,4
Мумуми маконин минтига	11	45	71	193	265	113	447	665,7	1220,3	1034,7	1591,7
Бир фермер хўжаликни тегри келсан еर майдони	0,3	1,1	1,7	4,6	6,6	9,7	11,3	16,6	22,6	19,0	22,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси 1993-2003 йиллардаги ижтимоний иқтисодий ривоҷлантиришининг асосий кўрсаткичлари.

Қишлоқ хўжалигида давлатнинг ўрни ҳали ҳам катта. Биринчидан, кенг миқёсли хусусийлаштиришига қарамай, ер давлат мулки бўлиб қолмоқда. Иккинчидан, давлат ташкилотлари пахта ва донга давлат буюртмаларини белгилаш орқали қишлоқ хўжалик корхоналарини бошқариб бормоқда. Давлат шу билан қишлоқ хўжалиги учун жуда аҳамиятли бўлган маҳсулотлар (ўғитлар, уруғ, кимёвий моддалар, машина ва ускуналар) билан таъминлаш ва сув хўжалигини молиялаштиришда катта ёрдам кўрсатмоқда. Шунингдек, давлат бу тармоқса кредитлар бериш, қарз тўлаш муддатларини узайтириш ва турли солиқлар борасида кулайликлар яратиш орқали (харажат материаллари учун қўшимча қиймат солигидан озод қилиш) қўллаб-куватламоқда.

2001 йилда мамлакатимизда етиштирилган пахта толасини қайта ишловчи, энг замонавий техника ва ускуналар билан жихозланган “Қобул-Фаргона”, “Чиноз - тўқимачи” каби янги қўйма корхоналар ишга туширилди. Агар 1991 йилда республикамиизда пахта толасини қайта ишлаш 12% ни ташкил этган бўлса, бутунги кунда бу рақам 24% га етди.

Ўзбекистон Президенти истиқболнинг дастлабки йилларида ноқ қишлоқ хўжалигида тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, дон мустақиллигига эришиши вазифасини қаътий қилиб қўйди. Бу қисқа вақт ичидаги ўз натижасини берди, қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат тармоқларининг улуши ортди. 2000 йилда 1991 йилдагига нисбатан буғдой етиштириш 6 баробар, ҳосилдорлик 12,5 ц.дан 24,2 ц.га кўтарилиди. Айрим вилоят, туманларда ушбу кўрсаткич 60-70 ц.ни ташкил қилди, фаллачилик ва дехқончиликнинг бошқа соҳаларида ўзимизнинг “миллий технология”лармиз яратилди. Энг муҳими, бутунга келиб биз ўзимизни дон ва дон маҳсулотлари билан тўлиқ таъминляпмиз. Мамлакатимизга четдан картошка ва чорвачилик маҳсулотлари олиб келиш деярли тўхтатилди. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида дадил қадам ташлаганимиздан далолат бериб турибди. Ўз-ўзидан савол туғилади: бундан 8-10 йил олдин гектаридан 20 ц.дан буғдой олса, дўпписини осмонга отадиган ўзбек дехқони бугун қандай қилиб ҳосилдорликни 3-4 баробар ошира олди? Бир сўз билан айтганда, бундай натижага эришишнинг сабаби битта. Мустақил давлатнинг мустақил дехқони ўз ерида ўзи, оиласи билан эл-юртнинг иқтисодий меҳнати учун меҳнат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида буғдой етиштириш:

1991 йил:

- а) экин майдони - 787,2 минг га;
- б) ҳосилдорлиги - 12,5 ц-га;

в) ялпи ҳосил - 609,5 минг т.

2000 йил:

а) экин майдони - 1611,9 минг га;

б) ҳосилдорлиги - 24,2 ц-га;

в) ялпи ҳосил - 3916 минг т.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йиллари давомида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида кўрилган чора - тадбирлар бу тармоқда сезиларли натижаларга эришиш имконини берди:

Биринчидан, қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишининг хўкуқий асослари барпо бўлаётгани ҳакида гапиришимиз лозим. Мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган “Ер тўғрисицаги”, “Кооперация тўғрисида”-ги, “Ижара тўғрисида”-ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”-ги ва бошقا бир қатор қонун ва хужжатлар, Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, хукумат қарорлари қишлоқда янги хўкуқий муносабатларни жорий этиш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, тадбиркорлар, фермерлар ва шахсий тормоқ хўжаликларини ривожлантириш имконини яратди;

Иккинчидан, қишлоқда хўжалик юритиш механизмининг мутлақо янги асослари қишлоқ хўжалигини молиявий таъминлаш ва сутурталаш, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва қишлоқга берилган қишлоқ хўжалик техникаси, ёқилғи, минерал ўғитлар учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг янги тизими ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий мустақиллиги кенгайди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олишда шартномавий нархлар тизими кенг қўлланила бошлади;

Учинчидан, қишлоқ хўжалигига ташкилий таркибий ўзгаришлар амалга оширилди, бу соҳани бошқаришнинг тамойиллари ва тизими ўзгармоқда, қишлоқ хўжалик корхоналарига агросервис хизмати кўрсатиш ва уларнинг моддий-техник таъминотини таъминлаш тизими такомиллашмоқда. Шу мақсадда машина-трактор парклари тармоғи вужудга келтирилди;

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалигининг ер фондини ривожлантириш ва кўпайтиришга, ернинг ҳосилдорлитини оширишга алоҳида аҳамият берилди.

Ҳар йили 15-20 минг гектар сугориладиган янги ер ўзлаштирилди ва аввалдан фойдаланиб келинган 40-50 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Маълумки, АҚШ, Япония, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея ва иқтисодий тараққий этган бошқа мамлакатларда қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар улуси меҳнатга қобилиятли аҳолининг 5-7 %дан ортмайди. Бизда бу кўрсаткич 40 %га яқин.

Қишлоқ жойларида истиқомат қылувчилар улуси эса 70 % ни, Голландияда 4 % ни ташкил этади, бу давлатнинг худуди ва аҳолиси Ўзбекистон билан солинтирганда бир неча баробар кам. Табиий шароити эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун анчагина ноқулай. Шунга қарамасдан, бу мўъжазгина мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиши бўйича дунёда З-ўринда туради. Экспортнинг йиллик ҳажми тахминан 35 млрд. долларни ташкил этади.

Жаҳон тажрибаси ва қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг ахволини таниқидий нуқтаи назардан таҳлил этайлик. Бугуиги шароит аҳоли бандлиги, қишлоқдаги ортиқча меҳнат ресурсларини бўшлатиш ва уларни иқтисодиётнинг бозор муносабатлари тақозосига кўра ўзgartирилган турлари ва тармоқларига жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиши масалаларини қайта кўриб чиқини талаб этади.

Транспорт ва алоқа мажмуми. Коммуникация мажмуми ўз ичига транспорт, алоқа, телевидение ва радиони қамраб олади. Ҳозирги кунда республикамиизда транспортнинг жуда катта ишлаб чиқарини – техникавий потенциали яратилди. Ундан оқилона фойдаланиши мизлий иқтисодиёт самарадорлигини оширишида муҳим аҳамиятга эга. Бозор муносабатларига ўтиш ва иқтисодиётни барқарорлаштириши вазифалари, ташки иқтисодий алоқаларни фаоллаштириши транспорт тармоғи олдига юксак талаб кўймоқда.

Республиканинг транспорт тармоқларидаги интенсивлик доимо ўсиб, 1990-2000 йиллар мобайнида умумий фойдаланишида бўлган темир ўйларда 1,6 баробарга ортди. Лекин республика транспорт тармоқларининг ишлаб чиқарини - техникавий потенциали дараҷаси мизлий иқтисодиёт, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши сувъатларидан анча орқада қолмоқда. Транспорт воситалари паркининг мавжуд тарқиби, уларниң техник дараҷаси республика аҳолиси талабларига жавоб бермайди. Транспорт машинасозлиги тармоғи ўзининг ривожланишида анча орқада қолди ва МДҲ мамлакатларидаги машинасозлик марказларига хамда чет эл фирмаларига бўйсуниш ҳолатига тушиб қотди.

Бозор иқтисодиётига ўтишининг дастлабки босқичларидан (1990-1993) қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаринининг кутиладиган насаийинин ҳисобга олган ҳолда республикада транспортининг барча турлари билан ташиладиган юклар ҳажми 1991-1993 йилларда 29,7, автотранспортда эса, 50,8 % насаиди.

1993 йилда 1990 йилдагига ишебтан умумий пассажир айланмаси 30,8 %, ҳаво транспорти пассажир айланмаси эса 78,3 % насаиди. Бу насаийни аҳолининг сотиб олини қобижниятни

ва турмуш даражасининг пасайиши, пассажир ташиш транспорт хизматлари тарифларининг ўсиши натижасида бўлди.

10-жадвал

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)

	1999й	2000й
Автомобиль транспорти	90,6	90,9
Кувур йўли транспорти	4,4	4,1
Темир йўл транспорти	5,0	5,0
Хаво йўл транспорти	-	-

Ўзбекистонда 90-йилларда телефон алоқасининг интенсив ривожланиши бошланган эди. Охирги 10 йил мобайнида уй телефонларининг сони 3 баробар, шу жумладан, шаҳарларда 2,8 баробар, қишлоқ жойларида 3,7 баробар ошиди. Шунга қарамасдан, алоқа воситаларининг ривожланиши даражаси ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди. Республикада шаҳар оиласларининг фақат 66, қишлоқ оиласларининг 17 %ида телефон бор.

Кичик ва ўрта бизнес тараққиёти барқарор ўсиш манбан сифатида. Ҳозирги вақтда кичик ва ўрта бизнесни (КУБ) ривожлантириш жамиятни барқарорлаштириш ва унинг иқтисодий фаровонлигини таъминлаш асоси эканлиги ҳеч ким учун сир эмас. Бунинг боиси шундаки, кичик ва ўрта корхоналар йирик иқтисодиёт сафарбар қилиши қийин бўлған, хусусий уй хўжаликларига тарқалиб кетган молия, хомашё ва меҳнат ресурсларини ишга sola олади. Бандлик учун катта имкониятларга эга ва иқтисодий вазиятнинг ўзгаришларига дарҳол мослаша оладилар. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда микро, кичик ва ўрта бизнес корхоналари 165 мингдан ошиб кетди ёки республикада руйхатга олинган барча корхоналарининг 90 %ини ташкил қилди, шу жумладан, кичик ва ўрта бизнес корхоналари тахминан 34 минг, микрофирмалар - 131 мингдан зиёд.

Кичик ва ўрта корхоналарда ишловчиларнинг деярли учдан бир қисми чакана савдода банд. Статистик маълумотларга кўра, кейинги йилларда кичик ва ўрта бизнеснинг ЯИМ даги улуси 1998-1999 йилларда 14-16% ни ташкил қилди. 2000-2001 йилларда 24,5 %га кўтарилди. Кейинги йилларда КУБ нинг савдо ва воситачилик хизматларида фаоллапишга тамойил сезилмоқда. Бироқ, уларнинг фақат 0,3% игина молия, кредит ва суғурта соҳасида банд.

Кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириши учун қулай макроиқтисодий вазият, назорат остидаги ва тахмин қиласа бўй-

ладиган инфляция, миллӣ валютанинг барқарорлиги, кичик корхоналар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминловчи институтционал шарт-шароитлар мавжуд бўлиши зарур. Миллӣ валютани конвертациялаш имконияти ва барқарор валюта курси, шунингдек, давлатнинг рағбатлантирувчи солиқ сиёсати ва умуман, макроиктисодий сиёсати муҳим ахамиятга эга.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг яратилиши, фаолият олиб бориши ва тутатилиши жараёнларини тартибга солувчи қонуний пойдевор барни этилди. Амалдаги қонунчилик ушбу корхоналар учун, жумладан, улар фаолиятининг илк босқичида бозорга киришини енгиллаштириш мақсадида, кўти сонли солиқ имтиёзлари ва кафолатларини назарда тутади.

Президент Фармони билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётини рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштириш кенгани тузилган. Унинг асосий вазифалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишининг ягона мақсадларини ишлаб чиқиши, уларнинг ривожланишидаги устувор йўналишлар ва тадбиркорликнинг хукуқий асосини такомиллаштиришдаги асосий йўналишларни аниклашдан иборат.

Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолияти кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб -куватлашга қаратилган энг йирик нодавлат ташкилот бўлиб қолди. 1998 йилда палата аъзолари сони 1997 йилдагига нисбатан 1,68 маротаба ошди ва 1999 йил январга келиб 140,2 минг субъект даражасига етди. Бутунги кунга келиб, кичик ва ўрта корхоналар манфаатларини ҳимоялаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб қувватлашга қаратилган «Тадбиркорбанк», «Бизнес фонд», «Мадад» сунурта агентлиги. Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ва жамғармаси каби нодавлат тиҷорат ташкилотлари фаолият олиб бормоқда.

2001 йилда кичик ва ўрта бизнеснинг қонунчилик хамда хукуқий-меъёрий асослари анча мустаҳкамланди ва такомиллашди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини рўйхатга олининг содалаштирилган тартиблари жорий этилди.

Тадбиркорлар учун солиқка тортиши, бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоботлар топнириши тизими содалаштирилди ва бир ҳил ҳолатга келтирилди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг маҳсулотларини экспорт қилини ҳажмини оширишга қаратилган қулагӣ шарт-шароитлар яратилди.

Тадбиркорлар хукуқини ҳимоя қилини бўйича чора-тадбирлар кучайтирилгани натижасида назорат ва хукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган текиниришлар сони

анча камайди. Имтиёзли ва микрокредитлар бериш ҳамда бошлиғич капитални шакллантириш учун маблағ ажратиши йўли билан кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб - кувватлап миқёслари кенгайтирилди.

Республикамида кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2001 йилнинг узида 2,4 мартадан кўпроқ ошиди. Буларнинг 70%и ўрта ва узоқ муддатли кредитлардир. Тадбиркорлар ва фермерларга бериладиган микрокредитлар ҳажми эса 27 млрд.сўмдан ортиқ бўлди.

Кичик ва ўрта бизнес вакилларининг моддий хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни товар хомашё биржаларида сотиш ҳажми ошиб бормоқда. Натижада кичик ва ўрта бизнеснинг ЯИМдаги ҳиссаси ўсиб, у ҳозирги кунда 34,5% ни ташкил этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугун мамлакат иқтисодиётидаги банд бўлган аҳолининг 53 %дан кўпроғи кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилимоқда.

TACIS баҳолашига караганда, умумий солиқ оғирлиги 35 % ли фойда солиги, 40 % ли иш ҳақи солиги, 20 % ли қўшимча қиймат солиги, 45 % гача шахсий даромад солиги, чакана ва улгуржи савдо-гарлар тўлайдиган 16 - 50% ли ялпи фойда солиги, 75% ли акциз солиги ва ҳоказолардан иборат. Кичик ва ўрта бизнес солиқларининг умумий йигиндиси фойданинг 40 % идан 75%игачани ташкил қиласди. Амалдаги солиқ йигини тизимини ўзgartириши ва замонавий хазина векселлари тизимини муомалага киритиш лозим.

11-жадвал

Рўйхатга олинган кичик корхоналарда банд аҳоли сони (минг киши ҳисобида)

Секторлар	1998		1999		2000	
ЖАМИ	422,8	100	245,24	100	249,06	100
Саноат	90,34	21,4	60,02	24,5	57,75	23,2
Қишлоқ ва ўрмоқ хўжалиги	10,14	2,4	5,98	2,4	5,85	2,3
Транспорт ва коммуникация	3,78	0,9	2,21	0,9	2,96	1,2
Курилиш	83,89	19,8	1,09	29,0	7,32	27,0
Савдо, умумий овқатланиш	140,2	33,2	68,17	27,8	85,18	34,2
Харид қилиш, сотиш, давлат ғамламалари	21,07	5,0	11,93	4,9	3,21	1,3
Үй-жой ва хизматлар	37,56	8,9	11,85	4,8	11,44	4,6
Соғникни сақлаш, жисмоний тарбия ва изжтиҳоий таъминот	6,49	1,5	2,76	1,1	3,04	1,2
Халк таълими, маданият, санъат	15,05	3,6	4,28	1,7	4,6	1,8
Молия, кредит ва сутурта	189	0,4	0,48	0,2	0,68	0,3
Бошқа тармоқлар	12,29	2,9	6,47	2,6	7,03	2,8

Манба: Ўзбекистон Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.

Давлат тартибга олиш ва назорат қилишининг барча камчиликларидан хабардор, у кичик ва ўрта бизнес ривожланиши йўлидаги тўсиқларни қисман ёки бутунлай олиб ташлаш учун янги сиёсат юргизиш ва қонунчиликни такомиллаштириш, давлат органларининг уларга нисбатан роли ва вазифаларини қайта кўриб чиқишига интилмоқда.

Мазкур муаммони ҳал қилиш учун кичик ва ўрта корхоналарнинг қуидаги имкониятлардан фойдаланиш жараёнида-ги амалий қийинчилекларни ҳал этиш лозим:

- илғор технологик ускуналар, ресурс тежовчи минитехнологиялар ҳақидаги аҳборот. 1998 йилда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан кичик ва ўрта бизнес вакиллари бўлган тадбиркорларга сотиш учун 14 минитехнология савдо қўргазмалари ўтказилди. Айни вақтда бундай ускуналар тўғрисидаги, шу жумладан, каталоглар, реклама журналларини чиқариш, тадбиркорларнинг ҳалқаро қўргазмаларда иштирок этиш имконияти ва ҳоказоларни қамраб олувчи аҳборот мажмуи деярли йўқ;

- илғор технологик ускуналарни сотиб олиш учун молиявий ресурслар ҳозирги вақтда Ўзбекистонда кичик ва ўрга бизнес корхоналари учун ҳалқаро молия ташкилотларининг жами 142,7 млн. АКШ долларини ташкил килувчи З кредит йўли очилган бўлсада, ушбу имкониятлардан тўлиқ фойдаланишмагити. Бу кўпгина кичик ва ўрга бизнес корхоналарида кафолатлаш имкониятининг йўқлиги, кредит ресурсларини олинган қарз валютасида қайта-риш учун маҳсулот экспорти кафолатларининг йўқлиги, тадбиркорларнинг бизнес-режа ва капитал лойиҳаларининг техник-иқтисодий асословларини саводли тузишга лаёқатсизлиги, корхоналарни мақбул равиша бошқара олмаслиги билан боғлиқ;

- маҳаллий хомашё ва таркибий қисмларни сотиб олиш ҳамда айланма маблағларни кўпайтириш учун молиявий ресурслар. Кичик бизнес корхоналарига имтиёзли кредит бериш доирасида «Бизнес фонд», Дехқон ва фермер хўжаликлари фонди, Бандлик фонди каби маҳаллий фондларнинг тиҷорат банкларида кредит тармоқлари очилмоқда. Бироқ, ушбу ресурслардан фойдаланиши имконияти бир томондан, кредит олишининг ўнғайсиз тартиби ва иккинчи томондан, бизнес режаларнинг пухта ишламагани, олинган кредитларнинг оғир қайтарилиши туфайли қийинлашган.

Зарур хомашё ва таркибий қисмларни импорт орқали сотиб олиш, илгари олинган валюта кредитларини қайтариш учун миллий валютани эркин муомаладаги валютага бемалол конвертация қилиш хуқуқининг берилиши кичик ва ўрта бизнес, бозор, тадбиркорлик, бевосита хорижий капиталлар риво-

жига ёрдам беради. Айирбошлиш курсини ягона қийматта келтириш ва эркинлаштириш орқали кўп сонли айирбошлиш курслари ва валюта конвертациясининг чегараланганлигига барҳам бериш даромадлар унумдорлиги ва ахоли турмуш даражасини оширади, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлайди. Айирбошлиш курсини эркинлаштириш натижасида валюта чайқовбозорини қисқартириш давлат иқтисодиёти доирасидаги фолиятни молиялаш учун капитал ресурсларини бўшатади. Бу эса, ўз навбатида, талаб ва янги бозор яратади, бандликнинг, хусусан, меҳнатталаб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноатидаги бандликнинг ўсишига замин яратади, бунинг натижаси ўлароқ корхоналар реструктуризацияси оқибатида қисқартирилганларни ишга жойлашга ёрдам беради.

Ўз маҳсулотларици сотиш жараёнларини енгиллаштириш учун кичик корхоналар маркетинг тадқиқотларига муҳтождирлар, лекин улар бундай тадқиқотларни мустақил равишда ўтказа олмайдилар. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун бозордаги вазиятни акс эттирувчи ахборотни кенгайтириш соҳасида пухта ишланган давлат сиёсатини юргизиш зарур. Кичик ва ўрта корхоналар маҳсулотларининг ташқи бозорга чиқишини қўллаб-қувватловчи давлат стратегияси ва уни амалга оширишнинг мувофиқ механизмлари керак.

Ташқи иқтисодий фаолият. Республика 1991 йилда эришган сиёсий ва иқтисодий мустақиллик Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий муносабатларини тубдан ўзгартириб юборди. Ташқи савдоға давлат монополияси ҳукм сурганда бутун Совет Иттифоқи импорти ва экспорти марказлашган тарзда режалаштирилар эди ва давлат валюта манбаларини бошқарар эди. Энди бу тизим барҳам топди. Мустақиликка эришилгандан сўнг бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш учун янги механизм яратиш зарурити туғилди.

Мустақиллик йилларида ташқи савдо айланмаси анча кенгайди. Ўзбекистон иқтисодиёти субъектларининг ташқи иқтисодий фаолияти учун шароитлар тубдан ўзгарди: барча корхоналар ўзлари чиқарган маҳсулотни жаҳон бозорида сотиш хуқуқига эга бўлдилар; сотиш учун руҳсатнома - лицензия олиниши лозим бўлган товарлар руйхати анча қисқарди; миқдорий чегаралашларининг аксарияти тарифли тартибга солиш билан алмаштирилди; экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга сезиларли солиқ имтиёzlари берилди.

Афсуски, Ўзбекистон экспорти ва импорти хусусида кўп қамровли маълумотлар 1994 йилдан кейинги йилларга мавжуд. Бунга сабаб, аввалги йилларда Ўзбекистоннинг собиқ Иттифоқ

мамлакатлари билан ташқи савдоси рублларда, қолган давлатлар билан савдоси эса АҚШ долларларида ҳисобга олинар эди. Ўзбекистон ташқи савдосида кейинги йилларда рўй берган қўйидаги муҳим ўзгаришларни қайд этиш мумкин:

- ташқи савдо ўз йўналишини сезиларли даражада собиқ Иттифоқ мамлакатлари бозоридан жаҳоннинг қолган мамлакатлари бозорига ўзгартириди;

- импорт таркибида бурилишлар рўй берди: озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, нон маҳсулотлари саноати учун дон импорти, шунингдек, ёқилғи импорти анча қисқарди, бу дон ва ёқилғи мустақилликгини таъминлаш бўйича сиёsat натижасидир;

- импортнинг умумий ҳажмида машина ва ускуналар ҳиссаси қисман ошди. Бу Ўзбекистонда миллий саноат ривожини қўллаб-қувватлаш учун катта ҳажмда капитал ускуналарни импорт қилишини назарда тутувчи иқтисодий қайта қуришнинг юз берганидан далолатdir;

- экспортнинг умумий ҳажмида пахта толаси ҳиссасининг бирмунча камайишига қарамай, у чет эл валютаси тушумининг тўртдан бир қисмидан камроғини таъминлаб, мамлакатнинг асосий экспорт товари бўлиб келмоқда.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёsatининг хусусияти унинг иқтисодиёти олдида турган энг устувор вазифаларга бўйсундирилган. Масалан, мустақилликнинг илк йилларида устувор иқтисодий ва ижтимоий вазифа – инфляция суъратларини пасайтириш ва истеъмол бозорини тўлдириши эди, чунки режали иқтисодиёт йиллари давомида тўйланиб қолган, қониктирилмаган улкан талаб мавжуд эди.

1996 - 1998 йилларда Ўзбекистон ҳуқумати экспортни рафбатлантириш ва унинг таркибини тақомиллаштириш мақсадида қатор чоралар кўрди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 20 мартағи “Экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарувчи корхоналарни рафбатлантириш бўйича қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида” ги УП 1411-сонли ва бошقا бир нечта Фармонлари чиқди. Улар тайёр маҳсулот экспортери учун катта фиксал рафбатларни ҳамда экспорт тартибларини соддалаштиришини назарда тутади.

Миллий валюта киритилишидан сўнг сўмнинг расмий реал айирбошлиш курсининг кескин пасайиши, валюта бозори ва экспорт-импорт операцияларининг сезиларли эркинлантирилиши мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларига ижобий таъсир кўрсатди.

1995 ва 1996 йилларда Ўзбекистон ташқи савдо айлануви аввалги йиллардагига нисбатан тегишли равишда 24,8 ва 40,8 % га, шу жумладан экспорт 38,3 ва 23,4 % га, импорт эса 10,9 ва

63,2 % га ошиди. Бироқ 1996 йилнинг иккинчи ярмида ташкин иктиносидий алоқаларнинг иктиносидиётни тузишмавий қайта қуришга таъсирини кучайтириш мақсадида ташкин иктиносидий сиёсатга ўзгартиришлар киритилди. Улардан энг асосийси – миллий валютани чет эл валютасига конвертациялаш тартибини ўзгартириш ва импортни протекциялашни кучайтиришидир. Ушбу чоралар импорт тартибини назорат қилиш ва тўлов баланси ҳолатини тартибга солишини анча соддалаштирган бўлсада, қатор салбий оқибатларга олиб келди. Булардан асосийлари қўйидагилар:

- монетар интизомнинг йўклиги ва миллий валютани реал айирбошлиш курсининг ошиши, булар экспорт ва импортга ўналтирилган ишлаб чиқаришлар ривожини сустлаштиради;

- ички нийбий нархларнинг номувофиқлашими, шу тариқа иктиносидиёт тармоқлари ва ишлаб чиқариш турлари ўртасида ресурслар самарасиз тақсимланади ҳамда миллат фаровонлиги пасайди;

- корхоналар эгаллаган монополистик вазиятларнинг кучайини ва импорт томонидан адолатли, тенг асосли рақобат йўклиги, бу ишлаб чиқариш самарадорлиги ва миллат фаровонлигига салбий таъсир кўрсатади;

- хорижий валюта расмий бозоридан фойдаланиш имкониятига эга импортерларни рента фойдаси билан таъминлаш ва нировардида, миллий даромадни қайта тақсимлаш ҳамда ижтимоий адолатга путур ётказиш.

Мазкур омиллар Узбекистон асосий экспорт маҳсулотларига жаҳон маҳсулот бозорларидаги конъюнктуранинг ёмонлашиши билан биргаликда ҳукуматнинг экспортни кенгайтириш борасида кўраётган чораларига қарамай, Узбекистон экспорти ва импорти ҳажмининг сезидарли дараҷада камайшига олиб келди. Масалан, 1997 йилда Узбекистон ташкин савдо айлануви 1996 йилдагига нисбатан 4,3 % га, шу жумладан, экспорт - 4,4 % га, импорт - 4,2 % га қисқарди, 1998 йилда эса Узбекистоннинг ташкин савдо айлануви 1997 йилдагига нисбатан 23,5 % га, шу жумладан, экспорт- 19,6 % га, импорт - 27,3 % га қисқарди.

Хозирги вақтда мувозанатли айирбошлиш курсини белгилаш ва бундаги давлат назоратини бекор қилиш импорт протекционизмидан эркин савдога, ҳам экспорт ва импорт, ҳам ишлаб чиқариш, тақсимлашни тартибга солища маъмурий усуллардан иктиносидий усусларга ўтини экспортни рабботлантириши ва импортни ички истеъмол имкониятларига мувофиқлаштиришининг энг самарали воситасидир.

ЯИМни тақсимлаш усулида мухим компонентлар бўлиб, иш ҳақи ва бошқа кўринишларни меҳнат ҳақлари, ижтимоий суғуртага ажратмалар, фойда ва иктиносидий бирликларнинг бо-

шқа кўринишдаги даромадлари, ишлаб чиқаришга соф солиқлар ҳисобланади. Масалан, қўйидаги шартли статистик маълумотлардан фойдаланиб, ялпи ички маҳсулот ва соф ички маҳсулотни тақсимот усулида ҳисоблаш шартини кўриб чиқамиз.

12-жадвал

Солиштирма баҳо (млн.сўм)

Кўргаткилар	2001 йил	2002 йил
Ялпи фойда	397	446
Инновчизарнинг меҳнат ҳаки	865	937
Билансита солиқлар	285	326
Субсидиялар	36	28
Асосий фонdlар иштимоли	104	112

$$2001 \text{ йил ЯИМ} = 397 + 865 + (285 - 36) = 1511 \text{ млн.сўм.}$$

$$2002 \text{ йил ЯИМ} = 446 + 937 + (326 - 28) = 1681 \text{ млн.сўм.}$$

$$2001 \text{ йил СИМ} = 1511 - 104 = 1407 \text{ млн.сўм.}$$

$$2002 \text{ йил СИМ} = 1861 - 112 = 1569 \text{ млн.сўм.}$$

ЯИМ динамикаси:

$$(1681:1511) * 100 = 111\%.$$

ЯИМни якуний иштимол усулида уй хўжаликлари, давлат муассасалари ва уй хўжалигига хизмат қилувчи нотижорат (ижтимоий) ташкилотларнинг товар ва хизматларга бўлган якуний иштимол харажатлари суммасини, ялини жамғариш ҳамда товар ва хизматлар экспорти ва импорти ўртасидаги қолдиқни кўрсатади.

13-жадвал

ЯИМният якуний иштимол бўйича таркиби, жорий нархларда

Йиллар	ЯИМ	Якуний иштимол	Уй хўжаликлари иштимоли	Давлат ва ҳуусенӣ нотижорат ташкилотлар иштимоли	Ялини капитал сирмоллар	Ялини қуваимас капитал	Товар ва материаллар ахлияризацияннинг узарини	Соф экспорт
1995	302787,3	220627,5	153223,2	67404,3	73343,2	99889,1	-26543,9	8814,6
1996	559071,6	432185,6	308596,6	123589,0	128773,8	205694,2	-76920,4	-1887,8
1997	976830,0	794140,3	593898,2	200242,1	185057,6	329990,1	-144932,5	-2367,9
1998	1416157,3	1182893,8	891985,6	290908,2	209363,5	430230,2	-220866,7	23899,9
1999	2128659,7	1761367,0	1322108,9	439258,1	364176,2	576559,8	-212383,6	3116,5
2000	3194504,2	2664999,4	2035103,3	629896,1	506361,7	797785,8	-291424,1	23143,1
ЯИМ дан % ҳисобида								
1995	100,0	72,9	50,6	22,3	24,2	33,0	-8,8	2,9
1996	100,0	77,3	55,2	22,1	23,0	36,0	-13,8	-0,3
1997	100,0	81,3	60,8	20,5	18,9	33,8	-14,8	-0,2
1998	100,0	83,5	63,0	20,5	14,8	30,4	-15,6	1,7
1999	100,0	82,7	62,1	20,6	17,1	27,1	-10,0	0,1
2000	100,0	83,4	63,7	19,7	15,9	25,0	-9,1	0,7

14-жадвал

2000 йил якуний истеъмол бўйича ЯИМ тузилмаси, %

Мамлакатлар	ЯИМ, базор баҳосида	Якуний истеъмол харажатлари	Шунингдек		Товар ва хизматлар экспорти	Ялпи жамғараш
			Уй хўжалиги ва уй хужалигини хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлари	давлат муассасалари		
Россия	100	74,4	53,1	21,6	-2,0	22,6
Буюк Британия	100	81,8	63,7	21,1	-0,7	15,9
Германия	100	77,6	65,3	12,3	1,2	21,2
АКШ	100	83,6	68,0	15,6	-1,7	18,1
Франция	100	80,9	61,4	19,5	1,9	17,2
Япония	100	69,6	59,9	9,7	0,5	29,9
Ўзбекистон	100	83,4	63,7	19,7	0,7	15,9

Жадвалда ривожланган мамлакатлар, Ўзбекистон ва Россиянинг якуний истеъмол бўйича ЯИМ тузилмаси келтирилган. Келтирилган маълумотлар шундан гувоҳлик берадики, якуний истеъмол харажатларида асосий салмоқни ривожланган мамлакатларда ҳам уй хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотларга қилинган харажатлар (60 % дан кўп) ташкил қиласига экан. Ўзбекистон ва Россияда мос равишда: 63,7 ва 53,1 % га тенг. Бу йилда давлат муассасалари харажатлари Японияда энг кам бўлиб, 9,7 % ни ташкил қиласига экан. Ўзбекистонда энг кам бўлиб, 21,1 % ни ташкил қиласига экан. Ўзбекистонда энг юкори жамғарашга эга бўлган. Бунга давлат харажатларини қисқарганлиги сабабdir.

5.3. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини аниқлашда қўлланиладиган баҳолар тизими

Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичининг таърифида унинг З асосий хусусияти кўреатилган:

1. Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи - охирги истеъмол учун ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати ҳисобланади, унда оралиқ истеъмолнинг қиймати аке эттирилмайди.

2. Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи - ички маҳсулот қиймати ҳисобланади, яъни мамлакат иқтисодий ҳудудида иқтисодий бирликлар ишлаб чиқарган маҳсулот қийматини аке эттиради. Узининг мустақил баланси ҳамда хуқуқий шахс мақомига эга бўлган бирликка - иқтисодий бирлик деб юритилади.

3. Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ҳажмида асосий капиталининг истеъмоли ҳам аке эттирилади.

Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи билан асосий капиталнинг истеъмоли ўртасидаги фарқ -- соғ ички маҳсулот кўрсат-

кичини ифодалайди. Соф ички маҳсулот кўрсаткичини аниқлаш учун асосий капиталнинг амортизацияси тўғрисидаги маълумотлар талаб қилинади. Бухгалтерия ҳисобининг асосий капитал амортизацияси тўғрисидаги маълумотлари эса МХТ услугбиятига мос келмайди. Чунки, бухгалтерия балансида асосий капиталнинг қиймати икки хил баҳода: дастлабки ва тўла тиклаш баҳоларида ҳисобга олинади. Шунинг учун, МХТ услугбияти бўйича иқтисодий фаолият натижаларини ифодалаш учун ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи қўлланилади. Агар мамлакат иқтисодиёти ташки дунёга боғлиқ бўлмаса, ялпи ички маҳсулот қиймати ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил қилинган резидентларнинг ялпи даромадига тенг бўлади. Ҳақиқатда эса мамлакат иқтисодиёти ташки дунёга боғлиқ бўлганлиги сабабли ялпи ички маҳсулот ва ялни миллий даромад кўрсаткичлари бир-бирига тенг бўлмайди. Ялпи ва соф ички маҳсулотлар ҳамда ялпи ва соф миллий даромад кўрсаткичлари ўргасидаги борганишларни қуидаги тенгламалар билан ифодалаш мумкин:

- 1) соф ички маҳсулот = ялпи ички маҳсулот – асосий капиталнинг қиймати;
- 2) ялпи миллий даромад = ялпи ички маҳсулот + бирламчи даромад қолдиги;
- 3) соф миллий даромад = ялпи миллий даромад – асосий капиталнинг истеъмоли;
- 4) соф миллий даромад = соф ички маҳсулот + бирламчи даромад қолдиги;

1993 йилдаги МХТнинг учинчи халқаро андозаси бўйича ялпи ички маҳсулот кўрсаткичини аниқлаш учун статистика амалиётида қуидаги баҳолар қўлланилади:

- а) омилли баҳо;
- б) асосий баҳо;
- в) ишлаб чиқариш баҳоси;
- г) харидор баҳоси.

МХТдаги баҳоларнинг ҳосил бўлишини қуидаги тартибда ифодалаш мумкин:

- 1) Омил баҳо = меҳнат ҳақи + оралиқ истеъмоли + ялни фойда.
- 2) Асосий баҳо = омил баҳо + ишлаб чиқаришга соф солиқ;
- 3) Ишлаб чиқариш баҳоси = асосий баҳо + маҳсулотга соф солиқ;
- 4) Харидор баҳоси = ишлаб чиқариш баҳоси + савдо-транспорт устамаси.

Омилли баҳо – ишлаб чиқаринидаги 4 омилиниң қиймати.

ни ўзида акс эттиради (ишчи кучи, асосий, айланма фондлар, тадбиркорлик) ва ундан тармоқлараро баланс тузишда фойдаланилади.

Асосий баҳо - бозор баҳоси бўлиб, омил баҳога ишлаб чиқаришга соф солиқлар қўшилади. У ўз навбатида ишлаб чиқарувчи ва харидорлар баҳосига бўлинади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг бозор баҳоси - ишлаб чиқарувчи томонидан маҳсулот бирлигининг сотилган баҳосини англатади. Бунда асосий баҳога маҳсулотларга бўлган солиқ қўшилади (қўшилган қиймат ва импорт солигидан ташқари) ва маҳсулотларга бўлган субсидиялар айрилади. Харидорлар бозор баҳоси - харидор томонидан маҳсулот ва хизматларга тўланган тўловлардир. Буларга маҳсулотларга бўлган соф солиқлар ва савдо-транспорт устамалари қўшилади.

ЯИМ омил баҳо (асосий баҳода) ва харидорлар бозор баҳосида баҳоланиши мумкин. Омил баҳода ҳисоблаш юқорида қайд қилинганидек, фақат ишлаб чиқариш харажатларини ёки асосий фондлар амортизацияси, иш ҳақи ва фойдани ўз ичига олади. Бозор баҳосига эса ундан ташқари яна соф ва билвосита солиқлар қўшилади.

МҲТ ва тармоқлараро баланслардаги ҳар хил баҳолаш усусларида қўшилган қийматнинг ҳосил бўлишини қўйидагича ифодалаш мумкин:

1. Иш ҳақи.
2. Фойда.
3. Омилли баҳодаги қўшилган қиймат.
4. Ишлаб чиқаришга солиқлар.
5. Ишлаб чиқариш субсидиялари.
6. Асосий баҳодаги қўшилган қиймат.
7. Маҳсулотларга солиқлар.
8. Маҳсулотларга субсидиялар.
9. Ишлаб чиқарувчи баҳосидаги қўшилган қиймат.

ЯИМ билан ЯКҚ йифиндилари орасидаги tenglama қўйидаги кўринишга эга:

$$\text{ЯИМ} = \sum \text{Я}^{++} + \sum C^1 - \sum C$$

Бу ерда:

Я^{++} - истеъмолчи баҳосидаги Я $^{++}$

C^1 - маҳсулот солиқлари;

C - маҳсулот субсидиялари.

5.4. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш усуллари

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш учун қуйидаги усуллар қўлланилади:

1) баҳо индекси ёрдамида дефляторлаш;

2) икки карали дефляторлаш;

3) физик ҳажм индекси ёрдамида базис давр кўрсаткичларини экстраполяциялаш;

4) харажат элементларини қайта баҳолаши.

Жорий даврда охирги истеъмол учун фойдаланилган товар ва хизматларнинг қийматини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш баҳо индекси ёрдамида дефляторлаш усули билан амалга оширилади:

$$\sum p_1 q_1 / I_p = (\sum p_1 q_1) / (\sum p_0 q_1 / \sum p_0 q_1)$$

Бу ерда: $\sum p_1 q_1$ - жорий даврда охирги истеъмол учун фойдаланилган товар ва хизматларнинг жорий баҳолардаги умумий қиймати;

$\sum p_0 q_1$ - жорий даврда охирги истеъмол учун фойдаланилган товар ва хизматларнинг ўзгармас баҳолардаги умумий қиймати;

Жорий ва базис даврларда умумий охирги истеъмол учун фойдаланилган товар ва хизматларнинг умумий қиймати таққосланса, физик ҳажм индекси ҳосил қилинади:

$$I_q = \sum p_0 q_1 / \sum p_0 q_0$$

Баҳо статистикасида Ласпейрес, Пааше ва Фишер индекслари қўлланилади.

Ялпи ички маҳсулотни ўзгармас баҳоларда ва физик ҳажм индексини ҳисоблаш учун қайси индекс қўлланилади деган савол туғилади.

МХТнинг учинчи халқаро андозасида амалиётда қўллаш учун Фишер индекси тавсия қилинади. Чунки Фишер индекси қўлланилганда «индекслар аксимотик назарияси»нинг асосий талабларидан бири - индекснинг таққослаш базисига боғлиқ эмаслигини аниқлашадир. Фишер индекси ўртача геометрик миқдор формуласи ёрдамида, яъни Ласпейрес ва Пааше индекслари кўпайтмасидан олинган квадрат илдиз билан аниқланади:

$$I^F = I^2 * I^P = (\sum p_1 q_0 / \sum p_0 q_0) / (\sum p_1 q_1 / \sum p_0 q_1)$$

Индекснинг таққослаш базисига боғлиқ эмаслиги сабабли талабни ўртача арифметик миқдор формуласи қаноатлантирумайди.

Мисол, агар иккингчى даврдаги баҳонинг биринчى даврдаги баҳога нисбатини ифодалайдиган Ласпейрес индекси 110 га teng

бўлса, у ҳолда ўртача арифметик миқдор 115 ни ташкил этади, яъни:

$$I_{2/1} = (I_{2/1}^2 + I_{2/1}^P) / 2 = (220+110) / 2 = 115$$

Фараз қиласлийк, биринчи даврдаги баҳонинг иккинчи даврдаги баҳога нисбатини аниқлаш талаб қилинса, у ҳолда Ласпейрес индекси $I_{2/1}^2 = 1 / 120 = 0,833$, Пааше индекси $I_{2/1}^P = 1 / 110 = 0,909$ га тенг бўлади. Ўртача арифметик миқдор эса $I_{2/1} = (I_{2/1}^2 + I_{2/1}^P) / 2 = (0,833 + 0,909) / 2 = 0,871$.

Иккинчи даврдаги баҳонинг биринчи даврдаги баҳога нисбати хисобланса, у ҳолда $I_{2/1} = 1 / 0,871 = 114,8$ га тенг бўлади.

Демак, тўғри ва тескари индексларнинг бир-бираига тенг бўлмаслиги, ўртача арифметик миқдорнинг таққослаш базасига боелиқлигини қўрсатади. Фишер индекси қўлланилган ҳолда эса хисоблаш натижаси таққослаш базаси учун биринчи давр олинса, у ҳолда:

$$(I_{2/1}^F)^2 = 120 * 110 = 114,9$$

Агар таққослаш базаси учун иккинчи давр олинса, у ҳолда:

$$(I_{2/1}^F)^2 = 0,833 * 0,909 = 0,870$$

$$I_{2/1}^F = 1 / 0,870 = 114,9$$

МХТнинг учинчи халқаро андозаси бўйича статистика амалиётида Ласпейрес ва Пааше индексларидан фойдаланилади, шунинг учун индекслар икки хил мақсадда қўлланилади:

- 1) аналитик;
- 2) техник.

Аналитик мақсадда фойдаланилганда баҳо индекси баҳо динамикасини ўрганиш учун қўлланилади, яъни бу мақсад учун Ласпейрес индекси тавсия қилинади. Чунки вазн сифатида базис даврда сотилган маҳсулот миқдори олинади. Техник мақсадда фойдаланилганда баҳо индексини ўзгармас баҳоларда хисоблаш учун қўлланилади, яъни бу мақсад учун Пааше индекси тавсия қилинади. Чунки физик ҳажм индекси билан баҳо индексининг қўпайтмаси қиймат индексига тенг бўлади:

$$\sum p_i q_i / \sum p_0 q_0 = (\sum p_i q_i / \sum p_0 q_0) * (\sum p_0 q_i / \sum p_0 q_0)$$

Баҳо, физик ҳажм ва қиймат индекслари орасидаги боғланиш «индекслар аксиоматик назарияси»нинг асосий талабларидан бири хисобланади.

Ласпейрес ва Пааше формуласининг камчилиги шундаки, бунда:

а) агар баҳо динамикасини ўрганиш учун Ласпейрес формуласи қўлланилса, у ҳолда жорий даврда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг қиймати ҳисобга олинмайди;

б) агар баҳо динамикасини ўрганиш учун Пааше формуласи қўлланилса, у ҳолда биринчидан, жорий даврда ишлаб чиқарилган янги товар ва хизматларнинг қиймат базис даври учун қандай ҳисобланиши номаълум, иккинчидан, «ўрин алмаштириш самарааси»нинг кучи камайтирилади. Масалан, истеъмолчи вакт ўтиши билан арzon баҳоли товар ва хизматларни харид қиласди. Харажатлар умумий ҳажмида арzon баҳоли товар ва хизматлар салмофининг ортиши баҳо индекси пасайишига олиб келади.

Фараз қиласлик, базис даврда А ва Б товарларнинг салмофи бир хил, яъни 50 %га teng бўлсин. Жорий даврда А товар баҳосининг 2 марта ортиши, унинг салмофини 10 %гача камайтирасин. Агар баҳо индексини ҳисоблаш учун Пааше формуласи қўлланилса, у ҳолда:

$$\begin{aligned} I^p &= \sum p_1 q_1 / \sum p_0 q_1 * 100 = (\sum p_1 q_1 / \sum p_1 q_1) / i_p * 100 = 1 / (\sum d_i / i_p) * 100 = \\ &= 1 / (0.2/2 + 0.9/1) * 100 = 105\% \end{aligned}$$

Агар Ласпейрес формуласи қўлланилса, у ҳолда:

$$I^p = \sum p_1 q_0 / \sum p_0 q_0 * 100 = (\sum i_p p_0 q_0 / \sum p_0 q_0) * 100 = (\sum d_0 / i_p) * 100 = (2 * 0.5 + 1 * 0.5) * 100 = 150\%$$

Агар А товар салмоғи 0 гача камайса, Пааше формуласи баҳо даражасининг ўзгармасдан қолишини кўрсатади. Ҳакиқатда эса А товар баҳосининг ошиши унинг салмоғи пасайишига олиб келади. Демак, Пааше формуласи истеъмол товарлар таркибининг ўзгаришига боғлиқ деб хулоса чиқариш мумкин. Жорий даврда охирги истеъмол учун фойдаланилган товар ва хизматларнинг қийматини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш икки каррали дефляторлаш усули ёрдамида ҳам амалга оширилади. Икки каррали дефляторлаш усули қўлланилганда дастлаб ялпи ишлаб чиқариш, кейин эса оралиқ истеъмоли ўзгармас баҳоларда ҳисобланади. Ўзгармас баҳоларда ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажми қуйидаги муносабат билан аниқланади:

ЯИМ=ЯИЧ-ОИ+МИИС

Мисол: Қўйидаги маълумотлар асосида ЯИМ ҳажми ўзгармас баҳоларда ва ЯИМ физик ҳажмининг индексини ҳисоблаш тартибини кўриб чиқамиз.

№		жорий	базис	баҳо	ҳажм
1.	Моддий ишлаб чиқарини тармоқтарининг ялпи ишлаб чиқариши	100	200	160	-
2.	Бозор хизматларини ялпи ишлаб чиқарини	150	450	250	-
3.	Жамоага хизмат кўрсатиш учун бюджет ташкилотларининг жорий ҳаражатлари	80	160	-	120
4.	Алоҳида корхоналарга хизмат кўрсатиш учун бюджет ташкилотларининг жорий ҳаражатлари	50	95,7	-	116
5.	Моддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги оралиқ истеъмоли	40	90	180	-
6.	Бозор хизматлари соҳасида оралиқ истеъмоли (ялпи ишлаб чиқаришга нисбатан фоиз хисобида)	30	28	-	-
7.	Бюджет ташкилотларининг оралиқ истеъмоли	32,5	66,5	175	-
8.	Махсулот ва импорт соғ солиги	24	60	240	-

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ўзгармас баҳоларда икки карраги дефляторлик усули ёрдамида хисоблаш услубоияти:

1) Базис даврдаги ялпи ишлаб чиқариш ҳажми:

$$\sum p_0 q_0 = 100 + 150 + 80 + 50 = 380 \text{ млрд.сўм.}$$

2) жорий даврдаги ялпи ишлаб чиқариш ҳажми базис давр баҳоларида:

$$\sum p_0 q_1 = 200 / 1,6 + 450 / 2,5 + 80 * 1,2 + 50 * 1,16 = 459 \text{ млрд.сўм.}$$

3) Базис даврдаги оралиқ истеъмоли:

$$\sum p_0 q_0 = 40 + 0,3 + 150 + 32,5 = 117,5 \text{ млрд.сўм}$$

4) Жорий даврдаги оралиқ истеъмоли базис давр баҳоларида:

$$\sum p_0 q_1 = 90 / 1,8 + 0,28 * 450 / 2,5 + 66,5 / 1,75 = 138,4 \text{ млрд.сўм}$$

5) Базис даврдаги ЯИМ ҳажми:

$$\sum p_0 q_0 = 380 - 117,5 + 24 = 286,5 \text{ млрд.сўм}$$

6) Жорий даврдаги ЯИМ ҳажми базис давр баҳоларида:

$$\sum p_0 q_1 = 459 - 138,4 + 60 / 2,4 = 345,6 \text{ млрд.сўм}$$

7) ЯИМ физик ҳажм индекси:

$$I_q = \sum p_0 q_1 / \sum p_0 q_0 = 345,6 / 286,5 = 1,241 \text{ ёки } 124,1\%.$$

Демак, ўзгармас баҳоларда (базис давр) хисобланган ЯИМ жорий даврда базис даврга нисбатан 24,1 % га ортган.

Қисқача хулосалар

Мамлакатнинг иқтисодий фаолиятини характерловчи кўрсаткич-ЯИМ. Уни З хил усулда: ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва якуний истеъмол усулларида ҳисоблашдан мақсад хўжалик ички бўғинлари орасида муносабатни босқичма-босқич характерлаб бериш ҳамда БМТ доирасида халқаро тақдосланадан иборат.

МХТнинг асосий кўрсаткичларини турли баҳоларда ҳисобга олиш уларнинг динамикасини ўрганишда муҳим ўрин тулади.

ЯИМни ўзгармас баҳоларда ҳисоблашнинг асосий мақсади мамлакат ички иқтисодиёти таркибини ўрганиш, истеъмол ва жамғариш ўртасидаги муносабатни характерлаш, ЯИМ билан давлат бюджетидаги камомадни ўрганиш ва ҳ.к ни ўрганишга қаратилиади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ўзбекистон ЯИМ кўрсаткичининг 1995 – 2001 йиллардаги ҳолатини изоҳланг.
2. ЯИМнинг қандай турларини биласиз?
3. ЯИМ дефляторининг иқтисодий моҳиятини изоҳланг.
4. ЯИМнинг ҳисоблаш усулларини мисоллар ёрдамида тушунириинг.
5. МХТда қўлланиладиган баҳоларни таснифланг.
6. ЯИМ ҳажмини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш учун қайси усуллардан фойдаланилади?
7. Лайспейрес ва Пааше индексларининг моҳиятини тушунириинг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т. – Т.: Ўзбекистон, 1991.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболини асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. – М.: Инфра, 2000.
4. Ишмуҳамедов А.А. ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Набиҳўжаев А. Макроиқтисодий кўрсаткичлар (халқаро таққослаш муоммолари). – Т.: «Иқтисод ва ҳисобот» журнали, 1995 № 3, 7-б.
6. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. – М.: Финстатинформ, 2000.
7. Фон Дер Липпе. Экономическая статистика. Германия, Штутгарт, 1995.
8. Гойибназаров Б. Цены в системы национальных счетов. – Т.: «Сельское хозяйства Узбекистана» журнали, 2001 № №, 11-13 б.

VI боб

МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИНИНГ АСОСИЙ ҲИСОБЛАМАЛАРИНИ ТУЗИШ МАСАЛАЛАРИ

6.1. МХТнинг ички иқтисодий ҳисобламалари

Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодиёт секторлари орасидаги муносабатларни ўрганиш мақсадида асосий ҳисобламалардан кенг фойдаланилади. Бу ҳисобламалар 2 гурӯхга бўлинади:

1. Мамлакат ички иқтисодиётини таърифловчи ички иқтисодий ҳисобламалар. Буларга қўйидаги ҳисобламаларни киритамиз:

- * товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳисобламаси;
- * ишлаб чиқариш ҳисобламаси;
- * даромадларни ҳосил бўлиш ҳисобламаси;
- * даромадларни тақсимлаш ҳисобламаси;
- * даромадлардан фойдаланиш ҳисобламаси;
- * капитал ҳаражатлар ҳисобламаси;
- * молия ҳисобламаси.

2. Мамлакатнинг бошқа давлатлар билан иқтисодий муносабатларини ўрганишда ташқи иқтисодий алоқалар ҳисобламасидан фойдаланилади. Бу ҳисобламаларгага қўйидагилар киради:

Жорий операциялар ҳисобламаси, капитал ҳаражатлар ҳисобламаси, молия ҳисобламаси.

Ишлаб чиқариш ҳисобламаси

Ишлаб чиқариш ҳисобламаси маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариши ва хизматлар кўрсатиш натижаларини характерлайди. Унда маънум бир даврда ЯИМ ишлаб чиқаришга кетган маҳсулот ва хизматлар ҳажми акс эттирилади. Ишлаб чиқариш ҳисобламасининг тузилиши маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарилиши тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган ишларни олиб боришни тақозо этади.

Ишлаб чиқариш ҳисобламасининг схемаси қўйидагича кўришишга эга:

Фойдаланиш	Ресурс
6. Оралиқ иштепмод;	1. Маҳсулот ва хизматларни асосий баҳоларда ялни ишлаб чиқаришни;
7. Бозор баҳоларида ЯИМ	2. Маҳсулотларга солик; 3. Маҳсулотларга субсидиялар; 4. Импортига соғ солик; 5. Бозор баҳоларида ялни ишлаб чиқариш (1+2-3+4)
Жамн: (6+7)	Жамн: (5)

Ҳисобламанинг ресурс қисмида маҳсулот ва хизматларнинг ялпи ишлаб чиқарилиши акс эттирилган.

Маҳсулот ва хизматларнинг ялпи ишлаб чиқарилиши асосий ва бозор баҳоларида акс эттирилади.

Бозор баҳоларидаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари кўпроқ иқтисодий моҳиятга эга. Айнан ушбу кўрсаткич ишлаб чиқарилган товар ва кўрсатилган хизматларнинг умумий қийматини аниқлайди. Шунингдек, бу кўрсаткич МҲТ нинг бошқа барча ҳисобламаларини бир-бирига боғлашда қўлланилади. Ҳисобламанинг ресурс қисмида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг шаклланиши жараёни, шунингдек, маҳсулотларга ва импортга бўлган соф солиқлар акс эттирилади.

$$\text{ЯИЧ}_{6,6} = \text{ЯИЧ}_{a,b} + \text{МСС} + \text{ИСС}$$

Бу ерда: $\text{ЯИЧ}_{6,6}$ – бозор баҳосидаги ялпи ишлаб чиқариш,
 $\text{ЯИЧ}_{a,b}$ – асосий баҳоларда ялпи ишлаб чиқариш;
МСС – маҳсулотларга соф солиқ;
ИСС – импортга соф солиқ.

Бозор хизматларини ялпи ишлаб чиқариш икки турга бўлинади:

1. *Бозор хизматларини ишлаб чиқариш (молиявий воситачиларнинг билвосита хизматларидан ташқари);*

2. *Молиявий воситачиларнинг билвосита хизматлари.*

Молиявий воситачиларнинг билвосита хизматлари – молиявий ресурсларни йиғиши, айирбошлиш ва тақсимлаш билан шуғулланувчи молиявий воситалар сифатида иштирок қилувчи молиявий тащкилотлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлардир. Улар мулқдан келадиган даромад ҳажми сифатида аниқланади, у даромад молиявий муассасалар томонидан кредиторларга тўланадиган фоизларни чиқариб ташлагандан ҳосил бўлади. Банк бошқа бир банкка кредит берса, бу операциялар учун ялпи ишлаб чиқариш ҳисобга олинмайди.

Ялпи ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳисоблаш умумий услугбий тамойилларининг мавжудлиги баъзи соҳаларда ушбу кўрсаткичларнинг ўзига хос усуlda ҳисобланишини инкор этмайди. Ушбу ўзига хосликлар ўёки бу ишлаб чиқариш соҳасининг ҳусусиятларидан келиб чиқади.

Ишлаб чиқариш соҳасида қўшилган қиймат – иқтисодий операция бўймаган ва арифметик усуlda ҳисобланадиган баланслаштирувчи моддадир. Барча соҳаларда яратилган ялпи қўшилган қийматларнинг йиғиндиси ЯИМни ташкил қиласди.

Ташкилот, соxa, сектор миқeсида ЯИМ қүшилган қиймат шаклида намоён бўлади.

Маҳсулотларга солиқ. Бу резидент томонидан ишлаб чиқарилган ёки сотилаётган маҳсулот ва хизматларнинг қиймати ёки миқдорига мутаносиб равишда олинадиган солиқлардир.

Маҳсулотга соф солиқ. Бу маҳсулотга қўйилаётган солиқ билан маҳсулотга берилаётган субсидия ўртасидаги фарқдир.

Маҳсулотга субсидиялар. Бу резидент томонидан ички бозорга ишлаб чиқарилган ёки экспорт қилинган маҳсулот ёки хизматларнинг қиймати ёки миқдор ва сифатига мутаносиб равишда берилаётган субсидиялардир.

Импортга соф солиқ. Бу импортга қўйилаётган солиқ билан унга қўйилаётган субсидия ўртасидаги фарқдир.

Импортга субсидия – давлат бюджетидан ташки савдо қатнашчиларига товарларни импорт қилиш учун бериладиган тўловлардир.

Импортга солиқ. Бу давлат бюджетига келиб тушадиган шундай даромад турики, у ташки ва ички нархларнинг фарқидан келиб чиқади.

Хисобламанинг фойдаланиши қисемида оралиқ истеъмол ва ЯИМ аке эттирилади.

Оралиқ истеъмол. Бу ишлаб чиқарувчи резидент томонидан маҳсулот ва хизматларнинг хосил бўлиши жараёнида истеъмол қилинган маҳсулот ва бозор хизматларининг қийматини акс эттиради.

Оралиқ истеъмол қўйидаги асосий кўрсаткичлардан иборат бўлади:

1. Моддий харажатлар (маҳсулот ва моддий хизматлар);
2. Номоддий хизматларга тўловлар;
3. Йигчи ва хизматчиларнинг хизмат сафари тўловлари;
4. «1» ва «2» моддалардаги харажатларсиз нормал иш тизимини сақлаш учун сарфланган институтцион бирликларнинг харажатлари;

5. «1» ва «2» моддалардаги харажатларсиз ишчиларнинг малакасини ошириш учун сарфланган институтцион бирликларнинг харажатлари.

Моддий харажатларга қўйидаги моддалар киради:

- якуний маҳсулот ҳажмига кирган хоманиё ва маблағлар;
- қўйидаги ишлаб чиқарини жараёнига ишлатиладиган маблағлар, масалан, ишлаб чиқаринин синаш ва сифатини текшириш учун, ускуниа, асосий мулкни сақлаш, ишлатини, тузатини харажатлари, ускуналарини, эҳтиёт қисемларни тузатини, маҳсусе иши кийими, ишчиларнинг айрим овқатланишини ва қиймати кам бошқа нарсалар;

- корхоналарда ўрнатиладиган эҳтиёт қисмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;
- ишлаб чиқаришда ишлатилган барча ёнилғи турлари, иситилиши тизими, йўловчи транспортларга ва ишлаб чиқаришга сарф қилинган ёнилғилар, энергиянинг барча турлари, технологик ва бошқа ишлаб чиқаришда сарфланган ўзга хўжалик сарфлари ва бошқа эҳтиёжларга сарфланган (куч-кувват) энергия;
- бошқа иш ва хизматлар, асосий ишлаб чиқаришда қўлланилмайдиган, лекин айрим жараёнлар – хомашёни қайта тайёрлаш ва ҳоказолар, тузатиш ва ишлатиш ишларига сарфланадиган харажатлар;
- маҳсулотни олиб келиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва бошқа корхоналарнинг йўлкира харажатлари, корхонанинг ичида ташишга сарфланган харажатлар;
- хисоблаш маркази ва бошқа алоқаларга харажатлар;
- маҳсулотларни қадоқлашга кетган харажатлар;
- ишчиларнинг иш кийими ва керакли ускуналарга сарфланган харажатлар;
- ўзи чиқарган маҳсулотларни истеъмол қилиши, шунга ўхшаш дехқончиликда сарфланган уруғлик ем-хашикларга харажатлар (МҲТда бу тур харажатлар назарда тутилмаган);
- қаҳвахона (кафе), ресторан, меҳмонхоналарга сотиб олинган озиқ-овқат, тамаки, ичимлик харажатлари;
- касалхона ва бошқа тиббий муассасаларнинг bemорлари хамда ўқув муассасаларининг ўқувчилари учун сотиб олинган дори-дармон харажатлари;
- уй хўжалик фаолияти учун сотиб олган ускуналари, ишчи кийимлари, уруғ, ем, қурилиш молларига харажатлар;
- уй-жой эгаларининг хўжалик фаолияти учун сотиб олган маблағ харажатлари;
- ҳарбий ташқилотларни ускуна олиш ва ўрнатиш, ўёки бу ёққа олиб борилиши харажатлари (бу ҳам МҲТда назарда тутилмаган);
- армия учун озиқ-овқат, кийим – кечак харажатлари;
- кафолатланган таъмирлаш хизматлари учун харажатлар;
- илмий-тадқиқот лабораторияларини таъминлаш учун харажатлар;
- меҳмонларни қабул қилиши ва сайр эттириши, шунингдек, сайл қилиши харажатлари;
- ишчиларни ишга жалб қилиши харажатлари.

Номоддий хизматларнинг харажатлари куйидагилардан иборат:

- молларнинг сифатини текшериш харажатлари;
- илмий-тадқиқот ва экспериментал ишлар харажатлари;
- молия хизматлари учун харажатлар;
- ўқув юртларига тўловлар, ишчиларни тайёрлаш ва оралиқ истеъмол учун харажатлар;
- мулкни суғурта қилиш харажатлари;
- тиббий ташкилотларга тўловлар;
- бино, ускуна, машина ижараси учун харажатлар;
- уй-жойни чиқиндилярдан тозалаш учун коммунал хизматлар харажатлари;
- адлия хизматлари учун харажатлар;
- реклама ва бошқа тадбиркорлик хизматлари учун тўловлар;
- молларнинг лицензия ва сертификат харажатлари;
- ёнгиидан сақлаш ва қоровуллик тўловлари.

Ишчиларнинг хизмат сафари харажатларига уларнинг йўлкираси, меҳмонхона, озиқ-овқат ва коммунал харажатлар киради.

Оралиқ истеъмолга кирмайдиган харажатлар қўйидаги-лардан иборат:

- иш унумини ошириш ва кўп хизмат қилиш мақсадида бино-ускуналарнинг таъмири ва уларни янги усулага мослаш харажатлари;
- уй-жойларни таъмирлаш, бўёқ сотиб олиш, гулқороз (обоя)ни янгилаш ва бошқа харажатлар (улар уй хўжаликларининг якуний истеъмолига киради);
- ишчи ва хизматчиларга маҳсулотларни бепул ва арzon баҳода, иш ҳақини бarter ҳисобида натуран ўйл билан тўлаш;
- давлат томонидан бериладиган натура шаклида нафақалар;
- ташкилотларнинг якуний истеъмолига кирадиган харажатлар, асосий мулк ва номоддий активларнинг ер олиш хукуқига эга бўлиш харажатлари;
- ердан фойдаланиш учун ижара харажатлари (улар мулкдан даромад олишга киради);
- хазина топиш учун геологик ишлар харажатлари — нефть ва газ топиш ва ҳоказо харажатлар (улар асосий мулкнинг жамғармасига киради);
- ерни яхшилаш, тозалаш, мелиорация қилиш, дарахт, бое экшилари экши харажатлари (улар асосий мулкнинг жамғармасига киради);
- маданий — маниший хизматлар харажатлари;
- асосий мулкнинг эскириши;

ЯИМ – муҳим иқтисодий категория ва иқтисодиёт ривожланишнинг асосий кўреаткичи бўлиб, мамлакатининг иқтисодий ҳудуддаги резидент ва норезидент ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ўзида акс эттиради.

Даромадларни бирламчи тақсимлаш ҳисобламаси

Бу ҳисобламанинг ўзи қуйидаги ҳисобламаларни ўз ичига олади:

1. Даромадларнинг ҳосил бўлиш ҳисобламаси;

2. Даромадларни бирламчи тақсимлаш ҳисобламаси.

Даромадларнинг ҳосил бўлиш ҳисобламаси - даромадларни бирламчи тақсимлаш ҳисобламасининг тарқибий қисми ҳисобланади. Бу ҳисоблама ишлаб чиқариш ҳисобламаси каби секторлар бўйича ҳам, тармоқлар бўйича ҳам тузилади. Унда ЯИМнинг институтцион бирликлар томонидан моддий маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқарувчиларга бирламчи даромад тўлаш учун ишлатилиши кўрсатилади.

Бирламчи даромадга қуйидагилар киради:

1. Ишлаб чиқариш фаолиятидан келадиган даромад ;

a) Ёлланма ишчиларнинг меҳнат ҳақи;

b) Ишлаб чиқариш ва импортта солик;

c) Фойда ва аралаш даромадлар.

2. Мулқдан келадиган даромад, яъни бошқа институтцион бирликларга молиявий ва номолиявий активларни, шу жумладан, ер, фойдали қазизмалар ва бошқа ноишлаб чиқариш активлари, патент ва лицензияларни вақтингачалик фойдаланишига беришдан келадиган даромадлар. Уларга қуйидагилар киради:

a) Фоизлар;

b) Ташкилотларнинг тақсимланган даромади (дивидент);

c) Қайта инвестиция қилинадиган чет эл инвестициялари;

d) Сугурта полислари эгаларига юқлатилган мулж даромади;

e) Рента.

Даромад ҳосил бўлиш ҳисобламасида мулқдан даромад акс эттирилмайди. Даромад ҳосил бўлиш ҳисобламаси ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ тақсимлаш жараёнини акс эттиради. Унинг кўрсаткичлари тизимига қуйидагилар киради:

1. Меҳнатга ҳақ тўлаш;

2. Ишлаб чиқаришга соф соликлар;

3. Корхоналарнинг ялпи фойдаси;

4. Аҳолининг аралаш даромадлари.

Ҳисобламанинг ресурсе қисмida бозор нархидаги ЯИМ ва ишлаб чиқариш ҳамда импортга субсидиялар акс эттирилади.

Фойдаланиш қисмida эса ЯИМ нинг бирламчи тақсимлашини унсурлари кўрсатилади. Булар;

- *Иш ҳақи;*
- *Ишлаб чиқариш ва импортта солиқлар;*
- *Асосий фондларнинг истеъмоли;*
- *Фойда.*

Даромадлар ҳосил бўлиш ҳисобламасининг схемаси қуидагича:

<i>Фойдаланиши</i>	<i>Ресурс</i>
4. Ёзланма ишчиларишинига иш ҳақи;	1. Бозор нархларида ЯИМ
5. Ишлаб чиқариши ва имортта солиқ, шу жумладан;	2. Ишлаб чиқариши ва имортта субсидиялар, шу жумладан,
а) Маҳсулотга; б) Ишлаб чиқаришининг бошқа маҳсулотларига; с) Импортга.	а) Ишлаб чиқаришига; • <i>Маҳсулотта;</i> • <i>Хусусий ишлаб чиқаришга;</i> • <i>Ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган бошқа субсидиялар.</i> б) Имортта субсидия.
6. Иш фойда (ишик аралаш даромад) (3-4-5), шу жумладан; а) Асосий фонdlар истеъмоли; б) Соф фойда (соф аралаш даромад).	3. Жамн (4+5+6)
7. Жамн (4+5+6)	3. Жамн (1+2)

Ушбу ҳисобламадаги маълумотлар секторлар ва тармоқлар ўртасидаги меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини солиштириш имкониятини беради. Иқтисодиётда бандлар сонини билган ҳолда биз алоҳида сектор ва тармоқлардаги ижтимоий меҳнат самародорлигини ҳисоблашимиз ва бир кишига тўғри келадиган ишлаб чиқариш миқдори ва даромадларни солиштиришимиз мумкин. Ушбу ҳисобламадаги кўрсаткичларнинг ҳисобланиши услугбиятини батафсил кўриб ўтамиш.

Ресурс кўрсаткичлари. Ресурс қисмининг асосий кўрсаткичи – бозор нархида ЯИМ (иктисодиёт миқёсида) ёки ялпи қўшилган қўймат (ЯҚҚ) (алоҳида сектор миқёсида). Ушбу кўрсаткич ишлаб чиқариш ҳисобламасининг фойдаланиш қисмидан ўtkaziladi. ЯИМ ишлаб чиқариш ва имортта субсидиялар билан бир қаторда даромад ҳосил бўлишининг манбаи ҳам ҳисобланади.

Субсидиялар – бу, давлат томонидан хўжалик бирликлари – резидентларга тўланадиган жорий трансферлар бўлиб, улар бегараз мақсадда маҳсулот ва бозор хизматларини ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчиларга берилади. Улар ҳам ижтимоий-иктисодий сиёsatнинг унсурлари бўлиб, ишлаб чиқарувчи ва импортёрларнинг нархлари ва даромадларига таъсир қилишга йўналтирилган бўлади. Субсидия уз иқтисодий моҳиятига кўра ишлаб чиқариш солиқларига тескари, муқобили тушунчадир, чунки улар фойдага солиқлардан фарқли ўлароқ таъсир қиласди. Ушбу ҳи-

собламада субсидиялар капитал трансфертлардан фарқ қилади.

Капитал трансфертлар ишлаб чиқарувчиларга капитал харажатларни қоплаш, яъни жамғариш, асосий фондларни тиклаш каби харажатларни қоплаш учун берилади.

Субсидияларни давлат томонидан ўй-хўжаликларига бериладиган ёрдам пулларидан фарқлаш керак.

Субсидиялар икки гурухга бўлинади:

1. *Ишлаб чиқаришга субсидия;*

2. *Импортга субсидия.*

Ишлаб чиқаришга субсидия ўз ичига маҳсулотга субсидия ва бошқа ишлаб чиқаришга бошқа субсидияларни олади.

а) Маҳсулотта субсидия – бу, ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизматларнинг ҳар бир бирлигига тўланадиган субсидиялар, улар ҳар бир миқдор бирлиги учун маълум сумма ёки нархнинг маълум бир фоизи меъёрида бўлиши мумкин.

б) Ишлаб чиқаришга бошқа субсидиялар – бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш омилларидан фойданалиши жараёнида давлат бошқарув органларидан олинадиган субсидиялардир. Уларга қўйидагилар киради:

- ишлаб чиқарувчиларга алоҳида меҳнат шароитларидан фойдаланганлиги учун (ногирон ва ишсизларни ишлатиш) тўланадиган субсидиялар;

- ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларидан фойдаланганлиги учун тўланадиган субсидиялар. Масалан, хомашё ва энергиянинг алоҳида турларидан фойдаланганлик учун;

- атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтиришга мойил бўлган ишлаб чиқариш фаолиятига тўланадиган субсидиялар.

Импортга субсидиялар- товар ва хизматларни норезидентлардан сотиб олиб, арzonроқ баҳода резидентларга сотишни амалга оширадиган савдо ташкилотларига бюджет томонидан тўланадиган субсидиялардир.

Экспортга субсидия – товар ва хизматларни резидентлардан сотиб олиб, норезидентларга арzonроқ баҳода сотиш билан шуғулланадиган савдо ташкилотларига давлат бюджети томонидан тўланадиган субсидиялардир.

Даромад ҳосил бўлиши ҳисобламасининг *фойдаланиши кўрсаткичлари* қўйидагилардан иборат:

1. *Иш ҳақи;*

2. *Билвосита солиқлар;*

3. *Ялпи фойда.*

Даромад ҳосил бўлиши ҳисобламасида *иш ҳақи* – иқтисодий худудда барча резидентлар ва норезидентларнинг иш ҳақини ўз ичига олади. Уларга қўйидагилар киради:

- а) Ялпи иш ҳақи;
- б) Корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий сугуртага ҳақиқий ажратмалари;

с) Ижтимоий сугуртага шартли ҳисобланган ажратмалар.

Ялпи иш ҳақи – даромад солиги ва барча ажратмаларгача бўлган иш ҳақини ифодалайди. Мулкчилик шаклидан қатъина-зар барча хўжалик бирликлари учун улар қўйидаги унсурлар-дан ташкил топади:

- таъриф ставкаси, бажарадиган вазифасига кўра, ўртacha иш ҳақи ёки бажарган меҳнати бўйича ҳисобланган иш ҳақи;
- бажарадиган вазифасига кўра ёки тариф ставкаси бўй-ича тўланадиган қўшимча иш ҳақи. Булар:
 - алоҳида шароитларда ишлаганлик учун иш ҳақи;
 - қўшимча ёки кечки ишлар учун иш ҳақи;
 - дам олиш ва байрам кунлари ишлаганлик учун иш ҳақи;
 - чакана нархларнинг ўзгариши муносабати билан тўла-надиган қўшимча иш ҳақи;
 - рафбатлантириш ва мукофотлар;
 - йиллик ва қўшимча таътил учун тўловлар;
 - кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириши (иш-лаб чиқаришдан ажralган холда) пайтидаги сақланган иш ҳақи;
 - ходимларнинг тиббий муассасаларда текширувда бўл-ган пайтларидағи тўловлар;
 - меҳнат шартномасида кўрсатилган фойда қисми;
 - комиссион тўловлар;
 - ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи.

Ўтиш даври пайтида пул шаклидаги иш ҳақи билан бирга натурал шаклдаги иш ҳақи ҳам кенг тарқалган. Натурал шаклдаги иш ҳақи ўз ичига ҳар қандай турдаги истеъмол товарлари ва хизматларини олиши мумкин. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг бун-дай тури қўйидаги мукофотларни ўз ичига олади:

- корхона томонидан ўз ходимларига шу корхонанинг ўзида этиштирилган маҳсулот ва хизматларнинг қиймати;
- иқтисодиётнинг алоҳида соҳаларидағи ишчиларга тақ-дим қилинадиган бепул коммунал хизматлар;
- овқатланиши, товарларнинг қиймати;
- ошхоналарда, буфетларда, профилакторийларда ишлов-чи ходимларга имтиёзли баҳоларда ёки бепул овқатланишини тақ-дим этиш;
- ишчиларни иш жойига идоранинг транспортларида олиб келиш ва олиб кетиш учун тўловлар;
- корхонанинг алоҳида олинган ёлланма ишчилар фойда-сига тўланган суғурта тўловлари;

• корхоналар томонидан нодавлат ижтимоий фондларга ажратылган маблағелар (тиббий сұуартага ажратылган ихтиёрий түловлар ва құшымча нафақалар таъминоти);

• мактабгача тарбия муассасаларида болаларнинг тарбия-ланиши учун түловлар;

• корхонанинг ҳисобламасига ходимлар ва уларнинг оила аъзолари даволаниши, дам олиши учун берилген йўлланма ҳақининг түловлари;

• ходимларга бепул бериладиган акциялар қиймати ва натурал шаклдаги иш ҳақининг бошқа турлари.

Юқорида санаб ўтилган натурал шаклдаги барча түловларнинг турлари ё харидор баҳосида ёки асосий баҳоларда баҳоланади.

Ялпи иш ҳақи қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

а) Ишлаб чиқарыш манфаатлари асосида амалга ошириладиган корхона ва ташкилотларнинг харажатлари:

• берилган маҳсус кийим ва оёқ кийимлари;

• бошқа индивидуал химоя воситалари;

• даволаниш, профилактика таъминотнинг киймати;

• малака оширишга кетган харажатлар (ўқув таътиллари түловлари, степендијалардан ташқари);

• ишчиларни ишга олиб келиш ва олиб кетиш харажатлари.

б) Ишчиларга меҳнати учун мукофот тарзида түланадиган түловлар:

• вақтингчалик ишга яроқсиз пайтидаги түловлар (ишловчи нафақахўрларга нафақалар)

• моддин ёрдам;

• корхона ҳисобидан түланадиган степендијалар;

• дам олиш ва даволаниш учун йўлланмалар ҳақи;

• индивидуал ҳарактерга эга бўлган бошқа түловлар.

с) Корхона ва ташкилотлар томонидан ўз ишчилари ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатиладиган ижтимоий-маданий характердаги хизматлар.

д) Құшымча қасбдаги шахслар меҳнатида түловлар, муаллифтик қалам ҳақлари (гонорарлари) ва иш кабиллар.

МХТ да мавжуд бўлган муаммолардан бирни ходимларнинг йўлланма ишчи ёки мустақил банд бўлган шахсларга ажратилишиди.

Агарда корхона билан шахс ўтасида расмий ёки норасмий битим мавжуд бўлса, унда ишчи йўлланма ишчи ҳисобланади. Бу келинүвига асосан унубу ишчи корхона учун пул ва натурал шаклдаги мукофот учун ишлайди.

Мустақил банд бўлган шахслар – бу ишундай шахсларки,

улар ўз-ўзига ишлайдилар. Уларга тегишли бўлган корхоналар эса алоҳида юридик шахс ёки МХТдаги институтцион бирлик ҳисобланади. Улар аралаш даромадга эга бўладилар.

Тадбиркорлар ўзларининг ёлланма ишчиларини турли хил сабабларга кўра натурал цаклда мукофотлаши мумкин. Масалан, қўшимча солиқча тортишдан яшириниш учун, корхонанинг ҳисобкитоб варагида нақд пулнинг йўқлиги сабабли ва тадбиркорнинг сотилмай қолган маҳсулотлардан қутилиши учун ва ҳоказо.

Корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий суғуртага ажратмалари – уларнинг ижтимоий суғуртага бадалларидан ташкил топади. Бу тўловлар ёрдам пуллари, нафақалар ва аҳолига санитария-курорт хизматлари кўрсатувчи воситалар манбаи ҳисобланади. Ижтимоий суғуртага ажратмалар *ҳақиқий ва шартли ҳисобланган бўлиши мумкин*.

Ижтимоий суғуртага ҳақиқий ажратмалар – ишга ёлловчилар томонидан ёлланма ишчилар фойдасига турли хил ижтимоий суғурта ва нафақа фонdlарига ажратмалардан ташкил топади.

Айрим тадбиркорлар ўз ходимларига ижтимоий суғурта хизматларини таклиф қиладилар. Масалан, тадбиркорлар собиқ ходимларига қўшимча нафақа ёки соғлигини тиклаш учун қўшимча воситалар тўлаши мумкин. Бундай ҳолатда ижтимоий суғуртага шартли ажратмалар ҳисобламага олинади.

Ижтимоий суғуртага шартли ҳисобланган ажратмалар – корхона ва ташкилотлар томонидан ўз ходимлари учун ижтимоий таъминот бўйича тўлайдиган ёрдам пулларини ўзида акс эттиради. Уларга, масалан, корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқаришда ҳалок бўлганларнинг оиласига кўрсатиладиган ёрдам; ишлаб чиқаришда касбий касаллик орттирганларга ёрдам пуллари ва бошқалар киради.

Солиқлар. Солиқлар мажбурий тўлов шаклида корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳолининг давлатга тўлайдиган тўловларидир. Уларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

1. Ишлаб чиқаришга солиқ. Бу ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган барча солиқ ва йигимларни ўз ичига олади. Булар:

а) Маҳсулотта солиқ. Резидент бирликлар томонидан ишлаб чиқарилган ёки сотилган маҳсулот ва хизмат қиймати ёки миқдорига тўғри мутаносиблиқда ундирилади. Улар қўйидагилардан иборат:

- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- реклама солиғи;

• автомобиль йўлларидан фойдаланганлик учун солиқ ва бошқалар.

b) Ишлаб чиқарнишга бошқа солиқлар. У қуйидагилардан иборат:

• курорт зоналарида ишлаб чиқариш обьектларини қурганлик учун;

• ёр ости ва табиий ресурслардан фойдаланганлик учун;

• савдо қилиш ҳуқуқини олиш учун;

• лицензия олиш учун тўлов;

• ёр солиғи;

• тадбиркорлик солиғи;

• ташкилотлар мулкига солиқ.

2. Импортга солиқ. Бу солиқ даромадлар яратиш ҳисобламасида импортга субсидияларни чиқариб ташламай акс эттириладиган солиқлардир. Улар импортга соф солиқ ва субсидиялар суммаси сифатида акс эттирилади. Импортта солиқ КҚС ва импорт тўловларини чиқариб ташлаганда қуйидаги солиқ турларини ўз ичига олади:

a) акциз йигимлари;

b) мутахассислик хизматларига солиқ;

c) импорт монополиясидаги фойдага солиқ.

3. Экспортта солиқ товарлар иқтисодий ҳудуддан чиқарилганда ёки хизматлар норезидентларга кўрсатилганда ундириладиган солиқдир.

Иқтисодиётнинг ялпи фойдаси (аралаш даромад) — даромад яратиши ҳисобламасининг мувозанатлаштирувчи моддаси ҳисобланади. Ўнинг ҳажми ЯИМ дан ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи, шунингдек, ишлаб чиқариш ва импортта соф солиқлар суммаларини айриб ташлаш йўли билан аниқланади.

$$\text{ЯФ} = \text{ЯИМ} - \text{ИХ} - (\text{СОЛ}_{\text{и/ч}} + \text{СОЛ}_{\text{имп}}) - (\text{СУБ}_{\text{и/ч}} + \text{СУБ}_{\text{имп}})$$

Миллий ҳисобламачилик бўйича халқаро статистик ташкилотлар томонидан қабул қилинган таклифларга кўра, фойдани ялпи ва соф шаклда кўрсатили тавсия қилинади. Бунда шунга мос равишда асосий фондларнинг истеъмоли ҳисобламага олинниб ва ҳисобламага олинмай кўрсатилади.

ЯИМ дан ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи ва соф солиқлар чиқариб ташланса, *ялпи фойда* ҳосил бўлади. Ялпи фойдан асосий фондларнинг амортизацияси айриб ташланса *соф фойда* ҳосил бўлади.

Миллий ҳисобламачиликда тадбиркорлик фойдаси булардан ташкари аралаш даромадни ҳам ўз ичига олади.

Аралаш даромад – фойда ва иш ҳақи унсурларини ифодаловчи даромадларнинг турли хил кўринишидир. Ўнинг таркибига хусусий тадбиркорлик (ёлланма ишчиларнинг меҳнатисиз) фаолиятидан келадиган даромад, шахсий томорқа хўжалиги, мустақил қасб фаолиятидан келадиган даромад, муаллифлик қалам ҳақи (гонорар) ва бошқалар киради.

Даромадларни бирламчи тақсимлаш ҳисобламаси

Бу шундай жараёнки – бунда ишлаб чиқаришда қатнашувчиларнинг бирламчи даромадлари даромад яратиш ҳисобламасида ўз аксини топмайди.

Унинг мақсади – маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида яратиладиган бирламчи даромадларни, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш натижасида институтцион бирликлар ўртасида тақсимланишини акс эттиришдан иборат.

Даромадларни бирламчи тақсимлаш ҳисобламасининг схемаси қўйидагича:

<i>Фойдаланиш</i>	<i>Ресурс</i>
6. Ташкин дунёга берилган музик даромади; 7. Ишлаб чиқарини ва импортга субсидиялар; 8. Бирламчи даромадлар салъосин (5-6-7)	1. Яшни фойда ва яшни аралаш даромад; 2. Ёлланма ишчиларнинг меҳнат ҳақи; 3. Ишлаб чиқарини ва импортга солик; 4. «Ташкин дунёдан олинган музик даромади
9. Жами (6+7+8)	5. Жами

Бирламчи тақсимлаш ҳисобламасида – уй хўжаликлари-нинг тадбиркорлик фаолиятидан оладиган аралаш даромадлари; ёлланма ишчиларнинг ўз меҳнатидан оладиган даромадлари; давлат бошқарув органларининг ишлаб чиқариш ва импортдан оладиган солиқлари; молия муссасалари ва номолия ташкилотларининг оладиган фойдаси акс эттирилади.

Даромадларни бирламчи тақсимлаш ҳисобламасининг ресурс қисми иккита асосий даромаддан ташкил топади.

1. Бирламчи даромадлар. Бу ишлаб чиқарини жараёнида бевосита иштирок этган резидент институтцион бирликларнинг бирламчи даромадлари ёки давлатнинг ишлаб чиқарини ва импортга солиқларидан иборат. Булар ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи, ишлаб чиқарини ва импортга солиқ, ташкилотларнинг аралаш даромади ёки фойдасидир.

2. Хусусий молиявий активлардан олинган даромадларга мулқдан олинадиган даромад киради.

Мулқдан олинган даромад бошқа бирликларга фойдаланиш учун берилган ноишлаб чиқарини активлари ва молиявий активлардан олинган бирламчи даромадлардир.

Бу ерда ноишлаб чиқариш активлари номолиявий активлар бўлиб, унда кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида пайдо бўлмасдан, балки табиат инъоми, яъни табиий ресурслар ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва импортга солиқларнинг барчаси давлат ташкилотлари учун бирламчи даромад сифатида қаралади.

МХТ да мулкдан даромад қўйидаги шаклларда таснифланади:

a) Фонзлар;

b) Корпорацияларнинг тақсимланган даромадлари (дивидентлар);

c) Суғурта полиси эгаларининг мулкдан келадиган даромадлари;

d) Рента.

Даромадларни бирламчи тақсимлаш ҳисобламасининг фойдаланиш қисмида фақат мулкдан даромад акс эттирилади. Бу даромадга институтцион бирликлар, кредиторлар сектори ёки акционерлар, ер эгалари ва бошқалар эга бўладилар.

Ҳисобламанинг баланслаштирувчи моддаси – *бирламчи даромадлар сальдоси* ҳисобланади. Улар тўланган бирламчи даромадларни чиқариб ташлангандан кейин қоладиган институтцион бирлик ва секторлардан олинадиган даромадларнинг умумий суммаси сифатида белгиланади.

Даромадларни иккиласмачи тақсимлаш ҳисобламаси

Бу ҳисоблама – иқтисодиётнинг институтцион бирлик ва секторнинг бирламчи даромадларини, ижтимоий трансфертларини ҳисобламага олмаган ҳолда жорий трансфертларни тўлаш йўли билан уларни ўз ихтиёридаги даромадларга трансформациялаш натижасида ҳосил бўладиган сальдони кўрсатади.

Бу ҳисобламанинг вазифаси – мамлакат иқтисодиётининг ёки бир секторнинг ҳисботот даври мобайнида ўзининг харатжатларини молиялаштириш учун сарфланиши мумкин бўлган максимал суммани акс эттиришдан иборат.

Даромадларни иккиласмачи тақсимлаш ҳисобламасининг схемаси қўйидаги кўринишга эга.

<i>Фойдаланиш</i>	<i>Ресурс</i>
4. «Ташки дунё» та берилган жорий трансфертлар;	1. Бирламчи даромадлар сальдоси (яшни),
5. Яшни милий иштирекдаги даромад (3-4)	2. «Ташки дунё»дан олинган жорий трансферлар.
6. Жами: (4+5)	3. Жами: (1+2)

Иккиласмачи тақсимлаш секторлар ўргасида олинган даромадларни қайта тақсимланни ўзида акс эттиради. Уй хўжаликлари ижтимоий сұхуртага ажратмалар ва даромад солиги тўлайдилар.

МХТда бошқа жорий трансферлар деб таърифланған ихтиёрий бадалларни ижтимоиј ташкылолтарга тұлайдилар. Лекин шу билан биргә турлы хил ижтимоиј тұловларга ҳам эга бўладилар. Булар, ижтимоиј сұғурта бўйича ёрдам пуллари, нафақа ва бошқалар.

Корхоналар фойдага солиқ ва нотижорат ташкылолтарга бадаллар тұлайдилар. Шу тарзда барча секторлар ўз даромадларининг маълум бир қисмими алмашадилар.

Сектор ҳисобламаларида бундай операциялар иккитеңлема ёзув тамойилига асосланиб, ҳисоблама варакәлдарда иккى марта акс эттирилади. Масалан, даромад солигини тұлаш уй хўжалиги секторининг фойдаланиши қисмида (-) минус белгиси билан, давлат сектори ҳисоблама варагининг ресурс қисмида (+) плюс белгиси билан ифодаланади.

Ҳар қандай секторларда бундай операцияларнинг акс этирилиши натижасида *ялпи ихтиёридаги даромад (ЯИД)* ҳосил бўлади, бутун иқтисодиёт бўйича эса *ялпи ихтиёридаги миллый даромад (ЯИМД)* ҳосил бўлади.

ЯИМД – ҳар бир институтцион бирлик, ҳар бир сектор ва бутун иқтисодиёт бўйича ўз қарзларининг ҳажмини оширмасдан ва ўз активларининг (пул воситалари ресурслари, валюта ва ҳакозолар) ҳажмини камайтирмасдан пировард истеъмол ва жамғарма учун сарфланган энг максимал суммадир.

ЯИМД – ҳисобламанинг баланслаштирувчи моддаси ҳисобланади. У институтцион бирликларнинг бирламчи даромад сальдосига натура шаклдаги ижтимоиј трансферлардан ташқари барча жорий трансферларни қўшиш ва ундан ушбу бирлик ёки сектор томонидан олинган барча жорий трансферларни айриши йўли билан аниқланади. Булар «Ташқи дунё» ҳисобламида амалга оширилади.

Ҳисобламанинг барча операциялари – трансферлардир.

Трансферлар – бир институтцион бирлик томонидан бошқа бир институтцион бирликка беғараз бериладиган товар, хизмат ёки активлардир. Булар ҳам операциялар сифатида белгиланади. Трансферлар пул ва натура шаклда бўлини мумкин.

Пул шаклдаги трансфер – бир институтцион бирликнинг бошқа бир институтцион бирликка ҳеч қандай эквивалент олмасдан ўтказган тұлов ёки тұланған нақд пулларидир.

Натура шаклдаги трансферлар – нақд пулдан ёки кўрсатилган хизматдан ташқари товар ёки активларни бир институтцион бирликнинг бошқасига ҳеч қандай эквивалент олмасдан берилшипидир.

Бу ҳисобламада *жорий ва капитал трансферларни* бирбиридан фарқланы лозим.

Капитал трансферларнинг асосий ҳусусияти шундаки, агар улар натурал шаклда бўлса, моддий айланма воситалари ресурсларидан ташқари, унда активларга бўлган мулк ҳукуқини ўтказиб юборишни билдиради.

Агар трансферт пул шаклида бўлса, унда у бир ёки бир неча қатнашувчилар томонидан активларни сотиб олиш ёки ўтказиб юбориш билан боғлиқ бўлади.

Қолган барча трансферлар *жорий трансферларга киради* (натура шаклидаги ижтимоий трансферлардан ташқари).

Бу ҳисобламада умумлаштирилган трансферлар таснифи қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. *Даромад, бойлик ва бошқаларга жорий солик;*
2. *Ижтимоий суғуртага ажратмалар;*
3. *Ижтимоий нафақа;*
4. *Бошқа жорий нафақалар.*

Даромадлар тақсимланишининг жамлами ҳисобламаси. Ушбу ҳисобламада давлатнинг иқтисодиёт миқёсида ва бошқа давлатлар билан алоқаларини ҳисобга олган ҳолда даромадларнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши акс эттирилади.

Даромадлар тақсимланиши жамлами ҳисобламасининг схемаси қўйидаги кўринишга эга:

<i>Фойдаланиш</i>	<i>Ресурс</i>
7. Ишлаб чиқариш ва импортга субсидия; 8. «Ташқи дунё» га берилган мулк даромадлари; 9. «Ташқи дунё»га берилган жорий трансферлар;	1. Иқтисодиётнинг ялни фойдаси; 2. Ишчиларнинг меҳнат ҳақи;
10. Ялпи миллий ихтиёридаги даромад (ЯМИД) (6 -7- 8 - 9)	3. Ишлаб чиқариш ва импортга солик; 4. «Ташқи дунё»дан олинган мулк даромадлари;
<i>Жами (7+8+9+10)</i>	5. «Ташқи дунё»дан қабуғт қилинган жорий трансферлар
	<i>Жами (1+2+3+4+5+)</i>

Ушбу ҳисобламанинг ресурс қисмида ишлаб чиқариш фаолиятидан тушган даромадлар (ялпи фойда, ишчиларнинг иш ҳақи, ишлаб чиқариш ва импортга соликлар) ва бошқа қайта тақсимланган даромадлар (мулкдан тушган даромад, ва жорий трансферлар) киради.

Фойдаланиш қисмида субсидиялар ва бошқа давлатларга бериладиган мулк ва тадбиркорлик даромадлари ҳамда жорий трансферлар акс эттирилади. Баланслаштирувчи модда эса ялпи миллий ихтиёридаги даромад (ЯМИД) ҳисобланади.

Ҳисобламанинг ресурслар қисмидаги иқтисодиётнинг ялпи

фойдаси ушбу ҳисобламага даромадлар ҳосил бўлиш ҳисобла-
масидан ўтказилади ва ушбу ҳисобламада бошлангич кўреат-
кич ҳисобланади.

Меҳнат ҳақига қўйидагилар киради:

1. Резидент хўжалик бирликлари томонидан резидент
ишчиларга тўланадиган иш ҳақи;

2. Норезидент хўжалик бирликлари томонидан резидент
ишчиларга тўланадиган иш ҳақи.

Ишлаб чиқариш ва импортга солиқларга қўйидагилар
киради:

1. Ишлаб чиқарувчи резидент бирликлар томонидан дав-
латга тўланадиган солиқлар (бу даромад ҳосил бўлиш ҳисобла-
масидан ўтказилади);

2. Ишлаб чиқарувчи норезидент бирликлар томонидан дав-
латга тўланадиган солиқлар (ташқи иқтисодий алоқалар
жорий операциялари ҳисобламасидан ўтказилади).

«Ташқи дунё» дан олинган мулк даромадлари – хўжалик
бирликлари томонидан молиявий активлар, ер ва номоддий но-
молиявий активлар (муаллифлик ҳуқуқи, патент, товар белги-
лари ва ҳакозолар) ни «Ташқи дунё» га фойдаланишга берган-
лиги учун олинадиган даромадлардир.

«Ташқи дунё» дан қабул қилинган жорий трансферлар –
тўловчининг жорий даромадларидан ажратилиб, қабул қилув-
чининг жорий даромадларига қўшилади. Уларга қўйидагилар
киради:

- баҳтсиз ходисаларга қарши сұғурталар;
- мулк ва даромадга жорий солиқлар;
- ижтимоий сұғуртага ҳақиқий ажратмалар;
- мажбурий тўловлар ва йиғимлар (автоинспекция йи-
ғимлари, паспорт олини учун тўловлар, язиний хатти-ҳаракат-
лар натижасида жабрланганларни даволаш тўловлари);
- жарималар;
- кўнгиллилик бадаллари.

Даромадлар тақсимланишин жамлама ҳисобламасининг
фойдаланиши қисмида қўйицаги кўрсаткичлар аке эттирилган:

– ишлаб чиқариш ва импортга субсидиялар – давлат то-
монидан резидент хўжалик бирликлари учун тўланадиган суб-
сидиялардир;

– «Ташқи дунё» га берилган мулк даромадлари – хўжалик
бирликлари томонидан молиявий активлар, ер ва номоддий ак-
тивлардан фойдаланганлиги учун эгаларига тўланадиган тў-
ловдир;

– «Ташқи дунё» га берилган жорий трансферлар – «та-

шқи дунё» дан қабул қилинган жорий трансферларга тескари тушунчадир.

— ялни ихтиёридаги миллий даромад — тақсимлаш ҳисобламасининг баланслантирувчи моддаси ҳисобланади ва барча қабул қилинган даромадлар билан берилган даромадлар фарқини билдиради.

Даромадлардан фойдаланиш ҳисобламаси

МХТнинг даромадлардан фойдаланиш ҳисобламаси ялни миллий мавжуд даромадни якуний миллий истеъмолга ҳамда ялни миллий жамғармага ишлатилишини ифодалайди.

Даромадлардан фойдаланиш ҳисобламасининг схемаси кўйидаги кўрнишига эга:

<i>Фойдаланиш</i>	<i>Ресурслари</i>
1. Якуний миллий истеъмол; шу жумладан: ➤ Уй-хўжалиги; ➤ Давлат муассасалари; ➤ Уй-хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ижтимоний ташкилотлар.	1. Ялни миллий мавжуд даромад
4. Ялни миллий жамгарма	
5. Жами	2. Жами

Даромадлардан фойдаланиш ҳисобламасининг ресурс қисмida битта кўрсаткич — **ялни миллий мавжуд даромад** акс эттирилади. Бу кўрсаткич ушбу ҳисобламага даромадларни тақсимлаш ҳисобламасидан ўтказилади.

Ҳисобламанинг фойдаланиш қисмida эса иккита кўрсаткич — **якуний миллий истеъмол ва ялни миллий жамгарма** ифодаланади.

Якуний миллий истеъмол — кишиларнинг якка тартибдаги ва жамоа истеъмолини қондириши мақсадида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлари қийматини ифодалайди. У ўз ичига уй хўжалиги, давлат муассасалари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотлар истеъмолини олади.

Уй-хўжаликларининг якуний истеъмоли ўз ичига қўйида гиларни олади:

- қисқа ва узоқ мuddатга фойдаланиладиган товарлар;
- кўрсатилган истеъмол хизматлари;
- квартира ҳақи ва коммунал хизматлар ҳақи;
- маишӣ хизматлар ҳақи (ҳамном, кир ювиш, сартошона, прокат, маълумот берини хоналари ва ҳакозолар);
- уй хўжаликларининг шахсий истеъмол учун ишлаб чиқаргани маҳсулотлари қиймати;
- корхона ва ташкилотлар томонидан ўз ишловчилари

нинг оила аъзоларига беңул кўрсатиладиган, ижтимоий-маданий хусусиятга эга бўлган хизматлар (корхоналар қошидаги касалхоналар, стадион, клуб, дам олиш ўйлари).

Уй хўжаликларининг якуний истеъмолига қўйидагилар кирмайди:

1. Уй-жой ва квартиralар сотиб олиш (бу асосий фондларнинг ялпи жамғармасига киритилади);

2. Ишлаб чиқарни мақсадида товарлар сотиб олиш ва бошқа харажатлар (бу оралиқ истеъмолга киради);

- қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, маҳсус кийим-кечак ва бошқалар;

- ветеринария тўловлари, юридиқ хизматлар;

- квартира, уй-жойларни жорий таъмирлаш учун материаллар сотиб олиш.

Давлат муассасалари ва уй-хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотларнинг якуний истеъмолига қўйидагилар киради:

- алоҳида кишиларга кўрсатган бепул хизматлари;

- соғлиқни сақлаш;

- фан, маданият ва санъат;

- умумий бошқарув, мудофаа ва бошқалар.

Давлат муассасалари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотларнинг якуний истеъмолига қўйидагилар кирмайди:

1. Товарлар савдоси:

- хўжалик хисобидаги ташкилотлар ва муассасаларга кўрсатиладиган пуллик хизматлар қиймати;

- баъзи бир товар ва хизматларни сотишдан тушган пуллар.

2. Давлат муассасалари ва уй-хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотларнинг уй хўжаликларига берган технологик хизмат жараёнлари билан боғлиқ бўлмаган, қайта ишланмаган маҳсулотлар қиймати (улар уй хўжаликларининг натурал шаклдаги якуний истеъмолига киради);

3. Корхона ва ташкилотлар ходимларига ёки уларнинг оила аъзоларига кўрсатиладиган ижтимоий-маданий хизматлар (улар уй хўжаликларининг якуний истеъмолига киради).

Бепул кўрсатилган хизматлар қиймати корхона ва ташкилотларнинг жорий харажатлар суммасига мувофиқ аниқланади.

Давлат муассасаларининг жорий харажатларига узоқ муддатта фойдаланиладиган ҳарбий техника ва асбоб-ускуналар (бунга ҳарбий хизматчилар учун озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар киритилмайди), шунингдек ҳарбий обьектларни қуриш қиймати, давлат захиралари учун маҳсулот сотиб олиш ҳам киради.

Ялпи миллий жамғарма – даромадлардан фойдаланиш ҳисобламасининг баланслаштирувчи моддаси ҳисобланади. У ялпи миллий ихтиёридаги даромад билан якуний миллий истемол ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб ҳосил бўлади.

Капитал харажатлар ҳисобламаси

Капитал харажатлар ҳисобламаси – асосий ва айланма фондларнинг номоддий ва молиявий активлар, шунингдек, уларнинг таъминот манбаларининг жамланиш жараёнини ифодалайди.

Капитал харажатлар ҳисобламасининг схемаси қўйидаги-ча кўринишга эга:

Фойдаланиш	Ресурс
1. Асосий фондларнинг ялпи жамланиши;	1. Ялпи миллий жамғарма;
2. Моддий айланма воситаларининг ўзгариши;	2. «Ташқи дунё»дан олинган капитал трансферлар.
3. Сотиб олинган ер ва бошқа номоддий активлар;	
4. «Ташқи дунё»га берилган капитал трансферлар;	
5. Соф кредит (+) ёки соф қарзлар (-).	
6. Жами	3. Жами

Капитал харажатлар ҳисобламасининг ресурс қисмидаги ялпи миллий жамғарма қўрсаткичлари даромадлардан фойдаланиш ҳисобламасидан олинади.

Асосий фондларнинг ялпи жамғарилиши қўрсаткичи ҳозиргача қўлланилиб келинган асосий фондларнинг ўсиш қўрсаткичларига тўғри келади. Бу ҳисобламанинг мувозанатлаштирувчи ҳисобламаси соф кредит (+) ёки соф қарзлар (-) ҳисобланади.

Улар қўйидагича ифодаланади:

$$СКК = ЯМЖ + КТ_{БДО} - ЯЖ_{АФ} - ЗҮ_{AB} - A_{ЕИ} - КТ_{БДВ}$$

Бу ерда: СКК - соф кредит ёки соф қарзлар;

ЯМЖ - ялпи миллий жамғарма;

КТ_{БДО} - капитал трансферлар (*бошқа давлатлардан олинган*);

ЯЖ_{АФ} - асосий фондлар ялпи жамланиши;

ЗҮ_{AB} - моддий айланма воситалари захираларининг ўзгариши;

A_{ЕИ} - сотиб олинган ер ва бошқа номоддий активлар;

КТ_{БДВ} - капитал трансферлар (*бошқа давлатларга берилган*).

Иккисодиёт бўйича соф кредит (+) ёки соф қарзлар (-) соф ресурслар миқдорини қўрсатади. Қайсики давлат «Ташқи дунё»га буни таклиф этади ёки «Ташқи дунё» бу давлатга тақдим этади.

Товар ва хизматлар ҳисобламаси

Товар ва хизматлар ҳисобламаси иқтисодиёт миқиёсида товар ва хизматларнинг умумий ресурслари ва шу ресурслардан фойдаланиш ўзгаришини ифодалайди.

Товар ва хизматлар ҳисобламасининг схемаси қўйидагича:

Фойдаланиш	Ресурс
5. Оралиқ истеъмол; 6. Якуний истеъмол; 7. Асосий фондларнинг ялпи жамғармаси; 8. Моддий айланма воситалар заҳираларининг ўзгариши; 9. Маҳсулот ва хизматлар экспорти	1. Ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар; 2. Маҳсулотларга солик; 3. Маҳсулот ва хизматлар импорти; 4. Импортга солик.
Жами	Жами

Унбу ҳисобламанинг ресурслари асосан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар, маҳсулотларга солик, маҳсулот ва хизматлар импорти, импортга соф соликлардан ташкил топади.

Ҳисобламанинг фойдаланиши қисмида эса оралиқ истеъмол ва якуний истеъмол, асосий фондларнинг ялпи жамғармаси, моддий айланма воситалари заҳираларининг ўзгариши ҳамда маҳсулот ва хизматлар экспорти акс эттирилади.

Товар ва хизматлар билан боғлиқ бўлган барча ичкни ҳисобламалар бошқа ҳисобламалар тизимидан ўтказилади. Ҳисобламанинг ресурс қисми кўрсаткичлари бўлган ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар, маҳсулотларга солик, импортга соф солик бу ҳисобламага ишлаб чиқариш ҳисобламасидан ўтказилади.

Ҳисобламанинг фойдаланиши қисмидаги оралиқ истеъмол ишлаб чиқариш ҳисобламасидан, якуний истеъмол даромадлардан фойдаланиш ҳисобламасидан, асосий фондларнинг ялпи жамғармаси, моддий айланма воситалари ресурсларининг ўзгариши капитал харажатлар ҳисобламасидан ҳамда маҳсулот ва хизматлар экспорти эса ташқи иқтисодий алоқалар ҳисобламасининг жорий операциялар ҳисобламасидан олинади.

Молия ҳисобламаси. *Молия ҳисобламаси асосан мамлакатдаги молиявий актив ва пассивларнинг ўзгаришини, иқтисодиётдаги молиявий ҳолатта ҳамда капитал харажатларга баҳо беради.*

Молия ҳисобламасининг схемаси қўйидаги кўринишга эга:

Фойдаланиш	Ресурс
4. Молиявий активларга эга бўлин	1. Кабул килинган молиявий маъжбуриятлар; 2. Соф кредит ёки соф карзлар
5. Жами	Жами

Молия ҳисобламасида молия операциялари каби номолия операциялари ҳам акс эттирилади. Кўпчилик номолиявий операциялар товар ёки номолиявий активларга эга бўлиш хукуқи билан боғлиқ. Масалан, товар ва хизматларни сотиб олишда харидорнинг нақд пул ёки депозит активлари камаяди, сотувчи-ники эса кўпаяди. Товар ва хизматларни кредитта беришда сотувчининг молиявий талабномаси вужудга келса, харидорда эса молиявий мажбурият вужудга келади. Бу эса дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ошишига олиб келади.

Номолиявий активлардан молиявий активлар шуниси билан фарқ қиласиди, молиявий активлар ўзида бошқа иқтисодий бирликларга талабномани акс эттиради. Бу ерда бир иқтисодий бирлик кредитор, иккинчиси эса дебитор ҳисобланади.

Молиявий активларнинг таснифланиши қўйидагича:

1. Олтин монета ва ўзлаштириш хукуқи;
2. Нақд пул ва депозитлар;
3. Кимматбаҳо қоғозлар (акциядан ташқари);
4. Заёмлар;
5. Акциялар ва капиталда иштирок этишининг бошқа турлари;
6. Сутурта ресурслари;
7. Дебитор ва кредиторларнинг бошқа ҳисобламалари.

6.2. Ташқи иқтисодий алоқалар ҳисобламаси

Ташқи иқтисодий алоқалар қўйидаги З ҳисобламада ўз аксини топади:

1. Жорий операциялар ҳисобламаси – давлатлар ўртасидаги товар ва хизматлар олди-сотди жараёнини ифодалайди. Бу ҳисобламанинг баланслаштирувчи моддаси – жорий операциялар қолдиги бўлади.

1. Жорий операциялар ҳисобламаси

РЕСУРС	ФОЙДАЛАНИШ
Боника давлатлардан экспорт эвазига олинадиган даромад	Резидент бўлмаганларнинг жории даромади
Резидент бўлмаган уй хўжаликлари сотиб олган товар ва хизматлар	Резидент бўлмаганларнинг иш ҳақи Ишлаб чикарилгага ва импортга соликлар
Резидентларнинг резидент бўлмаганларни ёлгани ҳисобига олган иш ҳақи	Жорий операцияларнинг қолдиги
Боника давлатлардан олинадиган музик, таъбиркорлик ва трансферт даромади	
Жами	Жами

Капитал ҳаражатлар ҳисобламаси

Капитал ҳаражатлар ҳисобламаси – асосий ва айланма фонди, номоддий активларга тегишли бўлган ташқи иқтисодий операцияларни ифодалайди. Юқорида назарий жиҳатдан тавсифлаб берилган ички ҳисобламаларнинг тузилиши қуидагича бўлади:

15-жадвал

Ишлаб чиқариш ҳисобламаси (млн. сўм)

Фойдаланиш	Қиймати	Ресурс	Қиймати
Оралиқ истеъмол	1883	Махсулот ишлаб чиқариш	3737
Ялпи кўшилган қиймат	1854		
ЖАМИ	3737	ЖАМИ	3737

16-жадвал

Даромадларни ҳосил бўлиш ҳисобламаси (млн. сўм)

Фойдаланиш	Қиймати	Ресурс	Қиймати
Ишловчиларни меҳнат ҳақи	762	Ялпи кўшилган қиймат	1854
Ишлаб чиқаришга солиқлар	191	Ишлаб чиқаришга субсидиялар	
Ялпи фойда	1360		459
ЖАМИ	2313	ЖАМИ	2313

17 -жадвал

Даромадларни тақсимланиш ҳисобламаси

Фойдаланиш	Қиймат	Ресурс	Қиймати
Мулкдан олинган даромад (хорижга берилган)	399	Ялпи фойда	1360
Хорижга берилган жорий трансферлар	212	Ишловчиларни меҳнат ҳақи	762
Ялпи миллӣ мавжуд даромад	2357	Ишлаб чиқаришга солиқлар	191
		Мулкдан олинган даромад Хориждан олинган жорий трансферлар	416
ЖАМИ	2968	ЖАМИ	239
			2968

18-жадвал

Даромадлардан фойдаланиш ҳисобламаси

Фойдаланиш	Қиймат	Ресурс	Қиймати
Якуй истеъмол ҳаражатлари	1399	Ялпи миллӣ мавжуд даромад	2357
Ялпи жамғаринш шу жумладан:	958		
* Асосий капитал истеъмоли	312		
* соғф жамғаринш	646		
ЖАМИ	2357	ЖАМИ	2357

Капитал ҳаражатлар ҳисобламаси

Фойдаланини	Киймат	Ресурс	Кийматы
Асосий капиталдин ялни жамаланини	639	Ялни мидлий жамғарини	958
Моддий айланма воситаляр	28	Соғ капитал трансфертлар	-3
захираларининг ўзгарини			
Ер ва бопкә номоджий активларни			
сотиб олини	10		
Соғ кредит (+) ёки соғ карзлар(-)	278		
ЖАМИ	955	ЖАМИ	955

Қисқача хуросалар

Хуроса қилиб айтганда, МХТнинг асосий ҳисобламалари иқтисодий фаолиятнинг доиравий айланнишини характерлаб беради. Агар МХТни ички ва ташқи иқтисодиётни характерловчи асосий ҳисобламалари тўғри ишлаб чиқиладиган бўлса, мамлакатда ишлаб чиқариш жараёни, даромадлар ва уларни тақсимланиши, асосий ва айланма воситалар ва пул маблағлари характери ҳамда бошига шу каби масалалар реал кўрсатиб берилади. Бу эса мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётини статистик жиҳатдан кенгроқ ўрганишга имкон беради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. МХТининг асосий ҳисобламаларини тузишдан мақсад нима?
2. Ички иқтисодиётни қайси ҳисобламалар характерлаб беради?
3. Ташқи иқтисодий алоқаларни қайси ҳисобламалар ифодалайди?
4. Ҳисобламанинг баланслаштирувчи моддаси деганда нимани тушунасиз?
5. Ҳисобламанинг етишмайдиган кўрсаткичлари қандай йўл билан олиниади?
6. Сектор ва тармоқлар учун қандай ҳисобламалар ишлаб чиқилади?

Асосий адабиётлар

1. Кулагина Г.Д. Национальное счетоводство. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 1997.
2. Национальное счетоводство. Учебник. Под.ред. Б.И. Башкатов – М.: Финансы и статистика, 2002.
3. Макроиқтисодий статистика. Ўқув қўлланма. С. С. Фуломов таҳрири остида. – Т.: Дитаф, 2001.
4. Рябушкин Б.Т. Национальные счета и экономические балансы. Практикум. – М.: Финансы и статистика, 2002.
5. Сайдова Г. Ўтиш даврида Ўзбекистондаги макроиқтисодий муоммолов. – Т.: «Бозор, пул ва кредит» журнали, 1998 № 1-2, 17-21 б.

VII боб

ЎЗБЕКИСТОНДА МҲТНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ МОАММО- ЛАРИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

7.1. Ўзбекистонда МҲТ ҳисобламаларини ишлаб чиқишдаги асосий муаммолар

XX асрнинг сўнгти ўи йиллиги тарихига ижтимоий дунё-қарашда, жаҳон ҳамжамиятининг жуғрофий-сиёсий (геополитик) тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб киради.

Жаҳон янги даврга қадам қўйди. Бу даврнинг ўзига хос белгилари, бир томондан, давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ва ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий маконларнинг вужудга келиши, ягона халқаро меъёрлар (нормалар), қоидалар ва андозаларга ўтиш бўлса, иккинчи томондан, социалистик лагернинг емирилиши, унитар тизимлар ўрнида ёш, мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир.

Ўзбекистон иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказишида давлат статистика органларининг роли катта.

Ўзбекистонда ҳозиргача амал қилган статистика ва ҳисобот тизими иқтисодиётни маъмурий буйруқ билан бөшқариш шароитида вужудга келган бўлиб, у марказлаштирилган режалаштириш услубиятига ва ялни статистик кузатишга асосланган.

Кўрсаткичлар тизими таркиби вазирликлар ва маъмуриятларни бощқарини заруриятидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, бозор муносабатлари талабаларига жавоб бера олмайди.

Ушбу тизимда давлатнинг молиявий аҳволи, шул муомаласи кредит, тадбиркорликнинг янги тузилмасига оид кўпгина кўрсаткичлар йўқлиги иқтисодиёт, сиёsat ва маънавий ҳаётда юз берастган жараёнларни тўлалигича ҳисобга олиш, таҳлил қилишида қийинчиликлар туғдирмоқда. Шунингдек, амалдаги ҳисбот ва статистика тизими жаҳон талаблари даражасида эмас. Бу эса Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришига ҳамда халқаро ҳамжамиятлар билан бирикишида тўсқинлик қилмоқда. Республикаизда статистика органлари мил-

лий ҳисоблар тизимини жорий этиш масалалари билан шуғулланишмоқда. Лекин МХТ түлиқ жорий этилмаган. Молия ҳисобламаси, актив ва пассив баланслар ишлаб чиқилмаган, сектор ва тармоқ ҳисобламасини услугбий ўзаро боғланиши таъминланмаган. Бунинг асосида МХТ умумлашган молия-кредит кўрсаткичларини ҳисоблаш услубияти йўқлиги ётади. Минтақавий даражаларда ишлаб чиқариш ҳисобламасидан бошқа ҳеч қандай ҳисоблама ишлаб чиқилмаган. Шунга қарамай статистикада методологик ва информацион характердаги муаммолар аниқланди, уларни ечиш ҳар доим мутахассис-статистикларни дикқат марказида туради. Шунга қарамай қўйидаги муаммоларни ҳал қилиш зарур:

- миллий ҳисобламалар кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича солиштирма баҳолар йўқлиги;
- миллий ҳисоблар тизими қоидаларига бухгалтерия ҳисобининг мос келмаслиги;
- ноформал иқтисодиёт параметрларини баҳолашни номуккамаллиги;
- ишлаб чиқариш ва истеъмол усулида ЯИМни баҳолашдаги номувофиқлик;
- ахборот муаммолари (статистик регистр ва маълумотларни тўплаш, халқаро таснифлаш) ва х.к.

Бу муаммоларни ҳал этишнинг энг муқобил йўли халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизимига ўтишдир. Ушбу тизим миллатлараро ҳисбот ва статистика тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда ҳозирги замон иқтисодий ривожланишини, унинг қонуниятлари, йўналишларини реал тасвирлашга асосланган.

Ўзбекистонда ҳисоб ва статистикани халқаро андозалар даражасига чиқариш учун қўйидаги йўналишларда иш олиб борилиши керак:

- давлат статистика, бюджет ҳамда банк статистикасида пул статистикаси ва банк ҳисботини тақомиллаштиришга қаратилган туб ўзгаришларни амалга ошириш;
- бухгалтерия ва банк ҳисботида халқаро талабларга жавоб берадиган янги ҳисоб режаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

- статистикани ишончли ва доимий ахборот билан таъминлаш учун корхона-ташкилотларнинг регистрларини ишлаб чиқиш;

Шунингдек, халқаро талабларга жавоб берадиган ҳисобот ва статистикани жорий қилишда иштирок этадиган мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлашига эътиборни янада кучайтириши лозим.

7.2. Ўзбекистонда МХТни жорий қилиши борасида асосий вазифалар

Ўзбекистон статистика амалиётида МХТни жорий қилишда қўйидаги ишларни амалга ошириши зарур:

– Ўзбекистон иқтисодий тизимининг турли қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тўлалигича акс эттириш мақсадида институцион бирликлар аниқланиши ва уларни секторлар, тармоқлар бўйича гурухлаш;

– МХТнинг ҳисоб бирлигини аниқлаш мақсадида иқтисодий операцияларнинг барча турларини аниқлаш ва гурухлаш;

– иқтисод секторлари ўртасидаги муносабатларни кўрсатувчи восита сифатида ҳисоблар тизимини ва уларнинг баланслантирувчи моддасини аниқлаш;

– миллӣ иқтисодиётнинг аҳволини таҳлил қилиши ва истиқболларини белгилаш мақсадида жамлама кўрсаткичлар жадвалини тузиш;

– бухгалтерия ҳисобини халқаро андозаларга мослантириш;

– номоддий активларни (фирма номи, маркаси, лицензияси, ноу-хау ва бошқалар) ҳисобга олиш.

Айрим ҳисоблар ёзуви андозаларга мос келмайди, бу эса харажатларнинг кўпайиши ёки камайинига олиб келади. Натижада солиқ ҳамда МХТдаги кўрсаткичларни ҳисоблашда ионаниқликлар содир бўлади. Масалан, турли ижтимоий ташкилотларнинг даромад ва харажатларини, ҳарбий - саноат мажмуи, чет элдаги дипломатик ва бошقا институтларни сақдани харажатлари, шундай хорижий ташкилотларнинг худудимиздаги фАОлияти, давлат захиралари, яширин иқтисодиёт ва ҳоказолар.

Күп соҳалар бўйича статистика ташкилотларига ахборотлар тақдим этилмайди. Статистика ташкилотларида тақдим этилаётган молия, кредит, соғлиқни сақлаш, адлия, давлат захиралири, ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги маълумотлар тадабга жавоб бермайди.

Маълумотларни тўплаш тартибини қайтадан кўриб чиқиши лозим. Йирик давлат корхоналари бўйича ҳисоботлар тизими ни сақлаб қолиш, майда ва ўрта корхоналар бўйича танланма қузатишини кучайтириш лозим. Баҳони тўғри қайд қилиш ва баҳо индексларини ҳисоблаш ишларини илмий тарзда ташкил қилиб, «истеъмол корзинаси» меъёрларини ишлаб чиқиши талаб қилинади.

Қисқача хуросалар

Хуроса қилиб айтганда, МҲТни республикамиз ҳисоб ва статистикасига жорий қилиш анча мураккаб иш.

Бухгалтерия ва банк ҳисботида халқаро талабларга жавоб берадиган янги ҳисоб режаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, секторлар ва кичик секторлар, иқтисодий операциялар ва шу каби таснифлагичларни тузиш лозим.

МҲТни ишлаб чиқишида энг асосий вазифалардан бири халқаро талабларга жавоб берадиган ҳисбот ва статистикани жорий қилишда иштирок этадиган мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини оширишdir.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ўзбекистон ҳисоб ва статистикасининг бугунги кундаги ахволини изоҳланг.

2. МҲТни жорий қилишдаги муаммолар.
3. МҲТни ишлаб чиқишидаги асосий вазифалар.
4. МҲТ асосий ҳисобламаларини ахборот базасидаги муаммоларни тушунтиринг.

Асосий адабиётлар

1. Кулагина Г.Д. Национальное счетоводство. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 1997.
2. Национальное счетоводство. Учебник. Под.ред. Б.И. Башкатов – М.: Финансы и статистика, 2002.
3. Макроиктисодий статистика. Ўқув кўлланма. С. С. Евломов таҳрири остида.- Т, Дитаф, 2001.
4. Рябушкин Б.Т. Национальные счета и экономические балансы. Практикум. – М.: Финансы и статистика, 2002.
5. Рябушкин Б.Т., Хоменко Т.А. Система национальных счетов. – М.: Финансы и статистика, 1993 .
6. Салин В.А ва бошқалар. Макроэкономическая статистика. – М.: Дело, 2001.
7. Фойибназаров Б. Миллий ҳисоблар тизими – макроиктисодий таҳдил асоси. Илмий рисола. – Т.: Фан, 2001.

ХУЛОСА

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини бошқариш ва барқарорлигини таъминлаш ҳамда жаҳондаги турли мамлакатлар билан ижтимоий-иктисодий ва бошқа соҳалардаги алоқаларини кенгайтириш учун республикамиз ҳисоб ва статистикасини жаҳон андозаларига асосланган миллий ҳисоблар тизимиға ўтказиш, иқтисодиётни босқичма-босқич бу тизим тамойилларига асосланиб, макроиктисодий таҳлил қилиш зарурияти туғилди.

Миллий ҳисоблар тизими – айни бозор иқтисодиётига мос келадиган миллий ҳисоблама бўлиб, миллий иқтисодиёт бўйича бир-бирига чамбарчас боғланган статистик кўрсаткичларни макроиктисодий тизимда баҳолаш, ҳисобламалар тўплами ва баланс жадвалларини тузиш, иқтисодий фаолият натижаларини характерлаш, иқтисод тузилмасини ва бошқа муҳим зарурӣ боғланишларни ифодалашга хизмат қиласиди. Миллий ҳисоблар тизими бозор иқтисодиёти шароитида юзага келадиган инфляция, ишсизлик, хорижий давлатлар билан пул-кредит муносабатлари, молиявий оқимлар, хўжалик ва мулкчиликнинг турли туманлиги каби жараёнларни иқтисодий таҳлил қилиш имкониятини беради. МҲТ ёрдамида пул ҳаракати, тақсимлаш, унинг аҳоли қўлида тўпланиб қолиши тўғрисидаги маълумотларни ишлаб чиқиши мумкин. Бу эса ҳисобларда келтирилган маълумотларнинг аниқлигига ва статистик ҳисоботлардаги ноаниқликларни назорат қилишга имконини беради.

Миллий ҳисоблар тизимиға ўтиш зарурлиги ижтимоий-иктисодий ривожланишдан мантиқан келиб чиқиб, республика иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти билан мослашувини тезлаштиради. Шунингдек, МҲТни жорий қилиш, унинг йўналишларини белгилаш, тармоқлараро балансларни МҲТ тамойиллари асосида қайта ишлаш, маълумотлар билан таъминлаш тизимини мукаммаллаштириш, жаҳон мамлакатлари маълумотлари билан республика маълумотларини халқаро миқёсда таққослашдан иборат. МҲТда келтирилган маълумотларнинг кўп қисми

кузатиши маълумотларига асосланган. Улар махсус статистик усууллар ёрдамида умумлаштирилади ва тегишли хуносалар чиқарилади. МХТ - миллатлараро ҳисбот ва статистика тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда ҳозирги замон иқтисодий ривожланиши, унинг қонуниятлари, йўналишларини реал тасвирлайди. Бугунги кунда республикамизда МХТни жорий этиш:

- давлат бошқарув органлари томонидан иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган макроиқтисодий маълумотлар ишлаб чиқилишини йўлга қўяди;
- халқаро иқтисодий ташкилотларга маълумотлар бериш муаммосини ҳал этиши имконини беради;
- иқтисодиётни ҳар томонлама кенг қамровли ўрганиш, макроиқтисодий таҳлил қилишни таъминлайди ва ҳ.к.

Республикамизда МХТни жорий қилиш анчагина ресурсларни талаб қиласди. Халқаро андозаларга мувофиқ ҳолда статистикани қайта қуриш дастурини молиявий таъминлашни чўзизб юбориш бу жараённинг секинлашувига олиб келади. Гарчи статистика органлари МХТни жорий этиши бўйича ишларда етакчи бўлсалар ҳам шу статистикани янгилаш билан боғлиқ вазифаларни ечиш учун умумиқтисодий бошқармаларни, жумладан, Молия вазирлиги, Марказий Банк, Давлат Солиқ қўмитаси ва бошқаларнинг ҳаракатини мувофиқлаштиришни таъминлаш зарур. Чунки ҳозирги вақтда республикамизда тузилаётган молия, банк, бухгалтерия, солиқ ва статистика ҳисботлари ўртасида катта фарқлар мавжуд.

Муҳим вазифалардан яна бири молия ва пул статистикасини қарор топтиришидир. Бундан асосий мақсад давлатнинг банк ва молия соҳаларидағи ислоҳотлар натижаларини тўла акс этириш, молия ва пул сиёсати кўламини белгилашга қаратилган бўлиши керак. Молия ва банк ҳисботи банк тизимида актив ва пассив ҳаракатларни ифодаловчи кўреаткичлар тизимини шакллантириш, бу вазифани пул муомаласи субъектларининг иқтисодий вазифаларни ҳисобга олган, пул бозорига молия тизими таъсирини ўтказиши ва ташқи дунё билан бўладиган муносабатларни изга солиши истиқболини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилиши керак. Кўреаткичларнинг янги тизимида пул массаси

элементлари Марказий банкнинг пул сиёсатини, тижорат банкларининг фаолиятини белгиловчи кўрсаткичларни, ички ва ташқи қарзлар ҳамда мамлакат тўлов баланси каби яқуний кўрсаткичларни макроиктисодий кўрсаткичларга нисбатан ифодаланиши халқаро қоидалар ва андозаларга мос келади.

Давлат ҳисобот ва статистика тизимини халқаро талаблар ва меъёрлар даражасига кўтариш ҳамда амалиётта татбиқ этишда статистика мутахассислари билан бир қаторда шу соҳа мутахассислари, олимлари, вазирликлар, корхоналар ва бошқа ташкилотларнинг мұтахассислари ягона дастур асосида иш юритишлари мақсадга мувофиқдир.

Юқорида таъкидланган ишларни амалга ошириш келгусида республикамизнинг халқаро майдонда жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий соҳадаги алоқалари мустаҳкамланишига, ички имкониятларидан самарали фойдаланишига кўмак беради, миллий ҳисоблар тизими тез суъратлар билан ишлаб чиқилишига замин тайёрлайди.

Хуроса қилиб айтганда, республикамиз иқтисодиётига тўлақонли МҲТни жорий қилиш миллий иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш, ижтимоий ҳаётда юз берадётган ўзгаришларни объектив статистик маълумотлар асосида макроиктисодий таҳлил қилиш имконини беради. Ушбу тизим давлатнинг молиявий аҳволи, пул муомаласи, кредит, тадбиркорликнинг янги тузилмасига оид кўпгина статистик кўрсаткичларни олишга ҳамда иқтисодиётда, сиёсатда, маъниавий ҳаётда юз берадётган жараёнларни тўлалигича ҳисобга олиш ва таҳлил қилишга замин яратади.

Миллий ҳисоблар тизимида қўлланиладиган асосий атамалар ва уларнинг изоҳлари

Асосий воситалар — мамлакат миллий бойлигининг муҳим қисми. Улар ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта фойдаланиладиган ва ўз қийматини тайёр маҳсулотга аста-секин ўтказа борадиган активлар ҳисобланади. Асосий воситаларга иморат ва иншоотлар, машина ва ускуналар, транспорт воситалири, боғлар, узумзорлар, геология-қидирув ишларига сарфлар, ЭХМ маълумотлар базаси ва уларни дастурлар билан таъминлаш харжатлари, санъат ва адабиётнинг нодир асарлари ва шу кабилар киради.

Айланма маблағларнинг айланниши - такрор ишлаб чиқариш жараёнида айланма маблағларнинг ҳаракат тезлигини ифодаловчи кўрсаткич. У икки хил ифодаланади: а) айланни коэффициенти (ўрганилаётган даврда айланма маблағларнинг айланниш сони); б) неча иш кунда бир марта айланниши (айланма маблағларнинг ўртача қўлдиги давр мобайнидаги кунлар сонига кўпайтирилиб, сотилган маҳсулот таннархи ҳажмига бўлиниади).

Асосий капиталнинг истеъмоли - асосий капитал қийматининг жисмоний ва маънавий эскириши натижасида камайиши. Унинг ҳажми асосий капиталнинг ёши ва тиклашдаги қийматини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозим.

Бирламчи даромад — институтцион бирликлар томонидан миллий даромаднинг бирламчи тақсимлаш натижасида олинган даромадлар: иш ҳақи, мулқдан олинган даромадлар, фойда, аралаш даромад, ишлаб чиқарини ва импорт солиғидан иборат.

Барча турдаги иқтисодий фаолиятларнинг халқаро андо-залари МХТнинг муҳим таснифларидан бири ҳисобланади. Бундай таснифлаш бирлиги қилиб алоҳида корхона ёки муассаса олинади ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулот ёки харажатлар таркиби ёхуд қўйилаётган технологиялар бир хил бўлган тақдирда айрим тармоқларга бирлаштирилади.

Бошқа ишлаб чиқариш солиқлари - ишлаб чиқарини омиларидан фойдаланганлик учун тўловлар, ундаи таипқари лицен-

зиялар, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун берилган рухсатномалар ва резидент фаолияти юритишида керак бўлган бошқа тўловлар. Уларга иш ҳақи, иморатлар, иншотлар, транспорт воситалари, тадбиркорлик ва ҳакозолар учун тўловлар мисол бўла олади.

Дивидент – акционерлик жамияти фойдасининг акция эгаси даромадига айланган қисми.

Давлат бюджетининг тақчиллиги - харажатлар суммасининг даромадлар суммасидан ортиқ бўлиши.

Доимий баҳолар – базис баҳо сифатида олинган қандайдир жорий давр баҳоси физик ҳажм индикаторини аниқлаш учун ишлатилади. Улар, одатда, 5 йилда бир ўзгартирилади.

Институцион бирлик – активларига мустақил мулкдорлик қилиш қобилятига эга бўлган, ўз зиммасига мажбурият ола биладиган, бошқа шахслар билан иқтисодий фаолият ва операцияларда иштирок этадиган хўжалик бирликларини ифодалайди.

Истеъмол баҳолари индекси - истеъмол саватига киритилган товар ва хизматлар баҳосининг у ёки бу даврдаги ўртача ўзгаришини ифодаловчи индекс. У одатда Лайпейрес формуласи бўйича аниқланади.

Иш кучига сарфланган харажатлар – иш берувчилар томонидан иш кучини ёллаш ва уни асраш билан боғлиқ бўлган харажатлар йигиндиси.

Ишсизлик даражаси – ишсизлар сонининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати. 16 ва ундан юқори ёшдагилар, лекин ишга эга бўлмаганлар, фаол иш қидираётганлар, ишни бошлашга тайёр турганлар ишсизлар деб аталади.

Иш ҳақи – жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар ҳисобланган суммалар йигиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.

Ишлаб чиқариш – маълум даврда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар, тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган мол ва хизматлар қиймати.

Иккиламчи дефлятор усули – қўшилган қийматни ўзгармас баҳоларда қайта баҳолаш усули бўлиб, унинг учун аввал ишлаб чиқариш ва оралиқ истеъмол дефляторланади, сўнгра биринчисидан иккинчиси айрилади.

Ишлаб чиқариш ва импорт солиғи- давлат томонидан ишлаб чиқарувчи бирликлардан товар ва хизматлар ишлаб чиқаргани ёки ишлаб чиқариш омилларидан фойдалангани учун олинадиган солиқлар - мажбурият, қайтарилмас тўловлардир. Уларга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бўлган солиқлар ва импорт солиқлари киради.

Кредит – олинган ресурсларни фоиз билан қайтариши ва ўрнини қоплаши асосида вақтингча фойдаланиши учун бериш. Кредитлаш усулларидан бири сифатида ссудани келтириш мумкин.

Корпорацияларнинг тақсимланувчи даромади - корпорациялашган корхоналар тўлайдиган дивидентлар (фойдалар) ва баъзи корпорация корхоналарининг даромадларидан олинадиган ажратмалардан таркиб топади.

Миллий ҳисоблар тизими (МХТ) - макро даражада бозор иқтисодиётини ёритиш ва таҳлил қилиши учун фойдаланиладиган ўзаро боғланган қўрсаткичлар ва тавсифномалар тизими. Унинг асосида йирик иқтисодчи олимлар Д.Кейнс, Дж. Хикс томонидан яратилган сиёсий иқтисод йўналишлари ётади.

Миллий бойлик - кишилик авлоди меҳнати туфайли яратилган бойликлар ва фойдаланиши мумкин бўлган табиий бойликлар йиғиндиcidан ташкил топади. Меҳнат натижасида пайдо бўлган ишлаб чиқарини воситалари ва истеъмол буюмларидан иборат ноз-неъматлар йиғиндиси миллий мулк, деб аталади.

Маҳсулотларга солиқлар – резидентлар томонидан ишлаб чиқарилган ва сотилган ёки импорт қилинган мол ва хизматларга мутаносиб равишда олинадиган солиқлар. Уларга масалан, қўшилган қиймат солиғи, акциз, божхона тўловлари ва ҳоказолар киради.

Якуний истеъмол учун қилинган харажатлар - уй хўжалиги аъзолари-резидентларнинг истеъмол товарлари ва хизматлар сотиб олиши учун қилган харажатлари, шунингдек, давлатни бошқарини органлари ва уй хўжаликларига хизмат қўрсатувчи нотижорат тани-

килотларнинг якка тартибли ва жамоа истеъмоли учун қылган харажатлари йигинчиси. Харажатларни бундай гурухлаш охирги истеъмол ким томонидан молиялаштирилишини кўрсатади.

Оралиқ истеъмол – ишлаб чиқариш жараёнида бутунлай тўлиқ ишлатилган мол ва хизматлар қиймати.

Резидентлар - нисбатан узоқ вақт давомида ҳудудида иқтисодий қизиқиши бўлган институтцион бирликлар (корхоналар, ташкилотлар, ўй хўжаликлари ва ҳоказолар).

Рентабеллик - корхона фаолиятининг фойдалилик дарожаси. Унинг тўрт хил кўрсаткичи мавжуд: корхона активлари рентабеллиги, муомалага чиқарилган акциялар рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги ва сотилган маҳсулот рентабеллиги. Бу кўрсаткичлар балансдаги (соф) фойда кўрсаткичининг корхона активларининг ўртача йиллик қиймати, муомалага чиқарилган акциялар миқдори, хусусий капитал миқдори ва сотилган маҳсулот таниархига нисбати билан аниқланади.

Сальдо - муайян вақт оралиғидаги пул тушумлари ва харажатлари ўртасидаги фарқ. Бухгалтерия ҳисобида дебит ва кредит томонларининг жамловчи суммалари ўртасидаги фарқ, шунингдек, баланснинг актив ва пассив томонлари суммалари ўртасидаги фарқ сифатида кўрилади. Бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган барча ҳисоб варақалари бўйича сальдо ҳар ойнинг биринчи санасида аниқланади.

Солиқ- корхона ва ташкилотлардан ҳамда аҳолиданundiриладиган пул маблағи.

Ташқи савдо – чет мамлакатлар билан савдо-сотиқ ишларини юритиш хорижга товар чиқариш (экспорт) ва хориждан товар олиб келиш (импорт)ни ўз ичига оладиган савдо. Айрим ҳолларда у ёки бу мамлакатнинг ташқи савдоси фақат экспорт ва импортдан иборат бўлиши мумкин. Ташқи савдо ҳалқаро меҳнат тақсимотига асосланади.

Товарлар – мулкчилик хуқуқи қўлланилиши мумкин бўлган физик предмет (буюм)лардир. Товарлар айни найтда турли хилдаги субъектларда эгалик қилиш хоҳинини уйғотувчи, талааб ҳиссини туғдирувчи предмет шаклида намоён бўлишлари керак.

Тўлов баланси - макроиктисодий статистиканинг муҳим бўлими; шу мамлакат ва ташқи дунё резидентлари орасидаги барча ташқи иқтисодий операциялар ҳақидаги маълумотларни маълум тизимга келтиради.

Трансферлар - даромадлар ва бойликларни қайта тақсимлашни ифодалайдиган қўрсаткич. У бир институтционал бирлик томонидан иккинчисига текинга берилган пуллар, товарлар, хизматлар ёки активларни ифодалайди. Улар жорий ва доимийга ёки пул ва натурал шакллардаги трансферларга бўлинади.

Тармоқлараро баланс – МХТнинг муҳим бўлими бўлиб, унинг ёрдамида тармоқлараро алоқалар, оралиқ истеъмол, тармоқлар ишлаб чиқариши ва талаби орасидаги мураккаб боғлашилар тадқиқ қилинади.

Фишер индекси - Лайпейрес ва Пааше индекслари асосида тортилган ўртача геометрик сифатида ҳисобланадиган индекс. У ЯИМни халқаро миқёсда солиширишда кенг қўлланилади.

Фойда ва аралаш даромадлар - ялпи қўшилган қийматнинг бир қисми бўлиб, у ишлаб чиқарувчилар ихтиёрида иш ҳақи, ишлаб чиқариш ва импорт солиғини тўлагандан сўнг қолади. Бу модда мулқдан олган даромадни ҳисобга олмаган ҳолда ишлаб чиқаришдан олинган фойда ёки зарар суммасини ифодалайди. У уй хўжаликларига қарашли нокорпоратив корхоналарда мулк эгаси ва тадбиркор даромадидан ажратиб бўлмайдиган меҳнат учун тўловлар элементини ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун уни аралаш даромад ҳам дейилади.

Фойда - корхона ва тижорат ташкилотлари ишлаб чиқариши ва хўжалик фаолиятининг охирги молиявий натижаси. Балансдаги фойда корхонанинг маҳсулот (хизмат) ларини, ортиқча асосий фонdlари ва бошқа мулкларини сотишдан олиниди. Сотишдан ташқари операциялардан олинган даромадлар (зараардан ташқари) ҳам шу қўрсаткич таркибига қўшилади.

Фоиз - ўз қарзини камайтирмасдан муайян давр учун дебитор кредиторга тўлаши шарт бўлган маблағ (қиймат). Бу дебитор билан кредитор ўртасидаги молиявий восита келишув асосида рўй беради.

Халқ хўжалиги баланси (ХХБ) – собиқ иттифоқ республикаларида қўлланилган тизим бўлиб, унда макроиктисодий кўрсаткичлар тизими ўз аксини тоғган. ХХБ марксча қенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш таълимотига асосланган.

Хизматлар – аслида буюргма асосида тайёрланадиган турли предметлар бўлиб, ишлов бериш натижасида улар ўз ҳолатини истеъмолчиларнинг талабига мос тарзда ўзгартирадилар. Бу ишини ишлаб чиқарувчи амалга оширади.

Экспорт- товар, хизмат ва капиталларнинг мамлакат ташқарисига чиқарилишини ифодалайди.

Эмиссия - муомалага банк билетлари, пул ва қимматли қоғозларни чиқариш.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) - марказий макроиктисодий кўрсаткич. У ёки бу даврда шу мамлакат резидентлари томонидан ишлаб чиқарилган охирги маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг бозор баҳосида ҳисобланган ҳажми.

Ялпи миллий даромад (ЯМД) - шу мамлакат резидентлари ва хорижий мамлакатлар ЯИМни яратиш давомида олган бирламчи даромадлари (мулқдан олинган даромад билан бирга) нинг йигиндиси.

Ялпи миллий ихтиёрдаги даромад (ЯМИД) - шу мамлакат резидентлари томонидан олинган бирламчи даромадлар ва соғ жорий трансферлар йигиндисидан иборат.

Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) – алоҳида олинган хўжалик юритувчи субъектлар, тармоқлар ва иқтисодий секторларнинг фаолияти натижаси бўлиб, унинг ҳажми ялпи ишлаб чиқариш ва оралиқ истеъмоли орасидаги фарқقا тенг.

Ялпи ички маҳсулот дефлятори – ялпи ички маҳсулот учун аниқланган баҳо индекси. Уни аниқлаш учун ялпи ички маҳсулот қиймат индексининг ЯИМ физик ҳажм индексига нисбати олинади.

Яширин иқтисодиёт - давлат статистикаси томонидан ҳисобга олинмаган, солиқ тўламайдиган, қонунларга бўйсунмайдиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти. Яширин иқтисодиёт белгилари асосан товар ва аҳолига хизмат турларини хуфёна ишлаб чиқариш (яширин цехлар, фабрикалар).

гиёхвандлик, қўшиб ёзиш, давлат мулкини талан-тарож қилиш,
олибсотарлик, тамагирлик ва бошқаларни ўз ичига олади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат Статистикаси тўғрисида »ги қонуни. 2002 йил 12 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасини халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб статистика тизимига ўтказиш давлат дастури. Вазирлар Маҳкамасининг 433-сонли қарори. 1994 йил 14 сентябрь.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағфура. I-т. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболини асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 1995 .
5. Абдуллаев А. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. – Т.: Мехнат, 1998.
6. Адамов В.Е. Экономика и статистика фирм. – М.: Финансы и статистика, 2000.
7. Акрамов Э.А., Ишмуҳамедов Ш. Узбекистан на пути к рынку: теоретические основы, условия и практика перехода.- Т.: Узбекистан, 1993.
8. Доклад о мировом развитии. 2000-2001гг. Всемирный банк. 2001г.
9. Додобобоев Ю.Т ва бошқалар. Макроэкономика. – Т.: Фан, 1999.
10. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. – М.: Инфра, 2000.
11. Ишмуҳамедов А.А. ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
12. Кулагина Г.С. Национальные счетоводства. – Учебник. – М.:Финстатинформ, 1998.
13. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. – М.: Финстатинформ, 2000.
14. Набиев Х.Н. ва бошқалар. Миллий ҳисоблар тизими. – Т., 1998.
15. Салин В.Н ва бошқалар. Макроэкономическая стати-

стика. – М.: Дело, 2001.

16. Ўзбекистон Республикасининг 2000-2001 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. – Т., 2001.

17. Фойибназаров Б. Миллий ҳисоблар тизими – макроиктисодий таҳлил асоси. Илмий рисола. – Т.: Фан, 2001.

18. Фойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. З-сон, 2002 йил, 23-25 бетлар.

19. Фойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизимида қўлланиладиган гуруҳлаш ва таснифлашлар. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 4-сон. 2002 йил, 79- 82 б.

20. Гайибназаров Б.К. Статистическое изучение сектора домашнего хозяйства в рамках системы национальных счетов. «Сельское хозяйство Узбекистана» №3, 2002, с 55-57.

21. Фойибназаров Б.К. Бухгалтерия ҳисоби ва миллий ҳисоблар тизими. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги счёtlар режасини амалиётга жорий этиш муоммоларига бағишланган халкаро илмий – амалий конференция. Илмий мақолалар тўплами. – Т.: 2002 йил 15-16 март, 194-197 б.

22. Гайибназаров Б.К. Система национальных счетов – инструмент макроэкономического регулирования. Журнал «Сельское хозяйство Узбекистана». №2, 2002, с 44-46.

23. Фойибназаров Б.К. Дунёвий андозалар даражасидаги статистикани ташкил этиши. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали З-сон. 2001, 16-17 б.

24. Гайибназаров Б.К. Цены в системе национальных счетов. Журнал «Сельское хозяйство Узбекистана» №3, 2001, с 56-57.

25. Фойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизимининг макроиктисодий кўрсаткичлари ва асосий ҳисобламалари. «Ўзбекистон республикаси иқтисодий сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзуидаги илмий-амалий конференция. Илмий мақолалар тўплами. – Т.: ТДИУ, 2000, декабрь, 145-147 б.

26. Фойибназаров Б.К. Молиявий-моддий механизмни та-комиллашувидағи ўзгаришлар таҳлили.» Узбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали 10-сон 2000, 42-43 бетлар.

27. Фойибназаров Б.К. Халқ хўжалиги баланси ва миллий ҳисоблар тизими орасидаги асосий фарқлар. «Проблемы методологии и методика анализа и прогнозирования социально-экономического развития и статистики» мавзуидаги илмий-амалий конференция. Илмий мақолалар тўплами. «ЎзИстиқболстат» қопидаги иқтисод ва ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш илмий тадқиқот институти. 1995, 155-161 б.

28. Фойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизимининг ривожланиш тарихи.» Бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий ва амалий асослари» мавзуидаги илмий конференция. Илмий мақолалар тўплами. ТДИУ, 1995, 3-4 май, 22-24 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I боб. Миллий ҳисоблар тизими фанининг предмети, усуллари ва асосий вазифалари.....	6
1.1. «Миллий ҳисоблар тизими» фанининг моҳияти ва унинг қисқача ривожланиш тарихи.....	6
1.2. «Миллий ҳисоблар тизими» фанининг предмети ва ўрганиш усуллари.....	14
1.3. Миллий ҳисоблар тизимининг асосий вазифалари.....	16
Қисқача хulosалар.....	18
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	19
Асосий адабиётлар.....	19
II боб. Халқ хўжалиги баланси тизимидан миллий ҳисоблар тизимига ўтишнинг методологик хусусиятлари.....	20
2.1. Халқ хўжалиги баланси ва унинг асосий камчиликлари...	20
2.2. Халқ хўжалиги баланси билан миллий ҳисоблар тизими орасидаги асосий фарқлар ва ўхшашликлар.....	22
Қисқача хulosалар.....	27
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	28
Асосий адабиётлар.....	28
III боб. Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодий фаолият ва иқтиодий операцияларнинг таснифланиши.....	29
3.1. Иқтисодий фаолият ва унинг таснифланиши.....	29
3.2. МХТда иқтисодий операцияларни гуруҳлаш.....	30
Қисқача хulosалар.....	32
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	32
Асосий адабиётлар.....	32
IV боб. Миллий ҳисоблар тизимида қўлланиладиган гуруҳлаш	
120	

ва таснифлашлар.....	33
4.1. Иқтисодий фаолият турларини мулк шакллари, маъмурий ва иқтисодий худуд ҳамда идоравий тасарруфи бўйича таснифлаш.....	33
4.2. Институцион бирлик тушунчаси ва иқтисодий фаолият турларининг секторлама таснифи.....	34
4.3. Ишлаб чиқариш бирлиги ҳақида тушунча ва иқтисодий фаолият турлари тармоқларининг таснифи.....	37
4.4. Макроиқтисодий статистикада қўлланиладиган бошқа гурӯҳлаш ва таснифлашлар.....	41
Қисқача хulosалар.....	43
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	43
Асосий адабиётлар.....	44
 V боб. Макроиқтисодий фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.....	45
5.1. Макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашнинг умумиазарий асослари.....	45
5.2. Ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш усуллари.....	48
5.3. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини аниқлашда қўлланиладиган баҳолар тизими.....	67
5.4. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш усуллари.....	70
Қисқача хulosалар.....	74
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	74
Асосий адабиётлар.....	75
 VI боб. Миллий ҳисоблар тизимининг асосий ҳисобламаларини тузиш масалалари.....	76
6.1. МХТning ички иқтисодий ҳисобламалари.....	76
6.2. Ташқи иқтисодий алоқалар ҳисобламаси.....	97
Қисқача хulosалар.....	100
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	100

Асосий адабиётлар.....	100
VII боб. Ўзбекистонда МХТ ни жорий қилиш муаммолари... 101	
7.1. Ўзбекистонда МХТ ҳисобламаларини ишлаб чиқишидаги асосий муаммолар.....	101
7.2. Ўзбекистонда МХТни жорий қилиш борасидаги асосий ва- зифалар.....	103
Қисқача хулосалар.....	105
Назорат ва мұхоммада учун саволлар.....	105
Асосий адабиётлар.....	106
Хулоса.....	107
МХТда қўлланиладиган асосий атамалар ва уларнинг изоҳлари.....	110
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	117

CONTENTS

INTRODUCTION.....	5
PART-I. SUBJECT, METHODS AND MAIN TASKS OF “NATIONAL ACCOUNTING SYSTEM”.....	6
1.1. Essence and brief history of the development of “National accounting system ”.....	6
1.2. Subject and methods of studying “National accounting system ”... ..	14
1.3. Main tasks of “National accounting system ”.....	16
Brief conclusions.....	18
Questions for discussion and control.....	19
Main literature.....	19
PART-II. METHODOLOGICAL FEATURES OF TRANSITION TO THE NATIONAL ACCOUNTING SYSTEM FROM ECONOMIC BALANCE.....	20
2.1. Economic balance and its main disadvantages.....	20
2.2. Main difference and similarities between economic balance and national accounting system	22
Brief conclusions.....	27
Questions for discussion and control.....	28
Main literature.....	28
PART-III. CLASSIFICATION OF ECONOMIC ACTIVITY AND ECONOMIC OPERATION IN THE NATIONAL ACCOUNTING SYSTEM.....	29
3.1. Economic activity and its classification.....	29
3.2. Grouping the economic operations in NAS	30
Brief conclusions.....	32
Questions for discussion and control.....	32
Main literature.....	32

PART-IV. GROUPING AND CLASSIFICATIONS USED IN THE

4.1. Classification of types of economic activities according to the forms of property, administrative and economic region and administrative possession.....	33
4.2. Concept of institutional unit and sector classification of types economic activity.....	34
4.3. Concept of production unit concept and classification of types of economic activity.....	37
4.4. Other grouping and classifications used in macroeconomic statistics.....	41
Brief conclusions.....	43
Questions for discussion and control.....	43
Main literature.....	44

PART-V. SYSTEM OF PARAMETERS INDICATING RESULTS OF MACROECONOMIC ACTIVITY..... 45

5.1. General-theoretical bases of calculating macroeconomic dates.....	45
5.2. Ways of calculating gross domestic product.....	48
5.3. System of prices used in determining gross domestic produc.....	67
5.4. Ways of calculating the volume of GDP in fixed prices.....	70
Brief conclusions.....	74
Questions for discussion and control.....	74
Main literature.....	75

PART-VI. ISSEUS RELATED TO MAKING UP MAIN CALCULATIONS OF THE NATIONAL ACCOUNTING SYSTEM..... 76

6.1. Internal economic calculations of NAS.....	76
6.2. Calculation method of foreign economic relations.....	97
Brief conclusions.....	100

Questions for discussion and control.....	100
Main literature.....	100
PART-VII. PROBLEMS OF PERFORMING THE NAS IN UZBEKISTAN.....	101
7.1. Main problems of making up calculations of NAS IN Uzbekistan.....	101
7.2. Main tasks of performing the NAS in Uzbekistan.....	103
Brief conclusions.....	105
Questions for discussion and control.....	105
Main literature.....	106
LIST OF BIBLIOGRAPHY.....	117

21/12/3
8

ФОЙИБНАЗАРОВ БАХОДИР КАРИМОВИЧ

МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ

Ўкув қўлланма

Нашр учун маъсул:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюномаси

Адабиёт жамғармаси директори

Қурбонмурод Жумаев

Мусаввир:

Акбарали Мамасониев.

Муҳаррир – Ҷ. Икрамова;

Техник муҳаррир – Ш. Тожиев;

Мусаҳҳих – Ж. Йўлдошев;

Компьютерда саҳифаловчи – Д. Давлаткулов

Интернетдаги расмий сайтишимиз: www.tsue.uz

Электрон почта манзими: info@tsue.uz

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босинига рухеат этилди 20.01.2004 й.

Қороз формати 60x84 1/32. Офсет босма усулида босилди.

Нашр босма тобоги 8. Нусхаси 700.

Буюртма № 37/5

Ўзбекистон Ёзувчилар уюномаси Адабиёт Жамғармаси наприёти.
700000, Тошкент, Ж.И.ру, 1.

«POLI-PLEKS» мастиљияти чекланган жамият
боемахонасида чоп ўзишиди.
7000187, Тошкент шаҳри, Қазандар-1

ҒОИБНАЗАРОВ Баҳодир Кағаровиҷ — «Статистика» кафедраси доценти. У 1 та монография, 2 та ўқуҷ қўлланма ва 40 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

Илмий ишларининг асосий мавзуси — «Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини жаҳон андозаларига асосланган Миллий Ҳисоблар Тизимига ўтказиш муаммолари».

